

# МАЬНАВИЙ ХАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№1/2024





Фото: Холидж Мусулмон

**Наврӯзи олам бизни бутун борлиқни,  
авваламбор, ер ва сув, ҳайвонот ва  
ўсимлик дунёсини, соғ ҳавони асраб-  
авайлаб, она табиатга меҳрибон  
фарзанд бўлиб яшашга даъват этади.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**


(Наврӯз умумхалқ байрамига бағишлиланган  
тантанали маросимдаги нутқидан.)

# МУНДАРИЖА

22




42



58



34



88

## 4. ШУКУҲ

Янги куннинг эски тарихи

## 8. УЧ АВЛОД

### УЧРАШУВИ

Таълим шахсни тарбияласин!

## 16. ТАВСИЯ

Эшиклар очик, лекин...

## 22. ТУРКИЙЛАР

Мангутовнинг мангулиги

## 34. ШАРҚДАН НУР

Туркистон шаҳарлари Навоий тасвирида

## 42. КАРВОН ҚҮНФИРОГИ

Кўхна дард, янги шифо...

## 48. XXI АСР ЎЗБЕК ФАНИ

«Худо ёрлақаган одамман»

## 56. ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРГАН НУТ҆ЛAR

«Озодлик, озодлик дея ҳайқираман»



104

64



70

96



### 58. МУЛОҲАЗА

Лайк гадолари ёхуд хатарли инкубатор

### 64. БОНГ

Инсон қалби билан ҳазиллашманг

### 70. БОБОЛАР ИЗИДАН

Үн аср наридан, үн аср беридан

### 78. МУВОЗАНАТ

Онадан олислайтган одамлар

### 88. ЎТГАНЛАР ЁДИ

Дўнгпешона дўнг ўзбегим


### 96. ТЕАТР

Оғрикли томоша

### 104. ОТАЛАР ВА ҚИЗЛАР

Нобел қўмитасидан хат олган ўзбек олими

8



48

# ЯНГИ КУННИНГ ЭСКИ ТАРИХИ

**Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ,**  
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва  
фолклори институтининг  
таянч докторанти



Дунёда миллат ва элатлар кўп. Уларнинг байрамлари ҳам ўзига хос ва хилмажилдир. Бу байрамлар ўша халқларнинг яшаш ҳудуди, тили, дини, тафаккур тарзига кўра фарқ қиласди. Деярли ҳар бир халқда бўлган йилбоши билан боғлиқ байрам, маросимлар ҳам кўп ҳолларда қандайдир воқеалар, муҳим саналар билан боғланади. Бунга мисол сифатида ислом динига эътиқод қилувчи мамлакатлардаги ҳижрий тақвим пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Макка шаҳридан Мадина шаҳрига кўчиши, Григорий тақвимидағи йилбоши Исо алайҳиссаломнинг туғилиши билан боғлиқлигини келтириш мумкин. Хитой, япон ва карис халқларида эса йилбоши-

ни ой ҳаракати билан белгилашган ҳамда феврал ойида нишонлашади. Демак, бугун амалда бўлган турли йил ҳисоблари инсониятнинг сўнгги даври ва фаолияти билан боғлиқ. Бу аниқлов ва байрамга айлантирилган саналарнинг замирида бевосита «биринчи кун»нинг муқаддаслиги билан боғлиқ эътиқод туради.

Эсга олинган саналар ичидаги яна бир байрам борки, у бошқалардан фарқли ҳолда сўнгги давр маҳсули эмас. Бу байрам дунё яралгандан буён мавжуд, тўғрироғи, ҳаёт бор экан, бу байрам ҳам бор эди. Та-биатшунослик фанида қизик бир тушунча бор: агар инсон ўз ақлий салоҳияти билан нимадир яратса, унинг номи ихтиро дейилади. Агар азалдан бор нарсан очса,



у кашфиёт деб аталади. Биз назарда тутган байрам инсон ихтироси эмас, аксинча, инсон уни кашф қилган. Бу йилбоши – Наврӯз байрамидир.

Наврўз нафақат ўзбекларнинг, балки бутун туркий халқларнинг энг қадимий байрамларидан. Гарчи номи форсча бўлса-да, «янги кун» моҳиятан йилбоши мазмунига мос келади. Наврўзни Марказий Осиё ва бошқа ҳудудларда яшовчи барча туркий халқлар бир неча минг



йилдан буён йилбоши ўлароқ нишонлаб келади. Улар бу байрамни кашф этибдики, ҳар бир ишини, турмуш ташвишларини ана шу кунга қараб белгилайди, сархисоб қилади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Қадимда инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги сифатида англа-  
ган, унинг ҳукмларини сўзсиз қабул  
қилган вақтларда атроф мухитни  
буғунги кун одамларидан кўра  
кўпроқ, кенгроқ ва теранроқ  
кузатган. Осмон жисмлари  
мисолида – қуёш ва ойнинг  
қачон чиқиб, қачон ботиши-  
ни, қайси йўналишда ҳаракат  
қилишини, самодаги ҳар бир  
ҳолатини; юлдузларнинг буржлари,  
чиқиш ва ботиш нуқталари, кўриниш муд-  
датларини, манзилларини; булутларнинг  
рангига қараб ёғингарчилликнинг тури  
ва кўламини; куннинг қисқариб, туннинг  
узайиши ва аксини, умуман, табиатдаги  
ҳар бир ҳодисани ипидан игнасигача ўр-  
ганишган. Бу билимлар Наврўз байрами  
 билан боғлиқ маросимлар, айтимлар ва  
кўшиқларда яқол бўй кўрсатиб турибди.





Наврӯз билан боғлиқ «Бойчечак» қўшиғида бойчечакнинг баҳор элчиси экани, унинг ер юзига чиқиши янги ва яхши кунларнинг келишидан нишоналиги англашилади. Болаларнинг бу қўшиқни айтиб уйма-уй юришлари, кайвони ва нуроний отахону онахонлар уларнинг қўлидаги чечакни олиб кўзларига суртиши ва «Омонлиғ-сомонлиғ», ҳеч кўрмайлик ёмонлиғ» деган дуо-олқишлиар қилиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бу дуо-олқишдаги «омонлиғ»дан мурод Наврӯз байрамидир. Жуфт сўздаги иккинчи сўз – «сомонлиғ» куздаги мўл-кўлчилик куни 21 сентябр – Сомон байрамига ишорадир.

Наврӯз тақвим бўйича 21 марта тўғри келган. Одамлар бу кунда яхши кайфиятда, чиройли ва тоза либосларда сайилгоҳ ва гузарларга чиқиб, байрамни нишонлагандар. Бир томонда эрқаклар кураш, кўпкари сингари ўйинлар ўйнаган, ҳалим пиширган бўлса, бир ёнда аёллар баҳорий ўланлар, қўшиқлару лапарлар куйлаб, сумалак тайёрлаган. Бўй қизлар Наврӯз байрами куни боғдаги катта ўрик дарахтига арқон боғлаб, ҳалинчак (арғимчоқ) учишган.

Бунинг сабаби – Наврӯз куни арғимчоқ училса, одамнинг дарду ғами, оғирликлари тўкилади деб ишонишган. Болалар ҳам баҳорий қўшиқларни куйлаб, бештош, чиллак каби ўйинларни ўйнаган. Элу юрт янги йилда ризқу рўзининг мўл бўлишини тилаб, ерга уруғ қадаган.

Болалар куйлаган баҳорий қўшиқлардан бирида шундай мисра келади:

Ёмгир ёғалоқ,  
Эчки чақалоқ,  
Бойнинг қизининг  
Қорни думалоқ...

Наврӯз нафақат ўзбекларнинг, балки бутун туркий халқларнинг энг қадимий байрамларидан. Гарчи номи форсча бўлса-да, «янги кун» можиятан йилбоши мазмунига мос келади.

Мисрада келган эчки – баҳор ва ёз рамзи. Унинг қарама-қарши қутбида бўри туради. Бўри – куз ва қишнинг рамзи. Бу қўшиқ ва рамзлар «Эчки ва унинг болалари» («Эчкининг ўч олиши») номли эртакни онгимизда гавдалантиради. Эртакка қўра эчки ҳар куни уйига болаларини қамаб, уларга зинҳор эшикни бўрига очмасликларини тайинлаб, ўтлагани кетади. Бўри эса бир неча уринишдан кейин уйга алдов билан кириб, ҳамма улоқларни еб қўяди. Эртақдаги бу эпизод куз ва қишнинг баҳору ёз устидан қилган вақтингчалик ғалабаси демакдир. Эртак давомида эчки уйга қайтади ва болаларининг йўқлигини кўриб, бўридан ўч олиш мақсадида йўлга тушади. Ниҳоят, бўрини топиб, ўткир шохлари билан қорнини ёриб ташлайди. Бўрининг қорнидан эса улоқчалар чиқиб келади.

Қўшиқдаги эчкининг чақалоқ, яъни улоқча ҳолида экани шундан. У эндиғина бўрининг қорнидан чиқиб келган. Шу боис кўпроқ ўтлаши, куч йиғиши лозим. Қўшиқ давомида келган «Бойнинг қизи» – ер. У ўз бағридаги бор нарсани ташқарига чиқаришга шай ҳолда. Унинг қорни думалоқлиги, ҳомиладорлиги шундан.

Наврӯз байрами билан боғлиқ афсона, ривоят, айтим ва урф-одатлар жуда кўп. Бай-

рамнинг ўзига хосликларидан яна бири – бу кунда одамлар ўз яқинлари билан дийдорлашган, кўча-кўй тозаланган, ҳовли-боғ тартибга келтирилган, уришиб қолганлар ярашиб олишган, урушлар тўхтатилган, бандилар озод қилинган, юртнинг катталари халқа ош берган, эл шод-хуррам бўлган.

Мана шу кунда халқимиз айтган яна бир олқиша шундай дейилади:

Эски йил кетди,  
Янги йил келди,  
Дошқозонлар тизисин,  
Сумалаклар сузисин.  
Бугдой пишиб чош бўлсин,  
Еганимиз ош бўлсин,  
Эл-юртимиз боғ бўлсин,  
Ризқ-рўзимиз тог бўлсин!

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, отабоболаримиз табиатдаги турли ўзгариш, янгиланиш ва алмашинишларни ўша даврга мос тафаккур тарзига қўра таҳлил ва талқин қилишган. Бунинг маҳсули ўлароқ турли-туман мифлар, афсона ва ривоятлар, эртак ва маросимлар вужудга келган. Табиатдаги ҳар бир ҳолат энг асосий нарса – сўзда акс этган ва онг остидаги қора қутига муҳрланиб борган. Наврӯзимиз эса мана шу халқнинг барча хотираларини ўз бағрида сақлаб келаётган, фоят қўхна ва нақирон байрамдир.





# ТАЪЛИМ ШАХСНИ ТАРБИЯЛАСИН!



**Х**аётдаги муаммолар илдизи доимо илмсизлик бўлган. Чунки фақат яхши билим, кенг дунёқарашга эга шахсларгина жамиятни тараққий эттиради. Шундай шахсларгина миллат шаънини баланд тута олади. Зеро, Президентимиз бот-бот таъкидлаганидай: «Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда!». Бугун бизни қийнаётган масалалар ҳам айнан илмсизлик, янаям аниқроғи, таъ-

лимдаги камчиликларимиз билан боғлиқ. Хўш, нега бизда юқори малакали кадрлар кам? Нима учун ёшларимиз ўқишга эмас, диплом олишга кўпроқ қизиқади? Умуман, билимсиз, дидсиз талабалар қандай пайдо бўляпти каби саволларга жавоб топиш учун педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев ва филология фанлари доктори Узоқ Жўрақуловни сұхбатга чорладик.

Сұхбатни Боборавшан ФОЗИДДИНОВ уошибирди.

### **Боборавшан ФОЗИДДИНОВ:**

— Бизда қизиқ бир зиддият бор. Ишсизлик күпгина ёшларнинг муаммоси. Доимий ишга эга бўлганларнинг ҳам аксарияти оддий ишчи ҳисобланади. Бу томондан қарасангиз, корхона, ташкилот раҳбарлари малакали кадрлар йўқлигидан нолийди. Кадрлар билан боғлиқ муаммога шахсан гувоҳ бўлганим учун айтаяпман. Бунинг сабаби нимада?

### **Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ:**

— Биз доим иш ўринлари йўқ деб билиардик. Саволингиздан маълум бўлаяпти, бор иш ўринларига муносиб кадрлар ҳам етишмас экан. Бунинг сабаби ёшлардаги, балки бутун миллатдаги ўзини ҳаётга тайёрлай билмаслик иллатидадир. Болалар 11 йил мактабда ўқиётганида мен нега ўқияпман, эртага ким бўламан деган саволни ўзига камдан-кам беради. Тасодифан тўғри келса, кимдир қаергадир жойлаб қўйса, шунда давом эттираман деган ёндашув бор. Журналистикани битириб боради-ю, таҳририятда ишлашга тайёр эмас. Чунки ёшларнинг катта қисми билим эмас, диплом олиш учунгина ўқийди. Кун ўтарга юриш, ўзининг олдига аниқ мақсад қўя олмаслик эпидемияси ёйилиб кетган. Шунинг учун ҳам бир томонда ишсизлар, бошқа ёқда кадр етишмаслиги...

Ҳатто хориждаги ёшларимиз кўп ҳолларда малака талаб қилинмайдиган қора ишларни бажарайти. Лекин миллат болалари қора ишчи бўлиб қолмаслиги керак. Бундан чиқиб кетишнинг биргина йўли бор: ҳар бир одам ўзининг савиясини юксалтиrsa, ўтирган жойида иш топади. Кеरак бўлса бошқалар учун иш ўрни яратади. Ёшларимиз ялқовликка барҳам бериб, ўз устида ишлаши, интеллектуал салоҳиятини кўтариши шарт деб ўйлайман.

### **Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ:**

— Боборавшан, сиз айтгандай иш ўринлари кўп деб ўйламайман. Ўзим



Болалар 11 йил мактабда ўқиётганида мен нега ўқияпман, эртага ким бўламан деган саволни ўзига камдан-кам беради.

эшитган-билган баъзи заводларга ишга кириш учун фалон сўм сўрашади. Биласизми, хорижда ишлаб юрганлар билан кўп гурнглашаман. Улар орасида ўттиз йилдан бери хорижда юрган тенгдошларим бор. Ёшим эллик еттида! Улар билан дилдан сухбатлашиб амин бўлганманки, умрининг энг гуллаган даврини уйдан узоқда қора меҳнатда ўтказиб, бундай юришдан безиб қолган. Лекин уй таъмирлаш, болаларини ўқитишга ўхшаган катта эҳтиёжлар сабаб мажбур юрибди. Агар яхши иш ўринлари етарлича яратилса, юртдошларимиз мустақил таълим олиб ҳам ўрганади.

Юқоридаги фикрга келсак, тўғри, яхши мутахассислар кўп эмас. Лекин билими, савияси яхши мутахассисларни ҳам баъзи корхоналарда қучоқ очиб кутиб олишмайди-да! Афсуски, таниш-билишчилик кучли. Бу барча соҳада бор. Буни энди очиқ айтмасак ва бунга қарши турмасак бўлмайди.

### **Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ:**

— Ҳатто фаррошларни пора эвазига ишга қабул қилмоқчи бўлганлар қўлга тушгани ҳақида расмий хабарлар берилди-ку!

### **Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ:**

— Тўғри айтдингиз, Қозоқбой ака! Фаррошки пора бериб ишга кираётган ҳолатда кадрлар етишмайди деган масала бироз баҳсли. Айни пайтда масаланинг таълима бўлган муносабатимиз билан боғлиқ жиҳати ҳам борлигини инкор этмаймиз. Гап шундаки, ўзбекни интеллектуал ва бошқа жиҳатлардан орқага тортаётган

жиҳат бизда олий маълумот олиш хўжакўрсинга айланиб бўлгани. Эллик-олтмиш фоиз талаба мутахассис бўлиш ниятида эмас. Ўқияпти деган гап учун университетга хужжат топширади. Уларнинг харражатини қоплаш учун эса ота хорижда қора меҳнат қиласди, она уйда мол боқади. Бу ҳам муаммонинг катта омили. Ёшлар ўз истаги билан, шу соҳада мутахассис бўламан деб келса, ўзгариш бўлади. Ана шундай ниятдаги кам сонли ёшларни ишга оладиган мард ҳам, иш ҳам етарли эмас. Инсон қадр топмаса, унинг интеллектуал даражасига яраша эътибор берилмаса, најотни ташқаридан излаши табийи.

Ёшларнинг кўпи четда ўқиб, ўша ерда ишлашни орзу қиласди. Лекин яна ўша гап: чет элда ўқиб ишляяпти деган гап учун қизиқишиади. Шундан каттароқ мақсадни мўлжаллайдиган ёшлар оз.

### **Боборавшан ФОЗИДДИНОВ:**

— Нега ёшлар фақат диплом олиш учунгина ўқийди? Бу иллат қандай пайдо бўлди? Ундан қандай қутулиш мумкин?

### **Қозоқбой Йўлдошев:**

— Ёшлар онгидаги бу тушунчани қандай йўқотиш борасида таклиф бериш қийин. Сабабларини бир қадар айтишга ҳаракат қилишимиз мумкин. Гап шундаки, биз ўзимиз учун эмас, атрофдагилар учун яшаймиз. Ич-ичимиздан яхши бўлишга эмас, атрофдагиларга яхши кўринишга ҳаракат қиласми. Меҳмон келганда зўр дастурхон ёзамиз, йигирма-ўттиз киши билан ўтказса бўладиган тўйни минг кишилик қиласми. «Алпомиши»ни эсланг, Бойсари Қалмоққа йўл олганда ҳар тўхтаган жойида намойиш учун яшил ўтов ёптириб, тўп оттириб кетади. Шу илдиз бугун ёмон кўриниш олди.

Бизнинг даврда ёшлар ҳаддини, ўзининг даражасини билиб, олий мактабга хужжат топширишни ҳам ўйлаб кўрарди. Ҳозир эса омадим келса ўқийвераман деб хужжат топширади. Нима учун ўқишга киришим керак, бу орқали нимани амалга ошираман деган савол қўйиш йўқ. Отанаолар ҳам диплом олиб қўй, бир кун керак бўлиб қолар дейди. Совет даврида



“

Нима қилиш керак? Менимча,  
миллатнинг ҳар бир вакилида  
ўзига ҳурмат туйғусини  
шакллантириш лозим.

одамнинг ўқуви эмас, ҳужжатга эгалиги мұхим әди, шу қараш бугун яна ҳам ёйи-либ кетаяпти. Қизиғи, уддали одам яхши яшашини күриб, билиб туришибиди.

Нима қилиш керак? Менимча, миллатнинг ҳар бир вакилида ўзига ҳурмат туйғусини шакллантириш лозим. Оилада ўзимизча одоб деб атаб, ота-онага бет-гачопар бўлмайдиган бола тарбиялашга ҳаракат қиласиз, лекин улардаги шахс-ликни синдириб борамиз. Биз ташқи эф-фектларга маҳлиёмиз, мактаб директори учун ўқувчининг формаси мұхимроқ. Аслида ўқувчининг қобилиятини, билими-ни форма белгиламайди. Лекин бизнинг педагогикамиз шунинг устига қурилган, билим бериш, шахс эркиннинг устига эмас. Имкон қадар талабга бўйсунувчи, қолипга тушувчи ўқувчилар яратишга уринилади. Шу стереотиплардан қутулиб, одамга бетакрор шахс сифатида қараб, шунга яраша муомала қилишим керак деган қараш шаклланиши лозим. Умуман, мактабда ўқувчига, олий мактабда талабага, оила-да болага, ишда ходимга нисбатан шундай муносабат шаклланиши зарур.

#### Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ:

— Мактабда ким бўласан деб сўрашганда, доим ўқитувчи бўлман деганман. Чунки муаллимларга ҳавас қилганман. Сабаби уларнинг фаолияти, яшаш-туриши шу ҳавасни уйғотадиган бўлган.

Талаб ва таклиф деган нарса ҳам бор. Бизда қайси соҳада кадрларга эҳтиёж борлигини билиш учун аниқ бир платформа

йўқ. Касб танлолмай юрган ёшлар шунга қараб йўналиш олиши мумкин. Юқорида ўқитувчи бўлишни орзу қилиб мўлжал олганимни айтдим, бошқалар ҳам худди шундай кимгадир қараб мўлжал олган, ма-салан, бир синфдошим «началник» бўла-ман дерди.

Ҳозир олий таълимни битириб чи-қаётгандарни иш билан таъминлаш паст даражада. Дипломини сандиққа ташлаб, бошқа иш қилиб юрганлар қанча?

Фақат ўзбекларга хос эмас бу вазият, бошқаларда ҳам шундай. Бир ўрис қўшним бўларди, доим ичиб, бир бало бўлиб юрарди, лекин жуда ўқимишли, адабиёт-дан bemalol мен билан баҳслаша оларди, уйида ҳам китоблари кўп эди. «Нега шу салоҳиятинг билан бундай юрибсан?» деганимда, «Ўзимнинг интеллектуал дара-жамга яраша қадр кўрмадим» деган. Унинг хулосаси жуда қойилмақом эмасдир, ле-кин инсон тафаккурида шундай ҳодиса бўлади. Фақат миллий эмас, бутун инсо-ниятга хос ҳодиса бу.

#### Боборавшан ФОЗИДДИНОВ:

— Барибир мени «Кўпгина ёшлар нега шундай лаёқатсиз бўлиб қолди?» деган са-вол қийнайверади...

#### Қозоқбой Йўлдошев:

— Ҳозиргина шу саволга жавоб бердик. Яна такрорлайдиган бўлсак, бунинг сабабларини этник кодлардан қараш керак дедик. Кейин яна бир жиҳат, 1990-йиллардаги талотўплар вақтида бу-тун мамлакатда қиёмат бошланадиган-дай тала-тала авж олди. Ўзим ишлаган колхозда 50 дан ошиқ юк, 4 та енгил ва 28 та пахта терадиган машина, 600 дан ортиқ қорамол бор эди. Бир куни бор-сам, ҳеч нарса йўқ. Қаерга кетди десак, атрофдагилар билмаймиз дейди. Ўша вақтларда ўқийдиган, ҳалолликни ўй-лайдиганлар четда қолиб, ким кўпроқ мол-дунё йиқкан бўлса, шаллақи, уят-

сиз бўлса, ўшалар кўпроқ амалга келди. Болалар шуни кўрди. Узоқнинг идеали ўқитувчилар бўлгани каби, улар интилган одамлар юлғичлар эди. Шу давр, 1990-йиллардан бошланган авлод шафқатсиз реалист бўлди. Улар отамга ўхшай деб ҳам орзу қилмайди. Невараларим филолог эмас, менежер бўламан дейди. Чунки улар яхши яшар экан. Яъниким, жамиятдаги ҳолат болалар психологиясига таъсир қилган. Улар ўйлаётгани осон нарсалар, ўқиш эса энг оғир меҳнат.

Талабалар камида етти-саккиз миллион сўм пул тўлаб ўқимасдан юради. Нимага бораяпман, кун ўтиб кетаяпти деб ўйламайди. Ўйласа ҳам, энди қиломайди, қўлдан бой берган бўлади.

Бугун мўлжал йўқолмади, у ўзгарди. Мана, Узоқлар ўқиб юрган даврда ҳам порахўрлик авж олган эди, кўпчилик нимага ўқиётганини билмасди. Лекин ҳартугул адабий кечаларда залга одам сифмай кетарди. Ҳозир Навоий тирилиб келибди, фалончи хонада ҳазрат билан учрашув бўлар экан деса, беш-олтита бола келди, холос.

### Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ:

— Биз айтиётган иллатларнинг илдизи анча чуқур. Бунинг учун фақат шўро даврини, мустақилликнинг маълум йиллари ни айблаб бўлмайди. Миллатимиз бошига қачон мустамлака зулми кела бошлаган бўлса, шундан бошланган булар.

Қозоқбой ака айтгандай, миллатимиз руҳияти ўзгарган. Афғонистонга бордик. Биз уларни эзилган, бечора деб билардик. Чунки шундай ўргатишган, кўрсатишган бизга. Лекин ўша ердаги ўзбеклар билан гаплашиб кўрганимда, уларнинг ҳаёти қанчалик оғир бўлмасин, ўзбеклик, менлик руҳи баланд эканини кўрдим. Қодирий энг кир ва қора давр деб таърифлаган вақтда ҳам ўзбекнинг миллатлик руҳи баланд бўлган.

Илдизларни аниқ белгилаб олиб, руҳий рағбат берадиган нарсаларни ўйлаш ке-

рак. Жадидлар ҳам шу масалаларни кўп ўйлаган. Улар миллат улкан хато устида яшаётганини англаган ва саволларга жавоб излаган. Сиз билан биз гаплашаётган саволлар улар қўйган масалалар олдида анча кичик.

Фитратнинг «Темур сағанаси» писа-сидағи саҳналарни олсак ҳам, у образни тирилтириб ўша даврларда Туркистон, миллат қандай бўлганинига жавоб беришга ҳаракат қилган. Улар миллат майдалашиб, руҳи синиб бораётганини билган. Жадидлар ўтмишдан шунчаки мақтаниш учун эмас, балки миллатнинг кимлигини кўрсатиш мақсадида фойдаланган. Ўша жадидлар давридаги ижтимоий одам бугунги ижтимоий одамдан анча баланд эди. Лекин улар шуни ҳам таназзул деб билган. Кўраяпсизми, миллат қандай бўлган! Ўзбекнинг ори, шахсияти бўлган, бемалол юрган, хоҳлаган жойда гапини ўтказган, ўзини кўрсатолган, лекин шу ҳам жадидларни қониқтирумagan. Бу миллат шонли тарихни бошдан ўтказган, шундай руҳга қайтиш керак деб ҳисоблаган.

Жадидларнинг қўлида маблағ, куч бўлмай туриб, катта ишлар қилишган. Оддий мисол, улар чиқарган дарсликларни олинг, ҳозиргидек эга-кесим, фалончи қачон туғилган деган нарсалар эмас, балки ёшларнинг биринчи навбатда ўзини англаши, жамиятда, дунёда қандай яашини кўрсатолган дарсликлар бўлган.

Лоқайдлик авж олди. Юқорида Қозоқбой ака айтгандай Навоий тирилиб келиб учрашув бўляпти деса ҳам талабалар кирмайди. Уларни илмий конференцияларга мажбурлаб олиб келамиз. Оммавий маданият, интернет маданияти деган нарсалар авж олиб, жуда оғир бир аҳволга тушиб қолдик.

### Боборашан ФОЗИДДИНОВ:

— Миллий уйғоқлик учун нималар зарур бўлади?

### Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ:

— Миллатнинг уйғонган даври ҳам бўлди. Тил учун кураш кетаётган пайтда Сирдарёда ўқитувчи бўлиб ишлардим. Шунда тил ҳимояси учун Тошкентга келар эдик. Мен-ку филолог ўқитувчиман, алоқам бор. Лекин менга қўшилиб подачи ҳам, колхозчи ҳам — бир автобус одам келардик. Чунки ўша ошкоралик даврида одамга одам деб қураш бўлди. Кишилар ўзининг одам эканини, ўзининг гапи қаердадир эшитилишини, у билан ҳисоблашишларини билиб қолди ва бирдан уйғонди. Лекин ўшанда ҳам фойда изловчилар бор эди. Ўша пайтда одамлар узоқ вилоятлардан сиёсий партиялар, ҳаракатлар мажлисига ҳам келарди. Менам ўз сўзимни айтишим, кимдир менга ҳисоб бериши керак деган тафаккур шаклланганди. Одамга ҳурмат билан қарай бошлиниши билан одам ўзгаради.



Бугун мўлжал  
йўқолмади,  
у ўзгарди.

### Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ:

— Абдулла Ориповнинг мисралари бор:

«Ва буюк ҳикматга охир юз бурдим:  
Сийланган жойида азиздир инсон».

### Боборашибан ФОЗИДДИНОВ:


— Ўқитувчининг обўсини кўтариш мақсадида ҳозир яхши ҳаракатлар бор. Шу ўринда биз учун баҳсли мавзулардан бири ҳақида сўрамоқчиман. Ҳозир мактаб ўқитувчиси ўқувчига қўл кўтаргани учун омма олдига чиқиб узр сўраяпти. Сабабини сўрасангиз, ўқувчининг ҳарактерига умуман чидаб бўлмайди деган жавобни эшитасиз. Бундай вазиятда қандай йўл тутиш керак? Ўқитувчи ўқувчини уриши тўғрими?

### Қозоқбой ЙҮЛДОШЕВ:

— Шахсни синдириласлик керак. Қандай ҳолатда бўлса ҳам болаларни урмаслик керак. Анча йиллар олдин мактабда ўқитувчилик қилганман. Ўйласам, ўқитувчи эмас, «жаллод» бўлган эканман. Ҳамма ўқувчидан адабиётчи тайёрламоқчи бўлганман ўзимча, уриб ўқитардим. Ота-оналар ҳам индамасди. Фақат бир сафар милицияда қанақадир каттакон бўлиб ишлайдиган одамнинг боласини урганим учун мени қамаб қўйишган эди (кулади).

Мактабда етти йил ишлаган бўлсам, намунали дарс ўтадиган ўқитувчи бўлиб танилганман.

Комиссия келса ҳам менинг дарсимга киритиларди. Лекин ўша ўқувчиларим орасидан бирорта филолог шогирд чиқмади.



“

Хозир ҳам кимдир сувга бехурматлик қилса, бирдан отамнинг шапалоги эсимга тушиб, танбех бераман. Яни, ҳар қандай калтак ҳам шахсият синишига олиб келмайди.

Чунки мен бу қаттиқўллигим билан адабиётга нафрат уйғотганман. Бола ўқитувчисини яхши кўрса, фанни ўрганади. Агар ёмон кўрса, ўқимайди ва шу билан ўзича ўқитувчини жазолайди.

#### Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ:

— Ким қандай вазиятда ургани ҳам рол ўйнайди. Бир марта сувга туфлаган пайтимда отам мени бир шапалоқ урган, кейин қайтиб сувга тупурмайдиган бўлдим. Вақт ўтиб билдимки, бу катта гуноҳ экан. Ўшанда отам шунчаки насиҳат қилганда эсимдан чиқиб, яна туфлаб юрган бўлардим балки. Хозир ҳам кимдир сувга бехурматлик қилса, бирдан отамнинг шапалоги эсимга тушиб, танбех бераман. Яни, ҳар қандай калтак ҳам шахсият синишига олиб келмайди. Ураётган одам уришга лойиқ ёки гапи билан амали бир одам бўлиши керак. Uriб ўқитишга лойиқ ўқитувчи борми-йўқми — гап шунда. Ўқитувчи ўзи амал қиласидиган, ишонадиган гапни айтса, бола ишонади. Балки шу нарсани мушоҳада қилиб кўрмас, лекин ўқувчи чин дилдан эшишиб, шу нарсани эслаб қолади. Ҳар қандай воиз ўзи амал қиласидиган, ишонадиган гапни айтсагина гаплари одамларга юқади. Хотиним ҳам ўқитувчи, унга ҳам шуни маслаҳат бераман доим. Айтадики, энг тўполончи синф ўқувчилари ҳам унинг дарсида жим бўлиб, ёмон қилигини тўхтатиб турар экан, бўлмаса аёлим уришмайди, жуда кўнгилчан.

Тошкентдаги мактаблардан бирида дарс берардим. Яхши эслайман, 32 та бола ўқийдиган синфда 28 та бола «Ўткан кун-

лар»ни ёд олиб юборган эди. Бўлмаса, мен уларга ўқи ҳам, ёдла ҳам демаганман. Еттинчи ё саккизинчи синф ўқувчиларим шу даражада қизиққанидан Натан Маллаевнинг «Адабиёт тарихи» китобини, яна беш томлик «Адабиёт тарихи»ни ўқиб чиқишиган. Ўқувчиларим иншоларни ҳам бехато ёзарди. Мен уларга шунчаки самимият билан дарс ўтардим, урмасдим, сўкмасдим, лекин хурмат қилишарди. Бир марта ўқувчилар қайсиdir фандан паст баҳо чиққани учун синф журналини ёқиб юборибди. Журналнинг ичida эса менинг баҳолар қўйилган рўйхатим турарди. Ўша рўйхатни олиб қолиб, менга келтириб беришди, топиб олдик деб. Эҳтимол, хато қилгандирман, аммо ўша вақтда менга ишониб ўша рўйхатни олиб келиб бергани учун бу ҳақида ҳеч кимга айтмаганман. Вазиятдан келиб чиқиб уларнинг айбини бошқаларга айтмасликни ҳам тарбия деб ўйлаганман.

Аввало касб ўз эгасини топсин экан. Ўқитувчи аудиторияга киришдан олдин бу ишларимнинг ҳам савол-жавоби бор деб ўйлаши керак.

#### Боборавшан ФОЗИДДИНОВ:

— Университетлардаги муаммолар, кадрлар масаласи ҳақида гаплашдик. Мактабдаги таълим, муаммоларимиз ҳақида сўрамоқчи эдим...

#### Қозоқбой Йўлдошев:

— Педагогик инновация пастдан юқорига қараб ўсмаса, ҳеч қандай фойда бўлмайди деган қоида бутун дунёда бор. Талабаларга дарс ўтиб турганимда, юқоридан биттаси келиб, менга қандай дарс ўтишни ўргатади. Қандай қилиб у менинг соҳамни мендан яхшироқ билиши мумкин?

Бугун Япония таълим тизимидағи, ё Финландия, ё бошқа давлатнинг таълим тизимидағи илғор жиҳатларни ўзлаштиришга уринишимиз яхши. Лекин нега ўзбекнинг ўз таълим тизими бўлмаслиги керак? Биз шу тизимни яратишимиз зарур.

Бировга бир нарсани ўргатадиган одам эркин бўлиши шарт. Чунки ҳар бир ўқитувчининг ўз йўли бўлади. Мен дарс берган гуруҳга бошқаси келиб худди мендек дарс бериши керак эмас, ўз услубида, имконияти доирасида дарс берсин. Оилада ҳам болаларга нотўғри мўлжал берилади. Ҳар бир ўзбек болам олий маълумотли бўлиши керак деб қарайди. Лекин бунинг учун нимадир қилиш керак деган масалага эътибор бермайди. Болалар ўрта мактабда фақатгина олий мактабга кириш учун ўқийди. Мен бунга қўшилмайман. Мактаб ўқувчини олий мактабга эмас, аввало ҳаётга тайёрласин. Биринчи кундан бошлаб ўқитувчилар ҳам сизлар яхши ўқисангиз, олий маълумотли бўласиз деб уқтиришни бошлайди. Олий мактабда ўқишни истамаган бола эса бу фанлар ҳам, ўқиш ҳам керак эмас деб ташлаб қўяди. Бир тоифа эса мен фалон йўналишда ўқиман деб бошқа фанларни ўқимай қўяди. Мен адабиётни, Навоийни ўқимайман деган болага эса ўқитувчилар гўзал жавоб беролмайди. Навоийни билмасанг, қандай одам бўласан дейиши мумкин.

Майли, олий маълумотли бўлиш ҳам мақсад бўлиб тураверсин. Лекин болага дунёда зарур бўлмаган бирорта касб йўқлигини уқтириш даркор. Фаррошнинг зарурлиги юристнинг зарурлигидан бирламчироқдир. Кўчада пластик идиш териб юрадиганлар ҳам, фермер ҳам керак. Лекин болага сен қассоб бўлсанг, фақат молларнинг ичida бўлмайсан, фаррош бўлсанг, фақат супургини қучоқлаб юрмай-

сан, сен одамсан, кимгадир ота ёки она, эр ёки хотин, кимгадир қўшни бўласан — шуларнинг гапини тушуниш, ўз гапингни етказиб бериш учун математикадан ҳам, физикадан ҳам, она тили, адабиётдан ҳам хабардор бўлишинг керак, биз сени олий мактабга эмас, ҳаётга тайёрлашимиз зарур деган масала қўйилиши лозим.

Қандайдир сертификатлар олиш, чет элдан мутахассислар чақириб тажриба алмашиб ўрганиш керакдир. Бундан ҳам муҳими, ўзимиздаги ўқитувчиларни саралаш, яхшиларини топиш шарт. Текширадиганлар дарсларга кириши, кўриши керак. Ҳужжатини зўр қилиб қўйиб, ўзи ўқувчилар билан икки оғиз гаплашолмайдиган муаллимлар бор. Ўзи иқтидорли ўқитувчилар қофозбозликни унча хушламайди ҳам. Шу сабаб директорнинг тавсиясига қараб ўтирмай, юқоридан борадиганлар дарсларга кириши керак. Ҳозир шу дарсга кириб текшириш деган нарса камайиб, эҳтимол, йўқолиб кетган. Жонли дарсга кирса, директор алдай олмайди, одатда қофозбозликни жойига қўядиганлар директорнинг эркаси бўлади, дарсда эса кимнинг кимлиги маълум бўлади.

Хулоса шуки, ҳамма гап ўқитувчиларнинг савияси ва салоҳиятида. Иқтидорли ўқитувчилар қанча кўп бўлса, таълим соҳаси шунча ривожланади.



Мактаб ўқувчини олий  
мактабга эмас, аввало ҳаётга  
тайёрласин.

# Р ОЧИК,

лекин...

ШИКЛЛАР  
Э

Тилда миллатнинг сийрати, тафкури ва маънавияти акс этади. Аждодларимиздан мерос бўлган она тилимизни асраб-авайлаш, софлигини сақлаш, ривожлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Аммо тараққиёт ўзанида турли технологиялар билан бирга янги атамалар, сўзлар ҳам тилимизга тўхтовсиз кириб келмоқда. Бу табиий жараён. Бироқ ҳар бир янги сўз ёки атамани баъзан шундайлигича қабул қилишдан олдин она тилимиздан муқобилини излаб кўришимиз керак.

Биз ушбу руқнда эътиборни шунга қаратамиз. Четдан кириб келаётган сўзларнинг ўзбек тилидаги муқобилини тавсия қилиб кўрамиз. Бу фалон ажнабий сўз ўрнига албатта тавсия этилаётган сўзни қабул қилиш шарт дегани эмас. Балки мулоҳаза қилиб, ўйлаб, фикр юритиб, сўнг тўғри келса, ўзини оқласа, ўз сўзимизни ишга солиш учун тавсия деганидир.

Бундай таклиф ва тавсияларни журналхонларимиздан ҳам кутиб қоламиз.

*Тахририят*

## Тилимизда кўп ишиламилаётган ажнабий сўзларниң биринчи ўнлиги

1.

**Чат** – инглизча сўз бўлиб, «сұхбатлашмоқ» деган маънога эга. Бугунги интернет майдонида чат деганда икки киши ёки гурӯҳлар ўртасида жонли (онлайн) хабар алмашиш тушунилади.

2.

**СМС** – Short Message Service (Қисқа хабар хизмати) сўзларининг бош ҳарфларидан олинган. Мобил қурилмалар орқали жўнатиладиган матн кўринишидаги кичик хабар.

3.

**Флешка** – инглиз тилидаги flash (лаҳза, чақнаш) сўзидан олинган. Оғзаки нутқда флешка деб нотўри қўлланади. Аслида USB-сақлаш қурилмаси маъносини билдиради.

4.

**Вай-фай** – инглиз тилидаги Wireless Fidelity сўзлари ning қисқартма шакли. Wireless Fidelity ўзбек тилида «симсиз содиқлик» деган маънени билдиради.

Chat  
disk

SMS  
wi-fi

fles

5.

**Пиар** – инглизча public relations сўзларидан олинган бўлиб, «жамоат билан алоқалар» маъносини англатади. Қисқа шаклда PR ёки пиар деб қўлланади.

6.

**Виртуал** – тарихан лотин тилидаги virtualis сўзига бориб тақалади. Инглиз тилида virtual деб қабул қилинган, ўзбек тилида ҳақиқий, номинал эмас, бироқ ҳақиқий деган маъноларни билдиради.

7.

**Диск** – электрон маълумотларни сақловчи восита.

PR

fast-food

8.

**Аккаунт** – маълум бир электрон ресурсларга кириш учун имкон берувчи тизим.

9.

**Юзер** – инглизча user сўзидан олинган бўлиб, фойдаланувчи деган маънени билдиради.

10.

**Фаст-фуд** – инглизча сўз бўлиб, тез тайёрланадиган таом демакдир.



Филология фанлари доктори, профессор Баҳтиёр Абдушукуров тавсия этади:

**Чат** – сўзлашув деб айтиш мумкин. Бу сўз туркман тилида *söhbetdeşlik*, турк тилида *sohbet* деб қабул қилинган.

**СМС** – хабар дейилса маъқул. Қозоқ тилида қысқаша хабар қызметі, қолган туркий тилларда СМС тарзида қўлланади.

**Флешка** – сақлаш қурилмаси десак тўғри бўлади. Ёки сақловчи қурилма. Қозоқ тилида флэш-диск, турк тилида *flaş sürücü*, озарбайжон тилида *flez kart* деб қабул қилинган.

**Вай-фай** – симсиз алоқа деб тавсия қилиш мумкин. Қозоқ тилида *сымсыз дәлдик*, қолган туркий тилларда вай-фай деб қабул қилинган.

**Пиар** – тарғибот (ёки ташвиқот) сўзи пиар ўрнини босиши мумкин.

**Виртуал** – масофавий алоқа деган маъқул.

**Диск** – диск. Барча туркий тилларда шундай.

**Юзер** – фойдаланувчи (уланувчи) десак тўғридир.

**Фаст-фуд** – тамаддиҳона сўзини ишлатиб кўриш керак.

**Аккаунт** – ижтимоий саҳифа деса ҳам бўлади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зуҳриддин Исомиддинов тавсия этади:

**Чат** – менимча, уни бирон ўзбекча сўз билан алмаштириш шарт бўлса, чақчак десак бўлар.

**СМС** – СМС деб қолдираверишга тўғри келади. Барча тушунчаларга ўзбекча муқобил топиш мушкул.

**Флешка** – шакли ва ҳажми зажигалка каби бўлгани учун унга ўхшатиб шундай аталган. Бироқ бугун уни чақмоқтош десак бошқа нарса тушунилади, шу боис флеш-канинг ўзи тузук.

**Вай-фай** – аслидагидай қолдирилиши керак.

**Пиар** – эронликлар уни «робитаи умумий» деб ўгиришган. Ўзбекчада янги қисқартма сўз ясад, ижтам (ижтимоий алоқа) дейишни ўйлаб кўрса бўлади.

**Виртуал** – сўзлашув нутқида «мажозий» деган маънода ишлатилади. Шунга кўра «виртуалный мир»ни мажозий дунё деб таржима қилиш мумкин.

**Диск** – дискдир.

**Юзер** – бу сўзни тожиклар корбар деб беришган. Бизда унинг муқобили топилмаган. Башарти мижоз деб берсак, мижознинг «клиент» қабилидаги бошқа маъноси ҳам бор.

**Фаст-фуд** – эҳтимол, буни тамадди қалимаси билан алмаштириш мумкинлар. Чунки тамадди ҳам қисқа муддатда (бемалол эмас) овқатланишни англатади.

**Аккаунт** – гарчи озарбайжон тилида «ҳисоб» деб берилган бўлса-да, бу сўзнинг техникавий атамага айланиши даргумон, бизнингча. Қолавергани тузук.

Бахтиёр Абдушукуровнинг мавзу бўйича мулоҳазалари:

**Т**илнинг луғат таркиби ривожи маълум қонуниятларга асосланади. Сўз бойлигидаги даврлар ўтиши билан ички ва ташқи омиллар таъсирида ўзига хос ўзгаришлар юз беради. Ўзлашма лексема бирор янги тушунча ва хабарни англатса, у ёки бу маънони ташиш хусусиятига эга бўлсагина тилга қабул қилиниши мумкин.

Абдурауф Фитрат айтмоқчи, ҳар бир тилнинг бойлиги у тилдаги сўзларнинг кўплиги, ясалиш кенглиги (ундириш кенглиги), боғланиш имконияти, қоидаларининг мукаммаллиги билан ўлчанади. Ўзбек тили буларнинг ҳар учаласи бўйича ҳам араб ва форс тилларидан қолишимаслиги, айрим ўринларда улардан устун келишини таъкидлайди. Ўзбекча муқобили бўлмаган араб ва форс сўзларини ўзбекчалаштириш асосида, яъни ўзбек тили фонетик ва грамматик хусусиятига мослаштириш асосида қабул қилишни тавсия этади: «Хозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайдир десангиз тўғридир. Биз ҳам уларни чиқармоқчи эмасмиз. Уларни олурмиз, лекин ўзимизники қилурмиз. Туркийлаштирамиз. «Қоида»нинг туркчаси йўқдир. «Сарф»нинг-да туркчасини тополмадик. Иккисин даги олурмиз. Лекин сиз каби «қовоиди сарфия» демасдан, «сарф қоидалари» дермиз». Натижада ўша даврдаги айрим ўзлашмалар ўрнида ўзбекча муқобиллари қўлланана бошлади: сезонник – кўчманчи, листовка – қофоз, крепост – қўрғон. Шунингдек, атамалар калка усули билан сўзма-сўз таржима қилинди: чернорабочий – қора ишчи, самосуд – ўзбо-

шимча, лошадиная сила – от кучи, фалшивая монета – ёлғон оқча.

Кўринадики, бизда бошқа тиллардан сўзларни қай тартибда қабул қилиш анъанаси мавжуд. Қолаверса, ўзлашмаларнинг тил тизимиға сингиб кетиши маълум шароит ва омилларга боғлиқ. Шу маънода, янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилларини яратиш ҳамда бир хил қўлланишини таъминлашда ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим саналади. Бунда, биринчи навбатда, қадимий битиклар, манбалар, шевалардаги атамалар, эл адабиёти бўлган достонлар, эртаклар, мақоллар, қўшиқ ва лапарларда акс этган сўзларимизга мурожаат қилишимиз зарур.

Айни пайтда, бу борадаги хориж тажрибасини ҳам эсда тутишимиз керак. Энг асосийси, тавсия этилаётган ёки муомалага киритилаётган сўзлар нафақат мутахассислар, зиёлилар, шу билан бирга, кенг жамоатчилик томонидан эътироф қилиниши даркор. Шундагина қўзланган мақсадга эришилади.

Узун сўзнинг қисқаси, миллий маънавиятимизнинг ўзаги, халқимиз мавжудлиги ва тириклигининг белгиси ҳисобланган, шунингдек, бугун бизнинг кимлигимизни бутун жаҳонга намойиш қилаётган бой тилимизни кўз қорачиғидек асрлаб-авайлашимиз, унинг соғлиги, келгусидаги тақдиди учун қайфуришимиз лозим. Зоро, давлат тилига эҳтиром она ватанга эҳтиромдир.

“  
Ҳар бир тилнинг бойлиги  
у тилдаги сўзларнинг  
кўплиги, ясалиш кенглиги  
(ундириш кенглиги),  
боғланиш имконияти,  
қоидаларининг  
мукаммаллиги билан  
ўлчанади.

Зуҳриддин Исомиддиновнинг мавзу бўйича мулоҳазалари:



**А**бдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» ароманида Муродхўжа домла деган персонаж бор. Бой, тадбиркор одам. Бунинг устига, тил фидойиси. Ўзбек тилининг равнақи учун жонини беришга тайёр. Гарчи Муродхўжа домла асарда салбий тип қилиб тасвирланган бўлса-да, тил борасидаги жонкуярлиги ибраторумуз: «... ўзбек тилида софликни сақлашни севарди, ҳатто самовар ўрнига ўзиқайнар, электр ўрнига симчироқ деб сўз тўқиб юарди. Соф тил ўргангани ҳар замон қишлоққа чиқарди».

Дикқат қилсангиз, ана шу одам ўтган асрда миллатчи деб қораланган маърифатпарварлардан бири эканига амин бўласиз. Гарчи ўзиқайнар, симчироқ каби топилмалари кейинчалик қабул этилмаган бўлса ҳам, элдан сўз ўрганиши, сўз олиши шунчаки бир ҳавас эмас, тўғри илмий тадқиқот эди.

Юз йилдан ошди, тилимизга русчаче европача сўзлар жадал кириб келаяпти. Агар ўша Муродхўжа домла каби кишилар бўлмаса, ўзбек тили аввалги жозибасини йўқотиб, луғавий бир бўтқага айланиб

қолган бўлар эди. Бугунги кундаги кучланиш, қаршилик, чўғланма лампа, ёруғлик тезлиги, ички ёнув двигатели каби юзлаб сўзлар ўрнида напряжение, сопротивление, лампа накаливания, скорость света, двигатель внутреннего сгорания каби ифодалар тўлиб-тошиб кетарди. Бошқирд адиби Мустай Карим «Советлар Россиясында крестьянлар положениеси» деб номланган бир мақолани кўрганини афсус билан қайд этган эди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасида ишлаётган пайтида ёзувчи Сайд Аҳмад «топливо»ни «ёқилғи», «горючее»ни «ёнилғи» деб ўғирганди. Бу калималар бугун луғатимизда муқим ўрнашган. Шоир Муҳиддин Омон «приоритет»ни «устувор» (приоритетные задачи – устувор вазифалар), «ценность»ни «қадрият», «конкурентоспособность»ни «рақобатбардош» (сейсмостойкость – зилзилабардош)

дея чиройли таржима қилиб, тилимизга олиб кирди.

Кейинги ўттиз йилдан бери компьютер, интернет ва ижтимоий тармоқлар дунёни забт этди. Шу тармоқнинг ўзи сингари мураккаб янги сўзлар жаҳоннинг юзлаб тилларига кириб бордики, буни кўрмаслик учун кўзни юмиб олишнинг фойдаси йўқ. Журнал таҳририяти турмушда кенг қўлланаётган бу соҳанинг ўнта атамаси юзасидан фикр сўраб, рўйхат юборибди. Аммо шуни таъкидлаш керакки, бу рўйхатни кўздан кечираётиб, бир маҳаллар таржимон дўстларимиз билан компьютер техникаси ва иш принципини

“

Дикқат қилсангиз,  
ана шу одам ўтган  
асрда миллатчи  
деб қораланган  
маърифатпарварлардан  
бири эканига  
амин бўласиз.

ўзбекчага ўгиришга уринганимиз ёдимга тушди. Ўшандада иш охирига етмай қолганди. Етиши даргумон ҳам эди, чунки озчилик эдик, бунинг устига, тил билгичларимиз бу янги техника дунёсини тузук-қуруқ англамас, «физик»лар эса тил табиатини ҳис этмай, бузиб ўгиришга мойил эди.

Бугунга келиб, компьютер ва интернет атамалари ўзи бутун бир лисоний дунё бўлиб қолди. Уни ўзбекчалаштиришдан кўра дунёнинг нариги четидаги бирон қабиланинг тилини ўрганиб, гапини таржима қилиш осон назаримда. Нимани таржима қилса бўлади, нимани эса аслидагидай қолдириш маъқул, бу жуда нозик, олий математикадан ҳам мураккаб, нафақат ақл, балки кўп ҳолларда шуур билан белгиланадиган нарса. Шунинг учун бу гапларни шахсий муроҳазалар деб қабул қиласангиз.


Албатта, тил – бепоён бир воқелик. Эҳтимол, вақти келиб бу атамаларнинг ўзбекча муқобиллари ҳам чиқар. Ахир ҳалитданоқ шу соҳага тааллуқли «канал»ни «ўзан», «фейсбуқ»ни эса гўзал бир шаклда «файзбоғ» деб аташаётир-ку?

Энди шу атамалар ва уларнинг таржимаси баҳонасида яна бир гапни айтиб ўтайлик. Компьютер, ноутбук ва телефонимиз экрани панелида асосан рус тилидаги кўрсаткичлар бор: файл, правка, вид, формат, сервис, таблица, окно, справка... Улардан ҳар бирини очсангиз, ичидан яна юзлаб ички дарчалар очилиб, яна русча кўрсаткичлар бодраб чиқа беради. Масалан, «файл»ни очиб боқайлик: создать, добавить таблицу, создать, открыть, закрыть, сохранить, сохранить как..., сохранить веб-страницу, поиск файлов, разрешения, версии, предварительный просмотр веб-страницы, параметры страницы, печать, отправить, свойства, выход... Ва буларнинг ҳар бири ичидан яна болачалари, невара-ю эвара, панневаралари чиқиб

келаверади. Бизда ахборот майдонини ҳам, ахборот техникиасини ҳам имкон қадар ўзбек сўзлари билан бойитиш она тилимизнинг нуфузига, мустақиллигига наф келтиради. Ахир ҳозир ахборот замонида яшаётибмиз-ку!

Япония ё Италияда бу нарсалар русча бўлмаса керак-ку деб савол берсан, компьютер билгичлари ҳар бир юртда ўз тилида бўлади, аммо ўзбекчага ўтказиш учун «Майкрософт» компаниясига қанчадир пул тўлаш лозим деган гапни айтишувди. Албатта, тежамкорлик яхши. Бироқ бугун Ўзбекистонда камида бир миллион одам компьютерда ва камида ўн миллион одам телефонида хорижий тилдаги сўзлар ва ёзувлар орқали иш олиб бораётган экан, бир сўмни тежайман деб ўн сўмни бой берган киши ҳолига тушмаслигимиз керак.

Мен бир маҳаллар «Ҳар бир тил битта давлат тузиш салоҳиятига эга, бироқ дунёнинг энг қудратли давлатлари ҳам биронта тил барпо эта олмайди» деган гапни ўқиган эдим. Тилнинг қудрати шунда. Агар буни ҳар биримиз теран ҳис этсак, шунда бирорларнинг фикри билан яратилган неъматлардан фойдаланувчи миллат бўлишни тарк этиб, фикрлайдиган, яратадиган миллатга айланамиз.



# МАНГУТОВНИНГ мангулиги

Анвар БҮРОНОВ,  
филология фанлари  
бүйича фалсафа доктори

Қарачай-Черкас ва  
Қабардин-Балқар респуб-  
ликаларида истиқомат  
қиласынан қарачайлылар  
Элбурс тоғини Мангутов  
деб атайди. Унинг жануби-  
тарбий этакларидан Құбан  
дарёси бошланади. Дарёning  
икки қирғоғи бўйлаб Құбан  
тарихий вилояти жойлашган.  
Уни руслар Кубан шаклида  
ишлатгани учун ҳозир кўп-  
чилик шундай атайди. Ас-  
лида дарёга қарачайлылар  
ном берган. Құбан қипчоқча  
«қўпқан» (қарачайча: қўпхан)  
– қўпадиган, тошадиган дарё  
маъносини беради, яъни  
бу ном дарёning феълинин  
англатадиган тошмоқ феъли-  
дан ясалган. Құбан дарёсига  
қуйиладиган барча ўзанлар  
туркийча номланган.



**Қ**арачай тоғли ўлкаси Қўбанинг юқори қисмидаги Теберда<sup>1</sup>, Ақсавут<sup>2</sup>, Кум каби ўзанлар атрофида жойлашган бўлиб, ҳозирги кунда Карабаевск шаҳар округи шу ерда барпо этилган.

Қарачайлиларни худди балқарлар каби тавли(қ)лар деб ҳам аташади. Бунда уларнинг миллатига эмас, балки тоғда яшашига нисбат берилган бўлиб, аслида келиб чиқиши ва ментал хусусиятларига қўра қарачайлилар балқарлардан фарқ қиласди. Балқарлар тўлиқ ислом динида, аммо қарачайлиларнинг бир қисми насронийликда қолган. Бунинг асосий сабаби – қарачайлилар жуда кеч, аниқроғи, XVIII асрга келиб исломни қабул қила бошлиган<sup>3</sup>. Қарачайлиларнинг энг таникли исломшунос олими Айсандир Дудов (1612-1722) XVIII асрнинг ўрталарида Бухоро ва Самарқандда таҳсил олиб, кейин ўз элига асл динни ўргатган<sup>4</sup>.

Қарачайлилар эътиқодида тангричилик дини унсурлари сақланиб қолган. Ис чиқариш, етти, қирқ, ыйл каби мотам маросимлари ўтказиш кенг тарқалган. Чунки улар исломгacha Тангри<sup>5</sup> билан бир қаторда Улкан, Жер анаси, Су анаси, Қая қизи (Тоғқизи) каби илоҳларга ҳам сифинишган. Қурбонликлар қилишган<sup>6</sup>.

Хазар хоқонлиги даврида барча Кавказ халқлари қатори қарачайлилар ҳам яхудийликни қабул қилган бўлиши мумкин. Балки бир қисми қабул қилгандир, аммо кейинчалик яна насронийликка қайтишган. Насронийлик элементлари

<sup>1</sup> Қарачайча: Теберди - туб ер, туб юр.

<sup>2</sup> Оқсовут.

<sup>3</sup> Семенов П. Қарачай // Географическо-статистический словарь Российской империи. – Санкт-Петербург, 1865. – Т. II. – С. 505.

<sup>4</sup> Игнатенко А.А. Ислам в современном мире. Ислам в Карачае: гомогенные и гетерогенные факторы. Дисс. раб. на соиск. доктора философии; Койчуев А.Д. Қарачай: вопросы истории, культуры и религии. – Ставрополь: Изд-во КЧГУ, 2006.

<sup>5</sup> Қарачайча: Тейри.

<sup>6</sup> Bittirova T.Sh. Karachaevo-balkarskaya duchovnaya literatura: rukopisnoe nasledie. [Karachay-Balkar Spiritual Literature: Manuscript Heritage] / Nalchik, 2016 [in Russian]

Қарачай ўлкасидаги археологик ёдгорликтарда, шунингдек, лексикада ҳам сақланиб қолган.

Қарачайлиларнинг этник шаклланиши XIII-XIV асрларга түфри келади. Бу даврда улар яшаган жойлар Алания деб аталган. Ерли халқ IV асрда насронийликни қабул қилган. Қарачайли миллатининг тўлиқ шаклланиши XIV асрда якунланган ва унда алланлар, хазарлар ва қипчоқ турклари иштирок этган. Шунинг учун бўлса керак, қарачайлилар орасида бўйлари ва қўллари узун европоид кишиларни ҳам, қўзлари қисиқ қипчоқларни ҳам учратиш мумкин.

## ТУРМУШ ТАРЗИ

Туркий англашимда «ирискү» деган тушунча бор. Буни қўпчилик арабчадан ўзлашган «ризқ» сўзи билан адаштиради. Бироқ бундай эмас. «Ризқ» арабча сўз бўлиб, ундан Риззоқ, яъни ризқ берувчи Аллоҳ томонидан ҳар бир маҳлуққа бериладиган ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлар тушунилади. «Ирискү» туркий сўз бўлиб, Тангри томонидан



**Қарачайлилар орасида бўйлари ва қўллари узун европоид кишиларни ҳам, қўзлари қисиқ қипчоқларни ҳам учратиш мумкин.**

инсонлар ва ҳайвонларга бериладиган неъматлардир<sup>7</sup>. Уни инсон ўзи топиши керак ва шунинг учун «эскича фикрлайдиганлар» ҳозиргача ирисқисини қандайдир ҳайвонда ёки ўсимликда деган эътиқодда юради. Шу тушунча қарачайлиларнинг мақолларида ҳам сақланган экан:

Қарачайны ырысҳысы – малда.

Дарҳақиқат, қарачайлилар қадимдан асосан чорвачилик билан шуғулланиб келган ва ирисқини чорвадан топган. Мангутовнинг этакларидағи адир-қирлар, Қўбан дарёсининг бўйлари қўй боқиши учун жуда қулай бўлган. Бу ерларда асосан қўй, буйвол ва от етиштирилган. Қарачайли қўйлари сермаҳсуллиги бўйича дунёнинг энг яхши ўнталигига киритилган<sup>8</sup>.

Қарачайлилар турмуш тарзи асосан чорвачилик билан боғлиқлиги диний эътиқоди, жумладан, дуоларида ҳам акс этган:

Улу Тейри, хан Тейри,  
булутларни ий, Тейри!  
Жавунларни жавдур, Тейри,  
жилқиларни тўйдур, Тейри!

<sup>7</sup> Бўронов А. Тангричилик маънавиятга таҳдид сифатида. – Тошкент: «Маънавият», 2019. – 34-6.

<sup>8</sup> Государственный реестр селекционных достижений, допущенных к использованию (Породы животных) (по состоянию на 08.04.2015 г.)

Тейри, Тейри, билебиз  
кучунгни, қарувунгни, Тейри<sup>9</sup>.

Қарабайлилар Тангрини Тейри шаклида талаффуз қилишади ва бундай дуоларни «Тейри алғиши» деб аташади. Айни дуолар насронийликни ёки исломни қабул қылган даврларда ҳам үзгармаган.

Қарабайлилар жун ишлатишга мохир бўлишган. Бунда уларнинг зотдор қўйлари муҳим ўрин тутган. Қарабай ерларида уч хил зотли қўйлар етиштирилади: қора мюйюз, яъни қорашохли қўйлар. Уларнинг туси қора, танаси бақувват ва катта бўлади. Тумақ зотли қўйлар ҳам жундор, аммо танаси кичикроқ, эти ши-

<sup>9</sup> Карабаево-балкарский фольклор. Хрестоматия / сост., вступ. ст., коммент. Т.М.Хаджиевой. Нальчик: Изд. центр «Эль-Фа», 1996. 592 с.

рин бўлади. Кўкбош қўйларининг туси қўк, гўштдор ва жуда гавдали бўлади<sup>10</sup>.

Кийиз (кигиз) азалдан қарабайлиларнинг миллий бренди саналган. Кийизларнинг туурлук, алача, ойувлу (нақшли) ва жийма (ийғиб қўйиладиган безакли) турлари оммалашган. Қора мюйюз қўйларнинг дағал жунидан тўшама туурлук кийизлар тайёрланади. Алача кийизлар учун эса тумақ ва кўкбош қўйларнинг жуни ишлатилади. Кўкбошнинг жунидан жийма ва алачаларни таёrlашда безак учун фойдаланилади.

Қарабайли оиласида ўрмак, урчук, ийна, бийиз (бигиз), чындаи ийне, ырчық ийне бўлиши шарт бўлган. Уларда аёллар жунрўмол ва турли кийимлар тўқишида уста бўлишади. Қарабайли аёлларининг тўқиган жунрўмоллари бутун дунёга машҳур бўлиб келган. 1990-йилларда Тошкентнинг Эскижўва бозорида ҳам қарабай рўмоллари сотилар эди.

<sup>10</sup> <https://www.agroxxi.ru/wiki-animal/ovcy/grubosherstnye-porody-ovec/mjaso-sherstno-molochnye-grubosherstnye-ovcy/karachaevskaja-poroda-ovec.html>



Мангутовнинг этакларидағи адир-қирлар, Қўбан дарёсининг бўйлари қўй боқиши учун жуда қулай бўлган. Бу ерларда асосан қўй, буйвол ва от етиштирилган.



**Қарабайли тили  
туркий тилларнинг  
қипчоқ тиллари  
гуруҳига мансуб.**

Қарабайлиларнинг жаулиқ – енгил рӯмолчаси жуда машхур. Мен даставвал жаулиқ қўлни артадиган мойсочик бўлса керак деб ўйлагандим. Кейин ўрганиб кўрсам, ажойиб тарихи бор экан. Бу рӯмолни фақат балофатга етган қизлар тўкир ва қайси йигитни севса, ўшанга атар экан. Кейин унга ошиқ йигитлар ўзаро ёвлашиб қолса, рӯмолчани олган йигит куёв бўлар ва шу билан номзодлар орасидан ёвлик кўтарилар экан. Жаулиқнинг каттароқ ўлчамдагиси ҳам бўлади ва уни кўпинча ёши катта аёллар ёпиниб юради.

Қарабайлилар ҳамма туркийлар қатори нақшни ойма (ўйма) дейди. Уларнинг безаклари орасида муйиз нусха, балиқ дум ва ўсимлик гулли нақшлар кўп учрайди. Кўплаб безакларнинг марказида туркийлик рамзи – Ўғузхон юлдузи – саккиз бурчак ўрин олган. Аммо айрим орнаментларда олтибурчак – Довуд юлдузи ва хоч ҳам кўзга ташланади.

## ҚАРАЧАЙ ТАОМЛАРИ

Қарабайлилар гўштили ва сутли маҳсулотларни хуш кўради. Улар гўштили овқатларни «қиши таоми», сутли овқат-

ларни эса «ёз таоми» деб аташади. Қўпинча ёзда сўйилган қўй, мол, от гўшти тузланиб, қуритилиб қишига сақланади. Қарабайлиларнинг ҳамма гўштили таомлари ажойиб, аммо улар орасида қуритилган гўштдан тайёрланган шулум шорпа (шўрва) алоҳида ажралиб туради.

Қарабай бовурсоқлари ҳам жуда ширин. Айниқса қувват манбаи сифатида қараладиган буламиқ (атала) қарабайлиларнинг энг севимли таоми. Қарабайлар айрон, пишлок, бўза, қимиз тайёрлашда ҳам уста. Улар винони чагир деб аташади.


## ҚАРАЧАЙЛИ ТИЛИ

Қарабайли тили туркий тилларнинг қипчоқ тиллари гуруҳига мансуб. Дастлаб уни рус тилшунослари «тавли татар тили» (тоғ татарлари тили) деб хато номлаб келишган. Аммо XX асрнинг бошларида алоҳида тил сифатида тан олинган. Совет даврида кам сонли миллатларга нисбатан қўлланган тил сиёсати сабаб бугунги кунда қарабайли ва балқар тили битта тил сифатида ўрганилади. XX асрнинг бошларида ва унга қадар ҳам иккала тил алоҳида ўрганилган. Бунга мисол тариқасида И.Ақбаев, Б.Шаумян ва У.Алиевларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин. Шунингдек, икки тил ўртасидаги фарқлар Зухра



Құрқмазованинг «Лексико-семантические различия между карачаевским и балкарским вариантами литературного карачаево-балкарского языка» мавзусидаги докторлик диссертациясида ҳам үз тасдиғини топған.

Қарачайли тили грамматик хусусиятларыга күра бошқа қипчоқ тилларидан фарқ қилмаса-да, айрим морфологик фарқлар күзгә ташланади. Лексикасида олтой пластидаги сўзлар ҳам талайгина. Мисол учун аслан, алтын, ат, баба, бабай, сақал, талқи, ағач, бавур каби сўзлар умумолтой сўзларидир. Аммо шундай бўлса-да луғат фондининг асосий қисми туркий қипчоқ сўзларидан таркиб топған. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда ўғузча талаффуздаги сўзлар ҳам учрайди. Энг қизифи, тилнинг шакланишига чигатой тилининг ҳам таъсири бўлган ва бу албатта XVIII асрнинг ўрталарида Бухоро ва Самарқандда таҳсил олган муллалар ва сўфийларнинг таъсирида шаклланган. Исломни қабул қилгандан кейин араб, форс тилларидан сўзлар ўзлашган. Шунинг учун бўлса керак, қарачайли тилига «татар чағатайчча»си деган ном ҳам берилган. XIX асрдан бошлаб рус тилидан сўзлар кириб кела бошлаган ва ҳозирги




**Қарачайли тили грамматик  
хусусиятларига кўра бошқа қипчоқ  
тилларидан фарқ қилмаса-да, айрим  
морфологик фарқлар күзгә ташланади.**

кунда луғат бойлигининг 20 фоизи русча сўзлардир.

Қарачайли тилида шевалар асосан ж товушининг талаффузига кўра фарқланаади. Мангутовнинг шимоли-гарбий этагида қарачай-басхан-чегем шеваси, жануби-гарбий томонида балқар шеваси кенг тарқалган. Шимолликлар «ж»ни қаттиқ, жанубда яшовчилар юмшоқ талаффуз қиласи. Шу билан бирга, балқар шевасида ч ўрнига ц қўлланади: чач – цац, чачқи – цацқи ва ҳ.

Қарачайли ва балқарлар учун битта қилиб яратилган адабий тилни тушуниш бироз қийин. Чунки унда халқона сўзлардан кам фойдаланилган ва нати-



жада қипчоқ тилига хос хусусиятлари йўқолган. Масалан, муомалада ишлати-ладиган жўқ (йўқ) сўзи адабий тилда йўқ. Адабий тилдаги жўқ (йўқ) «мавжуд эмас» маъносида қабул қилинганд. Аммо қишлоқ шеваларида сақланган<sup>11</sup>.

Қарачайли тилини ўрганиш қийин эмас. Бунинг учун қипчоқ тилларидан бирини ёки унинг ўзига хос хусусиятларини билиш кифоя қилади. Шунда ҳатто сўзлашгич ҳам керак бўлмайди. Келинг, қарачайча сўзлашувга эътибор қаратамиз:

Салом	<i>Сау кел (сөг кел)</i>
Хайр	<i>Сау бар (сөг бор)</i>
Раҳмат	<i>Сау қал (сөг бўл)</i>
Оқ ўўл	<i>Жўлингиз бўсин</i>
Яшашингиз қалай?	<i>Жашаунг қалайды?</i>
Нима янгиликлар бор?	<i>Не жангылық барды?</i>

Бу нимани кўрсатади? Бундан кўри-надики, қарачайлилар саломлашувда соф туркий сўзларни сақлаб қолган ва бу ўзаро мулоқотни осонлаштиради. Ҳозирги кунда исломий ақоидга кўра қабул қилинганд «ассаламу алайкум», «ва алайкум ассалам» шаклида саломлашиш урфга айланганд. Аммо қишлоқларда «сау кел» кўпроқ ишлатилади.

Бу тилда феъл орқали гап ясалиши ҳам умумтуркий қолипда:

Овқат е – аши аша, сувни ич – сууни ич, отни қўйвор – атни ий, отни эгарла – атни жиерле, отга мин – атха мин, отдан туш – атдан тюш, эгарни еч – жиерни теш.

Охирги жиерни теш (эгарни еч) сўзига эътибор қаратилса, қипчоқча чеч (еч) сўзида т ва ш товушларининг ўзгарганини кўриш мумкин.

Қарачайли тилида равишнинг қўлланиши ҳам туркий қолипда ва бу ўрин-пайт равишларида яхшироқ қўзга ташланади:

<sup>11</sup> Русско-карачаево-балкарский словарь. Под редакцией Х. И. Суюнчева и И. Х. Урусланова. М: «Сов. энциклопедия», 1965. 744 стр.

ўтган иил – былтыр;  
бу иил – быжил;  
келаси иил – кели жыл;  
кеча – тюнене (туновун);  
бугун – бюгюн;  
эртанги кун – тамбла.


Охирги тамбла сўзи туркий сўз бўл-маслиги мумкин, чунки бу сўз ҳеч бир туркий тилнинг луғатида йўқ.

Қарачай тилида олмош, сон ва сифат бошқа туркий тилларники билан айнан бир хил. Фақат фонетик фарқлар бор холос:

Бу юч сары алма (бу учта сариқ олма).

Мен торт сай табак биш-ген бламук салиб, адамлага юлешдим (Мен тўрт тарелка бламук (атала) солиб одамларга улашдим).

Арабча ва форсча сўзлар исломдинини ўрганиш жараёнида ўзлаша бошлаган ва ҳозирги кунда заман, тарих, ساعه, дақыйка دقیقة, устаз استاذ, китаб, дафтар, қалам قلم, дерс درس, ахыр آخر, рамадан (ай) رمضان, жаннет جنة, үммет امة, дин دین, намаз نماز каби сўзлар лексикада фаол қўлланади. Айниқса, араб тилидан Мухаммад, Фати-



ма, Зұхра, Ойиша, Умар, Усмон каби юзлаб исмлар үзлаштирилган.

Қарачайли тилининг луғат бойлигіда насронийликка хос исмлар ҳам сақланған. Филология фанлари доктори Тамара Биттированинг ёзисчы, қарачайлиларда ой ва ҳафта кунларининг номларида насронийликка оид сүз ва исмлар күп учрайди. Аммо бу исмлар бузиб талаффуз қилингани учун уларни бир әшитганда англаб олиш қийин кечади. Мисол учун, ҳозирги кунда григорий календари амалда бўлса-да, ҳамон қарачайлилар эски ой номлари сифатида насронийча номларни ҳам сақлаб келишади.

Аммо шу билан бирга қадимдан қўлланган туркий ой номлари ҳам сақланган:

Ақтон ай (оқ тўн ойи) – январ.

Бурул ай (буруладиган ой) – феврал.

Балдыр ай (болдир ойи) – май.

Луккул ай (ёғоч омоч ойи) – июн.

Бузчачар ай (музсочар) – июл.

Қырқар ай (қўй қирқим ойи) – август.

Қырқавуз ай – сентябр.

Согум ай (мол сўйиладиган ой), яна бир номи Этыйық ай (эт ейиладиган ой) – октябрь.

Арғыш ай (қишига захира ғамлаш) – ноябрь.

Алтайғыр ай – декабр.

Ҳафта кунларида ҳам худди шундай ҳолат кўзга ташланади:

Баш кюн – душанба.

Гюрге кюн (авлиё Георгий куни) – сешанба.

Бараз кюн (авлиё Параскева куни) – чоршанба.

Орта кюн – пайшанба.

Байрым кюн (муқаддас Мария куни) – жума.

Шабат кюн – шанба.

Ӯйых кюн (дам олиш куни) – якшанба.

Эътибор берилса, бу ерда фақат уч кун туркийда номланган. Қолганлари



насронийлик билан боғлиқ. Қарачайлилар насроний авлийларни шыйых – шайх (шыйых Гюрге, шыйых Тотур) деб аташган. Черков попини эса – «калиса қуллуқчиси» деган. Троицани (христиан динида: ота худо, ўғил худо ва муқаддас руҳдан иборат ягона илоҳ) ючеулен, ючеу, яъни учловлон деб аташган. «Крещение» сўзини ҳач салырга, динга буру, ийман салу дейишган. «Миссия»ни борч (бурч), иш, жумуш деб таржима қилишган. Умуман олганда, қарачайлилар узоқ муддат насронийлик динида бўлгани учун луғатида шу динга оид лексемаларнинг туркий вариантлари ҳам кўп сақланган.

Қарачайли тилига рус тилидан ҳам сўзлар кўп үзлашган. Масалан, қарачайлилар дунё томонларининг иккитасини туркийда айтиб келишган: кюн чықсан жаны ва кюн батхан жаны. Аммо шимолни север, жанубни юг деб аташган. Мисол учун: севердаги тейри жарық (шимол ёғдуси) ёки Юг Америка (Жанубий Америка). Фақат исломни қабул қилгандан кейин жануб маъносида қиблა<sup>12</sup> қўллана бошлаган. XIX асрдан диний уламолар орқали жануб ва шимол сўзлари үзлашган. Бу сўзларнинг туркий вариантлари эса фақат айрим луғатларда сақланган холос. Ҳозирги кунда бу сўзларнинг туркий ёки исломий

<sup>12</sup> Каъба Кавказнинг жанубида жойлашган.



**Қарачайли мақолларида туркона рух, қалбга яқин бир шукуҳ ҳукмронлиги сезилади ва бу уларнинг бизнинг яқин қардошларимиздан бири эканини ҳис қилиш имконини беради.**

вариантларини луғатга киритиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Қарачайли тилига бегона сўзлар қанчалик ўзлашмасин, ўз қатлам сўзлар тилнинг аслиятини сақлаб қолган. Айниқса, қипчоқ тилига хос бўлган элементлар уни янада гўзал ва улуғвор қилиб қўрсата олади: *тав*, *сав* (соғ), *жав* (душман), *жузук* (узук), *аюв* (айик), *жарик* (ёруғ), *сыйлик* (совға), *тийирманчи* (тегирмончи), *торба* (тўрва), *жамғир* (ёмғир), *жавун* (ёғин), *жийин* (йигин) ва ҳ.

Қарачайлиларда бошқа туркийларда учрамайдиган лексик бирликлар ҳам учрайди:

Аюу улучак (Айик боласи), қозлаган қатын (қўзилаган, болали хотин), туқум/тухум (фамилия), мюйюзчюк (мугуз, кичик шоҳ), чарықчи (этиқдўз), ташгроб (тоштобут), жюлгуч (устара), сақал жюлютер (сартарош), ачылмаган чичек (ғунча), женгил журу (тез юриш), женгил аяқ (чақон) ва ҳ.

## **ҚАРАЧАЙ МАҚОЛ ВА ТОПИШМОҚЛАРИ**

Қарачайлилар тоғнинг баланд жойларида яшагани учун жамият бўлиб бирлашиб яшаш ҳаёт-мамот масаласи саналган. Шунинг учун бўлса керак, бирлик ва элдан айрилмаслик, ўзаро аҳиллик фоялари мақолларга сингиб кетган:

Бирликде – тирилик.

Бирикген иш артха (ортга) қалмаз.

Бирлик болмаган жерде насыб болмаз.

Бирикмеген иш бишмез (пишмас).

Элинден айрылган – қанаты сыннган (Элдан айрилганинг қаноти синган).

Эки қарга жагалашса бир қузгunga аш тюшер (Икки қарға ёқалашса, бир қузған уларнинг ошини олади).

Умуман олганда қарачайли мақолларида туркона рух, қалбга яқин бир шукуҳ ҳукмронлиги сезилади ва бу



уларнинг бизнинг яқин қардошларимиздан бири эканини ҳис қилиш имконини беради. Шунинг учун қарабайли мақоллари орасидан сараланган қуидаги мақолларга эътибор қаратамиз:

*Ач аш айырмайды (оч киши овқат танламайды).*

*Ач қарным, тынч қулагым.*

*Адам – тувған жеринде, ит – тойған жеринде (одам туғилған ерини, ит түйгөн ерини ватан тутади).*

*Ақыллы әркиши атын махтар, ақылсыз әркиши қатынын махтар (ақлли әрқак отини мақтар, ақлсиз әрқак хотинини).*

*Ана қойну – балаға жаннет.*

*Ана қучагы балаға бешик.*

*Ат әркешининг қанаты (от эр кишининг қаноти).*

*Ата журтуму башы болмасам да, босағасыны ташы болайым (ота юртимнинг боши бўлмасам-да, бўсағасининг тоши бўлайин).*

*Атлыга бир айт, жаяуга эки айт (отлига бир айт, яёвга икки айт).*

*Айбыны суу бла жууалмазсан (айбни сув билан юволмассан).*

*Бай арбазында қоян тутар (бой аравасида туриб ҳам қуён тутар).*

*Билдириб келген жаудан қорқма, билдиримей келген жаудан қорқ (билдириб келган ёвдан қўрқма, билдирганидан қўрқ).*

*Биреу сени таш бла урса, сен аны аш бла ур (биров сени тош билан урса, сен уни ош билан ур).*

*Бўёру бир кўзю бла жуқлар (бўри бир кўзи билан ухлар).*

*Бўёру да аджашхан малны ашар (бўри ҳам адашган молни олади).*

*Жангыз бала жылауқ болур (ёлғиз бола ииғлоқи бўлади).*

*Жангыз баласы барны чыгар-чықмаз жаны бар (ёлғиз боласи борнинг чиқар-чиқмас жони бор).*



*Адам – тувған жеринде,*

*ит – тойған жеринде.*

*(Одам туғилған ерини,*

*ит түйгөн ерини ватан тутади).*

*Жау сёз бла ёлmez (ёв сўзлаганга ўлmas).*

*Жауга жанынгы берсенг да, сырынгы берме (ёвга жонингни берсанг ҳам сирингни берма).*

*Жер таусуз болмаз, эл жаусуз болмаз (ер тоғсиз, эл ёвсиз бўлmas).*

*Жыланны бассанг, башындан бас (илон-ни боссанг, бошидан бос).*

*Илкер баттамай, танг аттаз (хулкар боттамай тонг отмас).*

*Ит қутурса иесин қабар (ит қутурса эгасини қопар).*

*Кёк жашнамай, кёк кюкюремез (осмонда яшин бўлмаса, ўт кўкарmas).*

*Қайғысыжоқ қуру суудан семирир (қайғуси йўқ фақат сув ичса ҳам семиради).*

*Қызым, санга айттама, келиним, сен эшишт.*

*Қылыч жара бителир, аууз жара бителмез (қиличнинг жароҳати битади, оғизники битмайди).*

*Ойнай билмеген оюн бузар (ўйнай билмаган ўйин бузар).*

*Эки анаты эмген бузоуну тили татлы (икки онани эмган бузоқнинг тили ширин).*

Эки харбыз бир қууучха сыйынмаз (икки тарвуз бир қучоқقا сиғмас).

Хамма қипчоқ халқлари каби қара-чайлилар ҳам топишмоқ түқишида уста. Ин-чуунин, уларнинг топишмоқлари жуда ҳам мазмунли ва одамни топқирликка ундаиди. Энг асосийси, уларда ҳам ўзбекларга таниш рух, халқона улгилар кўзга ташланади:

Бир алтин жузугум бар, бар дуняни жаритар (бир олтин узугим бор, бор дунёни ёритар) (қуёш).

Бир ананы – мингбаласы (ой ва юлдузлар).

Бир атым барды да, чапса жерни қыртышин қобарады (бир отим бор, чопса ернинг терисини шилиб олади) (ранда).

Бир тёбеде жети тешик (бир тепалик-да етти тешик) (Бош ва ундаги икки кўз, икки қулоқ, икки бурун ва оғиз).


Бети – ак, чачы – бурма (оқ қайин).

Бир сюрююм барды да, жатсам да биргэ, қўбсам да биргэ (бир сурувим бор, ётсам ҳам бирга, турсам ҳам) (мунчоқ).

Бир қара кишичик таудан аууб барды (бир қора киши, тоғдан оғиб боради) (қўнғиз).


Бир қызым барды да, ийнели чепкен киеди (бир қизим бор, игнали чепкан кийган) (кирпи).

Бир терекде – беш бутак, беш бутақда – беш чапрак (бир дараҳтда – бешта шох, бешта шоҳда беш япроқ) (бармоқлар ва тирноқлар)





**Қарабайилар төгнинг баланд  
жойларида яшагани учун жамият бўлиб  
бирлашиб яшаш ҳаёт-мамот масаласи  
саналган.**



## ХУЛОСА ЎРНИДА

Тилшунослар, хусусан қарабай тилшунослари қарабайли тилининг «Қуманлар қомуси» тилига яқинлигини таъкидлаб келади. Тўғри, бошқа қардошлардан фарқли ўлароқ, то XVIII асрга қадар насронийлик динини сақлаб келгани учун уларда «Қуманлар қомуси»га яқинлик бўлиши мумкин. Аммо шуни унутмаслик керакки, «Қуманлар қомуси»нинг тили қирим тилига яқинлиги бўйича олимларнинг фикри муштарак.

Мазкур мақолани ўқиган ўқувчи англаб етган бўлса керак, қарабайли тили ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига ўхшайди. Икки тилининг бир-биридан фарқлари эса совет даврида яратилган алифболарнинг турличалиги сабаб келиб чиқкан. Шунинг учун мазкур мақолада қарабайли мақоллари ва топишмоқларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки тилшуносликда янги даврда амалга оширилган ўзгартишлар кўпроқ замонавий лексикага таъсир қилган, аммо фолклорда ўз қатлам сўзлар, сўзлардаги миллий руҳ сақланиб қолган.

Сайфиддин РАФИДДИНОВ

# Туркистон шаҳарлари НАВОЙЙ ТАСВИРИДА

Алишер Навоий асарларида жуда кўп юрт ва мамлакатларнинг номи, сиёсий ва ижтимоий ҳаёти, адабий-маърифий муҳити, урф-одатлари, касб-корлари, санъат ва адабиёти, шоир ва фозиллари, уламо ва авлиёлари ҳақида зикр қилинади. Албатта, улуғ шоир бирор музофот, шаҳар ё қишлоқ номини маълум бир сабаб ва мақсад билан тилга олади. Асардаги айрим тимсолларнинг характер ва хусусиятларини ёрқинроқ акс эттириш учун зикр қилинган шаҳар ёки мамлакатнинг жўғрофий, маданий ва малиший жиҳатларига тўғридан-тўғри ё ташбиҳ билан мурожаат этади. Шунинг учун ҳам Навоийни теран англаш ва мақсадини аниқ мушоҳада қилиш учун шоир тилга олган жой номларининг тарихи, қадриятлари ва одамларининг урф-одатларини яхши билиш керак.

Кўзголиб ҳар  
навода  
Туркистон...

**ТУРКИСТОН (Турон)** – туркий халқлар яшайдиган ўлкалар. Шўро даврида Марказий Осиёда миллий давлат чегараланиши ўtkазилиши муносабати билан Туркистон номи истеъмолдан чиқиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон термини билан алмаштирилган. Навоий асарларида Туркистон деганда ҳозирги туркий тилли халқлар яшайдиган ўлкалар назарда тутилган.

Туркистоннинг ер юзида довруқ қозонишига уерда Ўрта асрнинг иирик мутасавифи, шоири ва яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий хоки қўйилгани ва унга Амир Темур 1398–1404-йилларда қурдирган ҳашаматли мақбаранинг машхур зиёратгоҳ бўлиб кетгани ҳам сабаб бўлган.

Навоий Хожа Аҳмад Яссавий бутун Туркистонда шуҳрат топганини таъкидлаб, «Хожа Аҳмад Яссавий – Туркистон мулкининг шайхулмашойиҳидур... Анинг мозори Туркистонда Яssi деган ердаки, Туркистон аҳлининг қибласи дуосидур» деб ёзган эди.

«Бадоеъ ул-бидоя» девони дебочасида шоир Саккокий ва Лутфийларнинг «ширинабёти иштиҳори Туркистонда бағоят» машҳурлигини ёзганида ҳам туркий халқ-



лар истиқомат қилувчи жойга ишора қилган ва, шунингдек, «Сабъаи сайёр» достонида Туркистонни айни шу маънода қўллаган. Достонда Султон Ҳусайн Бойқаронинг базми мадҳ этилар экан, икки ёндан хонандаларнинг саф тортиб, туркий ва форсий «нагма-ю суруд»лар куйлаганига дикқат қаратилади:

Икки ёндин муганний икки хайл,  
Жонга тандин чиқорға солиб майл.

Шунда ўнг томондаги хонандалар шундай туркий ашулашар айтишадики, уларнинг хушвоздлиги ва ёқимлилигидан Туркистон аҳли жунбушга келар даражада наволар таралади. Туркона нағма-ю ашулашардан одамларнинг қўзларидан ёшлар оқади.

Ўнгда туркинавоз уруб достон,  
Қўзголиб ҳар навода Туркистон.

Тортқон турк нағмасида суруд,  
Оқизиб халқ қўзларидин рӯй.


Сўл томондагилар эса форсий куй ва ашулашар айтиб, Ироқу Ажамни ўзига мафтун қиласар даражада ўйин-кулгу ясадилар:

Сўл сори форси суруду нағам,  
Фитнаи Форс, бал Ироқу Ажам.

Ўтмишда кўп ҳолларда Туркистон атамаси Турон шаклида ҳам ёзилган. Чунончи, Навоий «Садди Искандарий» достонида ёзади:

Ҳам Эрону Турон, ҳам Ақсои Чин,  
Анга тегруқим, ҳадди Машриқ замин.

Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Туронзаминни тилга олар экан, аввало бутун туркий халқларни, хусусан,



Туркистонни ҳам назарда тутади. Унинг ёзишича, ривоятларга кўра тўфон бўлиб ўтгандан кейин Нуҳ алайҳиссалом билан кемада бирга бўлган саксон кишининг ҳаммаси ҳалок бўлади, улардан насл қолмайди. Нуҳ алайҳиссаломнинг фарзандлари ўзи билан бирга эди. Шунда у Туронзаминни Ёғасқа ва Эронни Сомга ва Ҳиндистонни Ҳомға беради. «Бу мазкур бўлгон мамолик аҳли бу уч кишининг наслидин» экани ва «бу жиҳатдин Ёғасни Абуттурк ва Сомни Абулажам ва Ҳомни Абулхинд» деб атаганликларини ҳам қайд этади<sup>1</sup>.

Навоий «Тарихи мулки ажам»да Турон сўзини 22 марта тилга олади. Турон тарихи билан боғлиқ воқеалар, таҳтга ўтирган подшолар, Турон подшоҳи Афросиёб ва эронликлар орасидаги урушлар, ҳатто ўртадаги айrim сарҳадлар ҳақида ҳам маълумот беради. Масалан, зардӯштийлик динини қабул қиласан Гуштосб подшонинг замонида Самарқанд Эрон ва


<sup>1</sup> Мазкур асар. 614-б.

Турон орасида тўсиқ вазифасини ўтайдиган сарҳад бўлган. Навоий бу ҳақда хабар берадики, «...ва Гуштосб замони осоридин Самарқанд қўргони ва девориким, Эрон ва Турон орасига тортимибдур».

## Аларниг мавлиди Тошкандур...

**ТОШКЕНТ (Тошканд)** – қадимда Чоч, Шош, Шошкент, Бинкат деб номланган шаҳар. Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Кошғарий асарларида Тошкент шаҳри ҳақидаги дастлабки маълумотлар учрайди.

Бобур Умаршайх мирзо тасарруфидаги вилоятлар ҳақида тўхталар экан, «Тошканд вилояти – китобларда Шош битирлар, баъзи Чоч битирларким, “камони чочий” андин иборатдир» деб ёзган эди.




Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Шайх Камол Ҳўжандийнинг отаси Шошда дағн қилингани хабарини берар экан, Тошкент атамасининг Шош шаклида фаол ишлатилгани маълум бўлади: «неча вақт Шош деган ерда бўлур эрмишларки, аларнинг оталари анда сокин эрмиш». «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида эса Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳоронинг таржимаи ҳолига оид маълумотларда унинг Тошкентда туғилганини қайд этган: «Аларнинг мавлиди Тошкантур ва оталари дарвеш киши эрмиш ва она тарафидин ҳамоноку, Шайхи Тоҳурки, ул вилоятда мутааййин шайх эрмиш, анга етарлар ва ўзларида бу иш чошниси туфулият айёмидин бор эрмиш».

## Насафга бордим ва Мир хизматига еттим...

**НАСАФ** – ҳозирги Қашқадарё вилояти маркази бўлган Қарши шаҳрининг қадимий номи. Бугунги Қарши ва унинг атрофидаги ҳудудлар 2700 йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, турли йилларда турли номлар билан атаб келинган.

Мўғуллар босқинига қадар бу юртда илму фан жуда ривожланган эди. Мўғуллар истилоси пайтида шаҳар анча хароб бўлган, қўлёзмалар ёқиб юборилган ва баъзи олимлар қатл қилинган. Айримлари Ўрта Осиёни тарк этиб, чет ўлкалардан бошпана топган. Мўғул ҳукмдорлари Кепакхон ва Қозонхонлар Насаф яқинида ўzlари учун сарой қурдирган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома» асарида бу сўз ҳақида шундай фикр билдиради: «Яна Қарши вилоятидурким,



Насаф ва Наҳшаб ҳам дерлар. Қарши мўгулча оттур, гўрхонани мўгул тили била қарши дерлар. Голибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлғондор». Лекин «қарши» сўзининг сарой, қаср деган маъноси ҳам борлиги баъзи манбаларда айтиб ўтилган.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзишича, Абдухолиқ Фиждувоний руҳонияти Баҳоуддин Нақшбандга бир қатор насиҳатлар, васиятлар қилгандан кейин у кишига Насафга Амир Сайид Кулол хизматига боришни буюради. Баҳоуддин Нақшбанд айтадики, «Насафга бордим ва Мир хизматига еттим».

Навоий мазкур асарида Ҳожа Муҳаммад Порсо ҳақида ҳам ёзар экан, унинг 822 (милодий 1419) йили, муҳаррам ойида «Байт ул-ҳаром ва Набий зиёрати алайҳис-салавот вас-салом нияти» билан Бухородин чиқиб, «Насаф йўли била Чагониён ва Тирмиз ва Балх ва Ҳирот»нинг табаррук мозоротларини зиёрат қилиш учун йўлга чиққанини айтиб ўтади.



## Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Каш...

**ШАҲРИСАБЗ** – яшил шаҳар демакдир. Шунинг учун ҳам Навоий ўзининг «Сабъай сайёр» достонида душанба куни Ой сайёрасининг рангига мос яшил қасрда меҳмон бўлиб турган шоҳ Баҳром ҳузурига кирган учинчи иқлим йўлидан келган сайёҳ ҳикоятини маҳсус Шаҳрисабз шаҳрига боғлаган. Унда шоир Шаҳрисабзни асар персонажлари тилидан шундай таърифлайди:

Дедилар: Кишвари дурур дилкаш,  
Оти ҳам Шаҳрисабз эрур, ҳам Каш.

Хизр монанд сабзадин ранги,  
Сабзаси суви кўзгуси занги.

Мисралардаги Шаҳрисабз ҳақидаги ёрқин тасвиirlар 1465–1469-йилларда Самарқандда яшаган Навоий бу шаҳарни ўз кўзи билан кўрган бўлиши мумкинлигига ишора этади. Мусофир ҳикоятни якунлаб, ўзининг Шаҳрисабздан, Саъд авлодларидан бири эканлигини маълум қилгач, шоҳ Баҳром уни Шаҳрисабзга волий этиб тайинлайди.

Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 6-мажлисида Абулбарақа деган кишининг Шаҳрисабзда бир қанча вақт қозилик қилгани ҳақида хабар беради. Шунингдек, тазкирада ёзишича, Кешлиғ ато ва Умар атолар Кешшаҳридан бўлган.

# Ки, бор эрмииш маконингиз Хоразм...

**ХОРАЗМ** – қадимги Мовароуннахрнинг шимоли-ғарбида, Амударё қуви оқимининг чап соҳилида жойлашган бўлиб, X-XII асрларда, хоразмшоҳлар даврида айниқса ривожланган. Навоий асарларида ҳам ўнлаб ўринларда Хоразм топонимига мурожаат қилинган. Хоразм жўғрофий нуқтаи назардан Мовароуннахр ва Хурросон давлатлари оралиғида жойлашгани учун ҳам темурийлар тарихида муҳим ўрин тутган. Жумладан, Навоий «Ҳайрат ул-аброр» достонининг З-мақолотида сultonлар ва уларнинг адолатидан баҳс юритиб, 27-бобда Ҳусайн Бойқаронинг мардлик

ва адл тариқини кўргузганини ибрат қилиб кўрсатаркан, маълум бўладики, бу воқеалар ҳали у тахтга ўтиргмаган вақтларда, Хоразмда юз берган.

*Юз, ики юзча киши бирла қазок,  
Гаҳ ери Хоразм эди, гаҳ Адоқ.*

Маълумки, «Сабъаи сайёр» достони Навоий ижодида муҳим ўрин тутувчи асарлардан. Шоҳ Баҳромга Дилоромнинг хабарини олиб келган сайёҳнинг еттинчи иқлимдан келганини таъкидлайди. Демак, Хоразм ўлкаси дунё харитасида етти иқлимнинг бири бўлиб, тарихий-сиёсий мавқеи ниҳоятда юқори бўлган:

*Менки, тушмиш буён гузор манга,  
Мулки Хоразм эрур диёр манга...  
Қилди Хоразм аҳли истиқбол,  
Фаҳм қилмоққаким недур аҳвол.  
Чун йироқ эрди кишвари Хоразм,*



Қилдилар ул тараф азимат жазм...

Хусусан, воқеалар тугуни ҳам Хоразмдиёрида маскан тутган Дилоромнинг тоилиши билан ечим топади.

Ул тараф жазм қилди азм этмак,  
Токи Хоразм ҳаддиға етмак.  
Хожага нома истимолат ила,  
Ойга ҳам, лек бас хижолат ила  
Ким: «Бу янглиғ хабар эшиштук жазм  
Ки, бор эрмиш маконингиз Хоразм.  
Яна Хоразм шаҳига ёзди мисол,  
«Буки Хоразмдин бир иллиқ мол,  
Хожага зоди роҳ еткурсун,  
Хожа маҳмилни бу тараф сурсун».  
Чунки Хоразм шаҳига етти мисол,  
Важҳ берди хизонадин филҳол.

Навоий ранглар жилосини ва асарга кўрсатадиган таъсирини теран ҳис қилган ҳолда бу жиҳатни достонларига маҳорат билан сингдиради. «Сабъаи сайёр» достонида Дилоромнинг дараги Хоразмдан чиққач, мазкур ўлка тавсифида оқ ранг ва унинг маънодошлирига урғу берилганидек, «Садди Искандарий»да ҳам Доро қўшинига келиб қўшилган Хоразм аскарларини оқ либосларда тасвирлайди. Умуман олганда, «Ҳамса» достонларида Хоразм истилоҳи муайян бадиий-эстетик, адабий-тарихий функция бажарган ҳамда бешликнинг умумий композицион бутунлигини таъминлашга хизмат қилган.

«Лисон ут-тайр» достонида Навоий Нажмиддин Кубронинг Хоразмдан эканига алоҳида урғу беради ва шайх билан боғлиқ тасаввуфий мазмундаги ҳикоят келтириб, «Насойим ул-муҳабbat»да унинг ниҳоятда тақволи, улуғ шайх эканини таъкидлайди.



«Лисон ут-тайр» достонида Навоий Нажмиддин Кубронинг Хоразмдан эканига алоҳида урғу беради ва шайх билан боғлиқ тасаввуфий мазмундаги ҳикоят келтириб, «Насойим ул-муҳабbat»да унинг ниҳоятда тақволи, улуғ шайх эканини таъкидлайди.

лиёлардан деб таърифлайди. Сўнгра «Хоразм ҳалқи гоят малакий сифотлигидин Хожани ер фариштаси дерлар эрди» дея Хоразм ҳалқининг фазилатларини таъкидлаб ўтади.

Улуғ шоир «Насойим ул-муҳабbat» таъкирасида Хожа Али Ромитаний, Маждиддин Боғдодий, Шайх Разијуддин Али Лоло сингари машҳур тасаввуф шайхларига тўхталиб, уларнинг Хоразмда туғилиб ўсганларини таъкидлайди. Навоий, шунингдек, Хоразмда яшаб ўтган ва жаҳоншумул номга эга бўлган Замахшарий ва унинг машҳур «Қашшоғ» асарини «Маҳбуб ул-қулуб» асарида тилга олади: «...бамаъни ҳазаёнин Жоруллоҳ битган «Қашшоғ» гумон қиласай».

Қўриб ўтганимиздек, Навоий асарларида келган жой номлари маълум бир мақсад билан келтирилган. Шоир фикр ва мушоҳадаларини бирор ўлка ё унга хос жиҳатлар билан боғлаб ифодалар экан, янада образли, жонли ва ёрқин лавҳаларда тасвирлашга эришган. Шубҳасиз, мазкур юртлар тарихи, адабиёти ва қадриятлари билан боғлиқ маълумотлар Навоий ижодини янада теран ўрганишга ва яқиндан ҳис этишга хизмат қиласади.



# КҮХНА ДАРД, ЯНГИ ШИФО...

Собир ЖУМАЕВ

«Бу гапларни айтармидим-  
айтмасмидим, ўзинг  
қўймадинг, болам» дер эди  
бир ҳамқишлоқ бобомиз  
гурунг аввалида.  
Бугун ўша бобонинг  
сўzlари ёдимга тушди:  
қўйидагиларни ёзармидим-  
йўқми, дилимдан тошди,  
қўлим, бармоқларим  
жимиirlади... Бунга сабабкор  
ҳам ўzlари – ўқувчиларимиз,  
элдошларим...



**Б**удунёни алғов-далғов қилган ҳам, кишилар ҳаётини довулдай ўраб, чирпирак қилиб юборувчи куч ҳам инсоннинг тийнатида яширин бўлган қониқмаслик ҳиссидир. Барча катта-кичик дилхираликлар шу кечинмалар туфайли. Дунёнинг ҳоли хароб бўлса, шу ҳис туфайли шу даражага етиб келган. Бу ҳис, бу туйғу инсоннинг ички оламида «яхшироқ, кўпроқ, тезроқ» дея минг-минг йиллардан бери, худди ғордаги ёввойи овоз каби акс-садо бериб келади. Ва ҳар гал садо берганида инсонийлик деворларидан нималардир кўчади ва йўқлик қаърига қулаб гум бўлади.

Бу ёвуз нидони фақат маърифат, маънавий қудратгина тийиши мумкин. Бу шифо усулини билганлар эса доимо жуда оз бўлган, тушунмаганлар, қабул қилмаганлар жуда бисёр бўлган ҳамиша. Озорли шовқин инсонни ёруғликка етакловчи овозни босиб кетаверади.

Башариятнинг улуғ вакиллари, Оллоҳнинг ниятини англаған улуғ бандалари мудом шундан изтироб чекканлар. Ўзларининг заҳматга тўла умрида «инсонни инсондек кўрмак орзуси» билан яшаганлар. Шу зотларнинг жуда катта интилишлари билангина бугунги қиёфамизни асраб турган бўлсак не ажаб!

Алқисса, одамзот ғордан чиқиб, ёввойилигини ташлаганидан то ҳозирги учар машиналар, онлайн маросимлар тадрижига етгунича шукронаси камайди, қўрқув ва андишаси камайди. Аммо даъ-

воси, иddaоси ортди. Ҳаёти минг марта яхшиланди. Аммо «яна-яна» деган истаги ошгандан ошди.

Узоққа бормайлик, ўзимизнинг бугунги ҳаётимизга син солиб қарайлик. Энг биринчи бугунги турмушимиз билан бундан эллик-олтмиш йил ва ўн йил аввалги ҳаётимизни қиёслайлик.

Бундан ўттиз йил аввал ҳам «Оти ўзган олтмишга киради» деган гап бор эди ҳалқ ичида. Ўзбекларнинг пахтазорда майишган елкаси кун кўрмай, косаси оқармай юрган дамларда олтмиш ёшли одамлар жуда катта ёшли бобо ҳисобланар эди. Тўқсон-юз ёшли кишилар эса бир вилоятда битта-иккита бўлар, у ҳам бўлса заҳарли химиқатлар қоплаган пахта далиасидан узоқда, тоғ бағрида яшаб ўтган чўпонми, тақдир сийлаган бошқа бирор зотми бўларди. Одамларнинг қисқа умр кўришига сабаб яшаш тарзи эди. Жуда оғир шароитда яшади ҳалқимиз.



*Бундан ўттиз йил аввал ҳам «Оти ўзган олтмишга киради» деган гап бор эди ҳалқ ичида. Ўзбекларнинг пахтазорда майишган елкаси кун кўрмай, косаси оқармай юрган дамларда олтмиш ёшли одамлар жуда катта ёшли бобо ҳисобланар эди.*



Яқинда Кавказ томонларга бориб келган Абдужалил исмли акамиз қизиқ гапларни айтди. Абдужалил ака Сурхондарёниг Музработ деган пахтакор туманида яшайди. У киши Кавказдаги санаторийда бир ўрис киши билан танишиб қолибди. Бу одам пахтага дори сепадиган самолётда учувчи бўлиб ишлаган, Ўзбекистонни, айниқса Сурхондарёни яхши биларкан. Абдужалил аканинг музработлик эканини билгач, ўрис амаки унинг айнан қаерданлигини миридан-сиригача сўраб билибди. Ва дебди:

– Биз сепган доридан кейин у ерларда одамлар яшаши, айниқса кўпайиши мумкин эмас...

Бу сўзлар Абдужалил аканинг ҳамиятига тегибди, ҳам қизиқиб сўрабди:

– Нима дори сепгансизлар, у ерда юз минглаб одам яшайди ҳозир ҳам?..

Собиқ учувчи эса бу гапларга ишон-қирамай ҳайрон қолаверибди.

Гап шундаки, халқимиз мураккаб шароитда яшаб ҳам ўзлигини, ижтимоий, маънавий тутумларини қўлдан бермади. Шу оғир шароитда ҳам серфарзандлик анъанаси бардавом бўлди. «Ўнта бўлса, ўрни бошқа» деб фарзанд туғаверди она-ларимиз. Аммо бу авлодларнинг барчаси эсини пахтазорда таниди. Икки-уч йиллаб собиқ шўронинг ҳарбий қисмларида текин ишчи кучи ҳисобланган йигитларимиз эр бўлди, қизларимиз бўйга етди.

Ана шундай ҳолатда ҳам халқ олимларни, шоир-ёзувчиларни, жаҳоний санъат-

корларни, етук уламоларни етказиб бераверди. Аммо яшаш оғир эди. Бу гаплар то ўттиз-ўттиз беш йил олдингача бўлган деб ҳисоблайлик. Яқин ўн-ўн беш йил аввалги кунларимиз эса ҳамманинг ёдида. Гарчи мустақил бўлган бўлсак-да, миллионлаб фарзандларимиз хорижга иш қидириб, ризқ илинжида кетишиди. Яшаш яхшилангани сайин одамларимизнинг мулкка муносабати ўзгарди. Аммо ёмон томонга ўзгарди. Бизнинг қўлимиз пул кўрди, уйларимизга ҳаммомлар қўшилди, машиналар олдик, бироқ қаноатимиз қўлдан кетди.

Бу катта маънавий ўпирилиш эканини жамият жуда кеч илғаяпти. Бизнинг ҳаётий қадриятларимизнинг ранги ўчгандек бўлди. Инсонни инсон қилиб тутиб турувчи қаноат деган хазина ўзи билан кўп нарсанни ушлаб турар экан-да. Жўмладан, оқибат, меҳр-муҳаббат, садоқат, она юрга содиқлик каби фазилатлар қаноатдан куч олади. Буни битта нарсага ўхшатиш мумкин. Жўмрақдан келаётган сув ичишга яроқли эмас, чунки унда одамга зиён бўлган моддалар бор. Шу сабабли уни қайнатиб ичамиз. Бироқ қайнаган сув анемия – камқонлик чақиради ва бошқа ёндош хасталикларга ҳам сабаб бўлади. Чунки қайнамаган сувдаги заарли унсурларга қўшилиб инсон учун фойдали бўлган водороднинг муҳим изотоплари ҳам иссиқда парчаланиб кетади. Қаноат деган фазилат ҳам шу зилол сувдаги шифоли элементларга ўхшайди.





**Б**угун оммавий ахборот воситала-ри, айниқса ижтимоий тармоқлар халқнинг овозига, минбарига айлангани бор гап. Шу минбардан келаётган сўзлар халқнинг кўнглини, юрагидаги гапларини, истакларини билдиради.

Шуларга қараб одамларнинг табиатидаги эврилишни кузатиб, билиш мумкин. Бугунги кунда жамиятнинг катта муаммосига айланиб бораётган ажрим масаласи, грінкард ва бошқа юртларга кетиш истагининг ошиши каби ҳолатлар кўнгилга соя солади. Шу иккита масала энг муҳим оғриқ нуқталаримиз. Сабаби, ажримларнинг ортиши оила деган табаррук тушунчага дарз етганини англатса, бунинг ортидан катта-кичик юзлаб муаммолар етилиб келади. Тарбияси оғир болаларнинг пайдо бўлиши, балофатга етаётган йигитқизларнинг ахлоқига салбий таъсирлар, фаҳш ва шаҳвоний қусурларнинг ортиши, энг муҳими, юздан парда кўтарилиб, орият деган собит туйфуга дарз кетиши ва ҳоказо...


Хорижга кетиш, кўпроқ пул топиш, нима қилиб бўлса ҳам бегоналар ичида – ўзини бирор танимайдиган жойларда яшаш истагининг ортиши эса аслида жуда



«Эл ким, эл нима корингга ярайди?...» деган жўн савол ҳам туғилиши мумкинdir. Эл шундай кучки, унинг инсон ҳаётига таъсирини йиллар давомида англаб бораверасан киши.

катта фожеанинг дебочаси десак, сира кўпиртириб юбормаган бўламиз. Нега? Чунки халқнинг орасида «Эрдан чиқма, эрдан чиқсанг ҳам элдан чиқма, элингдан чиқсанг ҳам йўлингдан чиқма!» деган нақл бежиз айтилмаганига кўп марта гувоҳ бўлиш мумкин. «Эл ким, эл нима корингга ярайди?...» деган жўн савол ҳам туғилиши мумкинdir. Эл шундай кучки, унинг инсон ҳаётига таъсирини йиллар давомида англаб бораверасан киши. Бирори яхшигни айтса, ўнтаси ёмонингни айтади. Нигоҳи билан, сўзи билан, ҳаракатлари билан тарбиялаб бораверади эл. Баъзан

танқид, баъзан рағбат билан эл одамга ўз сўзини ўтказар экан. Бундан ҳикмат излаган киши албатта топади. Кишиларда хорижга кетиш, у ёқда яшаб қолиш фикрининг пайдо бўлишига биринчي ўринда муҳтожлик сабаб деган гапларга тўлиқ қўшилишим қийин. Мен бунинг биринчи сабаби қаноатсизлик деб ҳисоблайман. Бу гапимга қўшиладиганлар оздир, аммо чуқурроқ ўйланса, бугунги Ўзбекистон шароитида таққослаб кўрилса, кўпчилик фикримни қўллаб-қувватлайди.



**X**алқнинг жипслиги, яқдиллиги, мамлакатнинг ривожи бевосита шу юртга мансуб кишиларнинг савияси, танлаш даражаси, дунёни, ҳаётни кўриши, қабул қилиш йўсини билан боғлиқ. «Бугун юртдошларимизнинг энг катта муаммоси нима?» деган саволга кўп нарсаларни айтиш мумкин: ишсизлик, маош камлиги, ишончу ишончсизлик ва ҳоказо... Бироқ асл инсоний муаммо – қаноатсизлик четда қолиб кетаётir.

Узоқча бормасдан, яқин йиллардаги вазиятни қисқача кўз олдимизга келтирайлик. Давлат идораларида меҳнат қиладиган одамларимиз ойлик маоши-

нинг 15-20 фоизидан кечиб бўлса ҳам нақдлаштириш учун қўлидаги пластик картани бирорларга бериб юборар эди. Чунки пластикка савдо қилиш деярли йўқ эди.

Коллеж талабаси бўлган фарзандларимизнинг 30-40 фоизи катта шаҳарларда иш излаш билан банд эди. Сабаби, уларнинг қаерда юргани билан бирорнинг иши йўқ эди ҳисоб.

Олий таълим даргоҳига ўқишга кириш эса тамоман коррупция ботқогига ботганди.

Үй ёки машина учун кредит олишга бирорта каттароқ таниши йўқ кимсаннинг юраги дов бермас эди.

Духтир ҳам, муаллим ҳам, муҳандис ҳам ўз иши қолиб, кампания вақти эртадан кечгача пахта даласида эди.

Одамларимиз ана шу шароитда яшади. Чунки дардини айтиш учун бирорта очиқ эшик йўқ эди. На матбуот, на халқаро ташкилотлар одамларнинг бундай майший муаммоси билан шуғулланди.

Бу саноқ ва таҳлилларни бугун кўпчилик юз йил аввалги тарихни эслагандек эслаяпти десак, баландпарвоз гап бўлмайди. Ваҳоланки, ўша одамлар бугун ҳам яшаяпти.

Бироқ энди улар бошқача одамлар, бошқача фуқаро... Ўз орзу-истагини яширмасдан айтоладиган, шунга интиладиган, йўлида бирор тўсиқ кўрса дарҳол



«Бугун юртдошларимизнинг энг катта муаммоси нима?» деган саволга кўп нарсаларни айтиш мумкин: ишсизлик, маош камлиги, ишончу ишончсизлик ва ҳоказо... Бироқ асл инсоний муаммо – қаноатсизлик четда қолиб кетаётir.

қаерга мурожаат қилишни биладиган одамлардир. Уларнинг сўзини эшитиб, дардига малҳам бўладиган тизимнинг пайдо бўлгани эса кўздай ҳақиқат.

Шундай вазиятда одам боласини азал-азалдан безовта қилиб, қалбига қутқу солиб келган очкўзлик ва беканоатлик каби қусурлардан озод бўлмай туриб, ўзлари орзу қилган муродига етиб бормаслигига яна бир бор амин бўласан киши. Бизнинг ҳаётимиз қанчалар яхшиланса, юкимиз қанчалик енгил бўлса, маънавий бурчимиз шунча ортишини унутмаслигимиз шарт. Атиги юз йил нари-берисида бошимизга тушган фожеаларнинг туб асосида ҳам маърифатсизлик, маънавий таназзул ётади.



*Бу сўзларни айтишдан мурод бизнинг – бандаларнинг асл вазифаларидан бири тавба ва шукур қилиш эканини бот эслаш, эслатишдир. Бу неъматларсиз юраклар гоғил ва хордир.*




**М**уқаддас ислом дини аҳкомларида машҳур бир дуо бор. У қуйидагича: «Оллоҳим! Мени кўп тавба қилувчилардан ва покланувчилардан қилгин!». Шу дуонинг моҳиятида жуда катта ҳикмат яширган.

Одамлар қадим замонларда фавқулодда бойий бошласа, ерлари мўл ҳосил бериб, чорвалари кутилмаган даражада кўпайса, қавмнинг улуғлари худо йўлига қурбонликлар қилиб, «Оллоҳим! Бизларни нима билан синаяпсан? Бу тўқчилик ортидан балолар юбормагин» дея ёлворар экан...

Бу сўзларни айтишдан мурод бизнинг – бандаларнинг асл вазифаларидан бири тавба ва шукур қилиш эканини бот эслаш, эслатишдир. Бу неъматларсиз юраклар гоғил ва хордир.

Бу сўзларни ҳаётимизга қўчирадиган бўлсак, мулоҳаза қилолсак, юқоридаги кўплаб дардларнинг ечимини топган бўламиз.



# ХУДО

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фанарбоби, Биоорганик кимё институти директори, кимё фанлари доктори, академик Аббосхон Тўраев илмнинг мураккаб, аммо шарафли йўлини босиб ўтаётган фидойи, жонкуяр устозлардан. Унинг йигирмадан ортиқ ихтироси тиббиёт ва қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиб келаётир. Ўнлаб шогирди халқаро ҳамжамият томонидан эътирофга сазовор бўлган. Сухбатимизда домланинг ҳаёт ва илм йўли, институтдаги жараёнлар, режалари ҳақида гаплашдик.

*— Домла, сизнинг шахс сифатида, олим сифатида камолга етишингизда кимларнинг, нималарнинг ўрни мухим бўлган?*

— Оилада олти фарзанднинг бешинчисиман. Ишчилар оиласида вояга етдим. Икки акам, икки опамнинг ортидан эргашиб, улардан кўп нарсаларни ўргандим. Ота-онам бизга ҳалол луқма едириб, поклик, тўғрисўзлик, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик каби фазилатларни сингдириб ўстирган. Ундай бўлишинг керак, бундай қилишинг керак деб эмас, ўз ҳаракати билан намуна эди улар. Уйимизда бирор марта бировлар гийбат қилинmas, кўчадаги гап кўчада қолган, доим одамларнинг ибратли томонлари тилга олинган. Уйдаги тарбия тўғри бўлган экан — опаларим ҳам, акаларим ҳам ҳаётда ўз йўлларини топиб кетишли.

Менинг бу соҳани танлашимда опамнинг ўрни катта. У киши ўта саводли, икки тилда равон сўзлашадиган мутахассис эди.

Шаҳноза РОФИЕВА сұхбатлашди

# ЁРЛАҚАГАН ОДАММАН



«Ўқитувчи» нашриётида мухаррир бўлиб ишларди. То узатилиб кетгунча, ундан кейин ҳам опам билан жуда иноқ эдик, турли мавзуда қизғин баҳслашардик. Талабалик пайтимдаям опам мен билан фикрлашишни яхши кўрарди, шахсий қарашларимни ҳурмат қиласарди. Энди ўйлаб қарасам, аслида мени фанга қизиқтириш учун ҳам муайян мавзуни ўртага ташлаб фикримни сўраб турган экан. Опам кимёдан масалалар тўпламини таржима қилган. Шу жараёнда китобдаги масалаларни биргалашиб ечиб чиқдик ва берилган масалалар шарти тўғри-нотўғрилигини текшириб олардик. Алқисса, шу соҳага иштиёқимни менда опам уйғотган десам ҳам бўлади.



Кичкина опам Мавлуда Исматова ҳам ўта зиёли, таъби нозик эди. Она тили ва адабиётдан дарс берган, яхши ташкилотчи эди. У 1998 йилда «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган. Бу опам тиришқоқлиги, ташкилотчилиги, фаоллиги билан менга мотивация бериб турган. Инсоннинг тарбиясида, етуклика эришишида муҳим учлик — ота-она, мактаб ва атрофдаги муҳитнинг ўрни жуда зарур деган гапни кўп таъкидлайман. Атрофидаги дўстларим ҳам ҳаммаси ўқимишли, илмга чанқоқ болалар эди. Кимнигига борсак, ўша уйда ота-онанинг бир-бири билан самимий муносабати, болаларига меҳрибонлиги, юқори маданиятни кўрадим. Бизни ўз боласидек қабул қилишарди. Ўз ўрнида менинг ота-онам ҳам ўртоқларимни фарзандлариdek эъзозлашарди.

Ота-боболаримиз «Етти маҳалла ота-она» деган гапни бежиз айтмаган. Шукур,

Илм йўлини танладингми,  
ҳаммасини пухта, мукаммал  
қилишга ҳаракат қилиш керак,  
қуруқ гап, чала билим билан  
узоққа бориб бўлмайди.

атрофда ҳамма бир-бирини таниган, бир-бирига қайғурган муҳитда ўсдик. Одам болалигидан характерини шакллантириши керак деб ўйлайман. Чунки ҳаёт йўллари ўнқир-чўнқир, пасту баландликлардан иборат. Доим ҳам ҳаммаси силлиқ кечавермайди, шундай вақтда ирода мустаҳкам, иймон саломат бўлса, синовлардан эсон-омон ўтиб олади.

Мактабни аъло баҳога ўқиб, олтин медалга битирганман. У пайтлари медаллилар олий ўқув юртига битта имтиҳон билан киради ва мен Тошкент давлат университетининг кимё факултетига ўқишга кирганман.

Олим сифатида шаклланишимда устозларнинг роли жуда катта бўлган. Уларга эргашиб йўлимни топишга ҳаракат қилдим, ўз устимда қаттиқ ишладим. Илм йўлини танладингми, ҳаммасини пухта, мукаммал қилишга ҳаракат қилиш керак, қуруқ гап, чала билим билан узоққа бориб



“

1984 йилда жарроҳлик соҳасида қаторасига бешта кашфиёт қилғанмиз. Илк илмий фаолиятим тўридан-тўғри тиббиёт билан боғлиқ эди.

бўлмайди. Илм мукаммалликни яхши кўради. Шукур, ҳар тарафлама худо ёрлақаган одамман. Академик Ҳамдам Усмоновдай домлаларга рўбарў бўлдим. Профессор Шамсиддин Нажмиддинов раҳбарлигига номзодлик иши ёздим. Яқин-яқингача домланинг маслаҳатларини олиб турардим. Раҳматли домлам икки йил бурун ҳам телефон қилиб, «Вақтингиз борми, фалон овқатни тайёрлаб қўйдим, бир келиб кетмайсизми?» деб қўнғироқ қиласарди. Бир-биримизга мана шундай меҳримиз бор эди.

Республикамида кимёгар олимлар кўп. Мен ҳаммасини қадрлайман, шулардек бўлишга ҳаракат қиласман, улардан кўп нарсани ҳанузгача ўрганаман. Худди шундай устозларимиздан яна бири институтимизда ўттиз йил директор бўлиб ишлаган Шавкат Солиҳов домланинг фаолиятимда ўз ўрни бор. Мен у кишидан кўп нарса ўргандим, узоқни кўра биладиган, стратегияси кучли инсон эди. Шу инсонларнинг ҳар бири олим бўлиб етишишимда маслақдош, ибрат бўлишган.

**— Аббосхон ака, сиз узоқ йиллардан буён Биорганик кимё институтида директор ўринбосари, директор лавозимларида ишлаб келаяпсиз. Фаолиятингиз давомида қандай илмий кашфиётлар қилинди?**

— Илмда бир қатор ютуқларга эришишмада устозлар билан бир қаторда шогирдларимнинг ҳам хизмати бекиёс. Улар

бўлмаганда бу натижаларга бир ўзим эришолмасдим. Мана шу шогирдларнинг илмий даражаси, савияси билан кўп ишларни амалга оширдик. Уларнинг қўпчилиги ҳозир нуфузли университетларда, муҳим идораларда ишлайди. Саккизта докторлик диссертациясига, йигирмадан ортиқ номзодлик, PhD диссертациясига раҳбарлик қилдим.

1984 йилда жарроҳлик соҳасида қаторасига бешта кашфиёт қилғанмиз. Илк илмий фаолиятим тўридан-тўғри тиббиёт билан боғлиқ эди. Полимерларни медицинада ишлатиш, уларни қандай қилиб жиловлаш, нима қилса уларнинг хусусиятини ўзгартирса бўлади — илмий ишимиз шу йўналишда эди.

1980 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг урология кафедрасида (ҳозир ўша урология кафедраси кенгайиб, катта институт бўлди) ишлардим. Масалан, буйрак рак билан касалланган бўлса, катетер билан кириб, буйрак саратонини имболизация қилиб, қон томирининг ичи маҳсус модда билан тўлдириларди. Менга мана шу маҳсус моддани ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Ушбу материал 1984 йилда амалиётда қўлланди ва Тошкентда ишлаб чиқарила бошланди. Совет иттифоқининг барча республикаларида шу соҳа шифохоналарига маҳсус препарат сифатида сотилди. Бу препарат ҳозиргача айрим нозик операцияларда ишлатилади. Кейин 1987 йили қон тўхтатувчи «гелецил» деган препарат яратилди ва уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу дори ҳам узоқ йиллар давомида амалиётда қўллаб келинди. Қандли диабетда чиқсан ярани тузатиш жуда қийин, бу «тропическая язва» дейилади, жуда кўп йиринг чиқади, ярани тозалаб бўлмайди. Шундай модда топиш керак эдики, яранинг устига қўйсангиз ўша йирингни сўриб олиши керак. Бунақа модда биз билан бир вақтда Японияда ҳам яратилди, уларда депрессант, бизда «геле-



цил» деб номланди. Бу маҳсулотимиз ҳам кўп йиллар давомида амалиётда қўллаб келинмоқда.


Ҳозирги кунда кенг қўлланадиган гемостатик губка, яъни қон тўхтатувчи маҳсулот ва ўзи сўриладиган ва сўрилмайдиган хирургик иплар ҳам бизнинг ихтиромиз бўйича ишлаб чиқарилади. Ҳар бир қашфиёт олдин узоқ ўрганилади: унинг организмга таъсири, заҳарли заҳарлимаслиги, битаётган ярани яна кучайтириб юбормаслиги — ҳаммаси кузатилади. Институтимизда кўп йиллардан бери дориларнинг фойдали ва зарарли жиҳатлари ўрганилади. Чунки бир дори битта аъзонгизга даво бўлса, бошқасига зарар қилиши мумкин. Буни биз аниқлаб беришимиз керак.

Сил касаллигига ишлатиладиган «изониазид», «этамбутол», «рифампицин», «пирАЗИД» каби дорилар бор. Буларнинг ҳаммасини алоҳида-алоҳида ишлатса ҳам бўлади, аммо силда бактерияларнинг шунаقا штаммлари борки, битта дори кирса, дарров мослашиб олади. Шунинг учун силни икки-учта дори қоришмасидан

“

Ҳозирги кунда кенг қўлланадиган гемостатик губка, яъни қон тўхтатувчи маҳсулот ва ўзи сўриладиган ва сўрилмайдиган хирургик иплар ҳам бизнинг ихтиромиз бўйича ишлаб чиқарилади.

ҳосил бўлган аралашма — «майрин» деган препарат билан даволашади. Бу «изониазид», «этамбутол» ва «рифампицин» аралашмасидир. Шу таркибдаги «изониазид» организмга киргач, 25 фоизигина касалликни тузатишда иштирок этса, қолган 75 фоизи жигарга салбий таъсир кўрсатиб, кейин чиқиб кетади. «Этамбутол»нинг эса ярми таъсир қиласи, ярми чиқиб кетади, «рифампицин»нинг эса заҳарли моддаси организмга ножӯя таъсир қиласи. Мана шуларнинг зарарини камайтириш





мақсадида биз «биомайрин» деган дорини ихтиро қылдик. Бир шогирдимиз шу бүйича докторлык иши ҳам ёқлади. Олдинги «майрин» аралашмаси дори бўлса, «биомайрин»да биз уни ипга тизгандек молекулага осдик, у организмда ип бўлиб кезиб юради-да, ўзидан секин-секин моддаларни ажратиб чиқаради. Бояги 25 фоиз деганимиз 100 фоиз таъсир қилади ва жигарга зарари камаяди, заҳарлилиги озаяди. Бу доримиз клиник синовдан ўтди, энди ўзимизда ишлаб чиқарайпмиз.

Онкология соҳасида ҳам ишлатиладиган дорилар кўп, аммо энг зарур бўлган тўрт-беш хил дори бор. Масалан, «доксорубицин» препарати шунаقا бемаъни нарсаки, у организмдаги саратоннинг ДНКсига кириб функциясини ишдан чиқаради, яъни ўша ердаги ишни тўхтатди, бу яхши, аммо бу орада препарат бошқа соғлом ҳужайраларнинг функциясини ҳам бузиб юборади. Натижада кимётерапиядан кейин соч тўкилиб ке-

тади ва бошқа органлар ҳам ишдан чиқа бошлайди. «Доксорубицин» ўта кучли дори бўлиб, вазни бир килолик ҳайвонга берилса, уни дарҳол ўлдиради. Биз «доксорубицин»ни ҳам боягидай молекулага ипга тизандай тизиб чиқдик, шунда унинг заҳарлилиги 100 баробардан зиёд камайди. Аммо бизнинг асосий вазифамиз бу эмасди, муҳими молекулага уланган «доксорубицин» рак ҳужайрасини топиб бориб, унинг ривожланишини тўхтатди.

Ҳали қиладиган ишларимиз, режаларимиз жуда кўп. Ҳозирги тиббиётни наутохнологиясиз тасаввур қилиш қийин.

“

Ўзим қишлоқ ҳўжалигига қўлланадиган бир нечта препарат яратганман, уни амалиётда қўллаш имкони бўлмаган, яъни синовдан ўтказиб, ишлаб чиқариш учун маблағ ажратилмаган.



Кейинги мақсадимиз нанозаррачалар орқали рак ҳужайраларининг ўсишини тұхтатадиган махсус дори ишлаб чиқариш. Рак бұлгач ўша жойдаги ўсимтә жаррохлик йўли билан олиб ташланганда, жойида кичкина бўлса-да ҳужайра қолади ва хоҳлаймизми-йўқми, ўша жойдан олти ойдан кейин яна янги ўсимтә ўсиб чиқади. Буни тиббиёт тилида метастаз дейилади. Метастазнинг олдини олиш учун операция қилинган жой, яъни бўшлиқни тўлдириш учун, желега ўхшаш модда ишлаб чиқиш устида хитойлик олимлар билан илмий изланиш олиб бораяпмиз. Бу модда рак ҳужайрасини ўлдиради, аммо организмга зарари йўқ.

**— Ҳозирги кунда мамлакатимизда илм-фан ривожига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ва илм-фанны уйғунлаштириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилган. Яъни биз илм-фанга эътибор қаратамиз, маблағ ажратамиз, айни пайтда илм-фан ҳам фойдали тадқиқотлари билан иқтисодимизни, қишлоқ хўжалагимизни ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга ҳисса қўшсин. Шунуқтаи назардан қарагандা, биорганик кимё соҳасининг жамиятимизга берадиган нафи нималардан иборат?**

— Илм-фан ривожланишига, илмга илмдай қарашиба, олимлар жамиятга нечоғли зарурлиги масаласига Ўзбекистон Президенти катта эътибор билан қарайди. Бу эътибордан илм аҳлининг ҳам кўкрагига шамол тегди. У киши 2016 йил 30 деқабрда илм аҳлини йиғиб, мамлакатнинг ривожи учун энг аввало илм керак бўлади деб таъкидлади. Бу шунчаки қуруқ гап эмасди. Масалан, 1980-йилларгача Фанлар академиясида кучли, салоҳияти баланд институтлар бўларди, ўз ўрнига эга қатор илмий мактаблар фаолият олиб борарди. Кейин бошқа ташвишлар кўпайиб, илмга эътибор пасайди, бу эса таълимга ҳам таъ-

“  
Муҳими молекулага  
уланган «доксорубицин»  
рак ҳужайрасини  
топиб бориб, унинг  
ривожланишини  
тұхтатди.

сир қўрсатди. Қатор институтлар тугатилиб, илмий йўналишлар йўқ бўлиб кетди. Хусусан, геология соҳасида жуда катта йўқотишилар бўлди, аммо Президентимизнинг ташаббуси билан Геология университети ташкил бўлди. Ўшанда академияда 16 та институт қолганди, ҳозир уларнинг сони ўттиздан ошиди. Институтлар нафақат академия қошида, балки университетлар таркибида ҳам ташкил этилди.

Институтларда маблағ йўқлигидан қанча илмий ишланмалар қофзда қолиб кетарди. Ўзим қишлоқ хўжалигида қўлланадиган бир нечта препарат яратганман, уни амалиётда қўллаш имкони бўлмаган, яъни синовдан ўтказиб, ишлаб чиқариш учун маблағ ажратилмаган. Худога шукур, Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан илм-фанга эътибор кучайиб, илм-фанны ривожлантириш, олимларни рағбатлантириш билан боғлиқ бир қанча қарор ва фармонлар чиқарилди. Мамлакатимиздаги ислоҳотларни хорижий ҳамкасларимиз ҳам эътироф этишанияти. Энди нима кашфиётингиз бўлса, банклар билан боғланиб, маблағ оласиз ва ишнгизни амалиётга татбиқ этаверасиз, кейин банкнинг пулинини қайтариб берасиз. Масалан, «биосолвент» деган препаратимизни ишлаб чиқариш учун «Миллий банк»дан пул олиб фойдаланаяпмиз. Бу дорининг афзаллиги нимада? Ўзингиз биласиз, шўр ерларни уч марта ювсак ҳам бутунлай тоза бўлиши қийин, бу препарат

билин эса бир марта ювилади: ҳам сув тежалади, ҳам пахта ҳосилдорлиги 11 центнер кўтарилади. Бу маҳсулотдан ҳозир амалиётда кенг фойдаланилмоқда.

Институтимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган бир қанча илмий йўналишлар бор. Қишлоқ хўжалигида зааркунандаларга қарши биологик кураш бўлимида феромон тутқичлари яратилади. 1997 йилдан бошлаб, республика пахтчилик хўжаликларини кўсак қурти, илдиз қуртига қарши феромон тутқичлари билан тўлиқ таъминлаб келамиз. Ҳозирги кунда чигитни экишдан олдин «Дак 1», «Дак 2» препаратлари билан ишлов берилса, униб чиқиши тезлашади, бақувват бўлади ва ҳосилдорлик 5–6 центнер ошади.

“

Ҳабиб Абдуллаев жуда курашувчан, ҳақиқатпарвар одам бўлган. У киши ёшларимизни илмли қиласман деб четга олиб бориб жойлаштириб келаверган. Натижада улар ўқиб қайтгач, фанда жуда катта кўтарилиш бўлган.

2020 йилдан бошлаб Фанлар академиясининг институтлари базавий молияластирила бошланди. Йиллар давомида давлатдан лойиҳа олинарди, икки-уч йил тўс-тўполон, таниш-билиш, сеники ўтди, меники ўтмади каби ғалвалар бўларди. Ўтмаса ўша жамоа қаердан иш топса топди, акс ҳолда маошсиз қоларди. Ўзбекистон Президентининг биринчи навбатда қилган иши шу бўлдики, лойиҳа давлат томонидан молиялаштириладиган бўлди. Бизнинг институтда 160 та илмий ходим бор, 112 тасига давлат маблағ ажратди, бажариш керак бўлган вазифалар бел-

гиланди, агар яна қўшимча лойиҳа олиб бажарсангиз, унинг ҳам пулини олишга ҳақингиз бор.

**— Адабиётда авлодлар тўлқин-тўлқин бўлиб келади деган гап бор. Яъни, улуғвор эврилишлар, ижтимоий янгиланишлар даврида янги тафаккурга, дунёқараашга эга катта истеъододлар гурӯҳи шаклланади. Кейин орада маълум муддат танаффус бўлиши мумкин. Ва яна бир давр келади-ю, ўзининг улкан истеъододларини юзага чиқаради. Илмда ҳам шундай даврийлик борми?**

— Тарихга назар соладиган бўлсақ, 1965–1970-йилларни мен Ўзбекистон учун шунаقا давр деб биламан. Ўшанда Қозогистон, Қирғизистон, Тоҷикистондаги илмий даражани бизники билан солиштириб бўлмасди. Конференция, тадбирларда учрашиб турардик, ҳаммасидан хабардор эдик. Бизнинг олимларнинг салоҳияти, савияси анча баланд эди. Ҳозир баъзан бунинг сабаби нимада бўлган экан деб ўйлаб қоламан ва ўзимча жавоб топгандек бўламан. Уларнинг бахти, ютуғи ўз зиёлисини, илм аҳлининг бошини силайдиган раҳбар, қўллаб-қувватлайдиган ҳукуматнинг борлигига бўлган. Ўша даврда Шароф Рашидов республика раҳбари, Ҳабиб Абдуллаев академиянинг президенти бўлган.

Ҳабиб Абдуллаев жуда курашувчан, ҳақиқатпарвар одам бўлган. Шу феъли туфайли бошида кўп қалтак синган ва эллиқ ёшида оламдан ўтиб кетган. У киши ёшларимизни илмли қиласман деб четга олиб бориб жойлаштириб келаверган. Натижада улар ўқиб қайтгач, фанда жуда катта кўтарилиш бўлган. Ҳозир ҳам шундай ёшларимизни, ёш олимларимизни давлат бепул ўқитиш учун хорижга жўнатаяпти, иншооллоҳ, улар ўрганиб келган тажриба ва илмлари билан мамлакатимизнинг ривожига ҳисса қўшишади. Яна ўшандай авлодлар тўлқини гуриллиб кириб келади. Хорижда илм қилиб, ишлаб юрган ёш

ўзбек олимларининг ичидаги «Ҳирш индекси» 27 бўлганинг ҳам бор. Уларга ҳавас қиласман ва ишонаман, ўзбек илм-фанинг келажаги мана шундай иқтидорли ёшларимизнинг қўлида.

**— Ўз соҳангизда қандай муаммоларни кўраяпсиз ва яқин йилларда шунга мос равишда қандай кашфиётлар кутилиши мумкин?**

— Бизда ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Масалан, иммунотерапия деган ибора бор. Оддий ўрик танасида ўсадиган замбуруғнинг ичидан ширага ўхшаган нарсани ажратиб оламиз (полисахарид), шуни ракнинг бошланишида берсак, ўсимтанинг ўсишини тўхтатади. Қандай

қилиб тўхтатади? Бу ўзи оддий крахмалининг бошқача кўриниши бўлса? Шира организмга кирганда у биринчи ўсимтани майдалайди, тармоқланган жойи рак ҳужайрасининг рецепторига бориб ёпишиб олади, организмнинг иммун тизими бегона нарсани қидириб топиб ракни ушлайди ва уни тўхтатади. Яна бир йўналиш — нанотехнологияда катта бурилиш бўлади. Булар илмда яқин келажакда амалга оширилади, бунга ҳамма шароит яратилган. Бу аср биология, биотехнология, биомедицина асли бўлади. Ҳамма табиий фанлар биргаликда буларни амалга оширади ва албатта фанда буюк ўзгаришлар юз беради.

“

*Бу аср биология,  
биотехнология,  
биомедицина асли  
бўлади.*



# «Озодлик дек Хайқираман»


Наим Сулаймонўғли (1967 йил 23 январ – 2017 йил 18 ноябр) Болгариининг Киржали вилояти Птичар шаҳрида этник турк оиласида туғилган. Оғир атлетика бўйича етти карра жаҳон чемпиони, уч карра олимпиада олтин медали соҳиби. Қирқ олти бор жаҳон рекордини ўрнатган. Унинг бўйи 147 см. Наим Сулаймонўғлиниң паст бўйи ва катта кучи унга Митти Геркулес лақаби қўйилишига сабаб бўлган.


1980-йилларда Болгария ҳукумати «Ўйғониш жараёни» деб номланган дастурни жорий қилди. Оқибатда этник озчиликлар славян номини қабул қилиши ва она тилини унутиши талаб қилинди. Натижада Наим Сулаймонўғли 1985 йилда исмини Наум Шаламанов (болгарча: Наум Шаламанов) деб ўзгартиришга мажбур бўлди.

1986 йили Мелбурнда бўлиб ўтган жаҳон кубоги финалига сафар қилган Наим Сулаймонўғли Болгария маҳсус хизматидан яшириниб, Туркияниң Канберрадаги элчихонасига етиб борди. Элчихона ходимлари вазиятни Турғут Ўзалга билдирганида, бош вазир уни дарҳол олиб келишни буюрди. Истанбулга етиб олганидан сўнг исм-фамилиясини аслига қайтарди.

– Тасаввур қилинг, ҳозиргина турк эдиниз, она тилингизни, аждодларингизнинг кимлигини биласиз. Аммо бошқа мамлакатда яшайсиз. Такдирни илоҳий шундай

бўлган. Хуллас, кунларнинг биринда олдингизга ниҳоятда жиддий одамлар келади ва уқтиради: «Сен энди турк эмассан». Бунинг устига бу одамлар сизга болгар эканлиги-нгизни тасдиқлаб имзо қўйиб беришингиз учун олдингизга бир парча қоғоз ҳам кўяди. Демак, сиз энди болгарсиз. Бу зўравонлар икки миллион кишининг исмини зўрлик билан ўзгартирилар. Бу жуда қийин давр эди. Воқеаларнинг гувоҳи бўлган одамлар билишади. Мен ҳаётимда ҳеч қачон ўша куни қабул қилган қароримни ўзгартиримаган бўлардим. Агар вақт орқага қайтса ҳам Болгариядан қочиб кетардим. Чунки турк халқи сифатида биз Болгарияда жуда қаттиқ тазиик остида қолган эдик, – деган эди у «Спорт экспресс»га берган интервюсида.





Сулаймонўғли ўз вазнидан 2,5 баробар оғир тошни кўтарган биринчи ва ягона оғир атлетикачи бўлиб, ўз вазнидан уч баробар кўп юкни силтаб кўтарган етти нафар спортчининг иккинчисидир.

У 2001 йил Олимпия ордени билан тақдирланди. 2000–2004-йилларда Халқаро оғир атлетика федерациясининг «Шон-шраф зали»га аъзо этиб сайланди. У барча даврларнинг энг кучли спортчиси, олимпиада оғир атлетикачиси ва энг буюқ олимпия оғир атлетикачиларидан бири ҳисобланади. У Туркия миллий қаҳрамони эди.

2017 йил 25 сентябрда жигар етишмовчилиги сабабли шифохонага ётқизилади ва 18 ноябрда вафот этилди. Ўлемидан сўнг унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида «Сер Herkülü: Naim Süleymanoğlu» филми суратга олинниб, Туркияда 2019 йил 22 ноябряда намойиш этилди. Ушбу фильм ўзбекчага «Наим Сулаймонўғли (Турк Геркулеси)» номи билан дубляж қилинган.

**НАИМ  
СУЛАЙМОНЎҒЛИНИНГ  
БМТДА СЎЗЛАГАН  
НУТҚИ**

Ўлемидан сўнг унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида «Сер Herkülü: Naim Süleymanoğlu» филми суратта олинниб, Туркияда 2019 йил 22 ноябряда намойиш этилди.

**Б**у ҳаётда бор нарсангиздан айрилиб қолишингиз ҳеч гап эмас: уйингиздан, ишингиздан ва ҳатто яқинларингиздан, лекин энг охирда ўйқотадиган нарсангиз ўзлигинизdir. Болгарияда яшовчи икки миллион туркнинг исмларини ўзгартиришди. Улар жуда кўп зулм кўришди. Ягона истагимиз дунёдаги қолган инсонларга ўхшаб ўз хукуқимиздан фойдаланган ҳолда тугилган жойимизда эмин-эркин яашади. Агар Болгария коммунистик партияси буни таъминлаб бера олмас экан, у ҳолда Киржалида яшаётган икки миллион турк аҳолисига ўз она ватани – Туркияга қайтишига изн беришисин. Мен, Наим Сулаймонўғли, бугундан бошлаб ҳар бир рекордимдан сўнг, эришган ҳар бир ютуғимдан кейин фақат озодлик, озодлик дебе ҳайқираман. Буни фақат зулмга учраган турк халқи учун эмас, инсоний ҳақлари поимолэтлаётган бани башар учун қиласман. Бир куни ўлиб кетишим мумкинлигини билсан ҳам жар солишдан ҳеч қачон тұхтамайман...

**Дамин ЖУМАҚУЛ** тайёрлади

# ЛАЙК ГАДОЛАРИ

Азим РҮЗИЕВ

AR

ёхуд  
ХАТАРЛИ  
ИНКУБАТОР

**Ш**аҳарга аллақачон оқшом чўккан. Марказдаги замонавий емакхонада йигит ва қиз турли ноз-неъмат, салат ва ичимиликлар дид билан терилган дастурхон бошида ўтиришибди. Кутимаганда қош-қўзига пилиқдай сурма тортган, елкасига тушиб турган сочи ярим сарик, ярим қорага бўялган, замондан орқада қолмаслик важидан тирноқ ўстириб, қирмизи лабига мос буёқ сурган, сўнгги русумда устибош кийган қизнинг қўлидаги санчқи тушиб кетди.

– Официант, – қиз қўлинини боши узра кўтариб, ош-овқатидан хабар олиб турган гиргиттонни чақирди. – Қараворинг!

– Лаббай, – йигирма ёшлардаги ярашиқли соқол қўйган бир йигит югуриб келди. – Нима хизмат?

– Мана буни алмаштириб беринг, – хўранда оёқ остида ётган санчқини кўрсатди.

– Ҳозир, – гиргиттон майин жилмайиб, қўли кўксисда ортга чекинди. – Бир дақиқа.

Йигитга қизнинг буйруғи ёқмади чоғи, санчқини кўтариб ҳовлига чиқди. Аввалига санчқини бостирамадаги сомонга роса санчди, кейин мобил телефон кабелига боғлаб ерга судради. Етмаганига оёғи тагига олиб, тепкилади. Қилмишидан қўнгли ҳедаганда тўлавермаган гиргиттон санчқини ҳожатхонанинг тос товоғидаги сувга ботириб-ботириб, қизга келтириб берди.

– Кабел нима учун? – қиз лутф ила жилмайиб, гиргиттоннинг қўлидаги бир қулоч симга ишора қилди.

– А, буми? – йигит ўзини хижолат чекаётган кишидай кўрсатди. – Қўлимда қолиб кетибди.

Сўнгра гиргиттон девор панасига ўтиб, хўрандаларни яширинча пойлаб турди. Худди тоғни талқон қилгандай унинг оғзи



қулоғида эди. Бу номақбулчилиқдан хабар ийүқ қиз санчқи билан салатни ея бошлади. Қувончи ичига сифмаган гиргиттон хурсандлигидан ишшайди, жуда масрур эди...

Бемаънилик ҳам эви билан-да! Қаламга олинган бу воқеа бирор ҳикоя ё қиссадан парча эмас. Айрим замондошларимиз телефонига тасвирга олиб, «Youtube» тармоғида жойлаштирган минглаб видеолардан бирининг баёни, холос. Уни ўн беш ярим минг обуначига эга @Fozil13 деган аккаунт тармоққа жойлаштирган, мазкур видео икки-икки ярим ойда уч ярим миллион марта кўрилган, қарийб бир ярим миллион кишига ёқкан! Демак, бундай хилдаги, мазмун ва савиядаги видеоларнинг ўзбек интернетида ошиғи олчи, яъни талаб юқори. Йўқса, бачканалик, саводсизлик ва савиясизликни тарғиб қилаётган бундай видеоларга лайк босмаган, титрлардаги ёзувларнинг имловий хатоларига кўз юммаган бўларди. Мазкур видеога пешлавҳа этиб қўйилган «Afitsanlani ko`r horlamela» деган гапга тилмочлик қилмасак бўлмас. Тўғрисидан кўра хатоси кўп бу жумлада саводи ғовлаб кетган муаллифлар «Официантларни кўп хўрламанглар» демоқчи. Бу гапдаги учта сўзнинг ҳаммаси хато ёзилганидан маълумки, уни суратга олган, рол ўйнаган, интернетга жойлаган кишиларнинг савияси бир гўр.



*Скетчлар  
икки одамнинг,  
режиссёрни ҳам қўшганда  
уч кишининг ижоди  
ҳисобланади.*

Қизиги, видео охирида хулоса дея берилган матнда ҳам сўзлар пеш ёзилмаган. Фақат бу сафар тўртта сўзнинг учтаси хато битилган: «Xulosa Afitsanlani ko`yniga Qarela» («Официантларнинг кўнглига қаранглар» демоқчи).

Бугун урға кирган, давомийлиги бир дақиқадан ошиб-ошибайдиган бундай тутуруқсиз видеолар вайн дейилади. Уларнинг муаллифлари эса вайнерлар. Бироқ ижтимоий тармоқлардаги бу видеоларнинг барчасини бирдай вайн деб тушуниш тўғри эмас. Уларнинг аксарияти скетч, яъни кам сонли персонаж қатнашувчи бир пардали «комедиявий спектакл»дир. Скетчлар икки одамнинг, режиссёрни ҳам қўшганда уч кишининг ижоди ҳисобланади.



«Vine» (вайн) дастури 2013 йилда мобил телефонлар учун яратилган бўлиб, уларда ўша вақтда атиги олти сониялик видео суратга олиш мумкин эди. Сўнгги йилларда ахборот технологиялари соҳасидаги мислсиз ютуқлар сабабли ушбу дастур бошқа ижтимоий тармоқлар билан рақобатга дош беролмай, 2016 йилда ёпилиб кетди. Вайнерлар эса «Инстаграм», «Тик-Ток» сингари бошқа тармоқларни «эгаллаб» олди. Шунинг учун ҳозир кўпчилик вайн ва скетчнинг



## Илло, қисқа-қисқа видеолар олиб кун кўраётган йигит-қизларимизнинг кўпчилиги қош қўяман деб кўз чиқариш билан овора.

фарқига боравермайди. Икковини ҳам бирдай вайн деб атайди.

Vine инглизча сўз бўлиб, «йиғламоқ» маъносини билдиради. Одатда оғзаки нутқда кўп учрайди. Интернетдағи онлайн ўйинларда йиғлаш, айблаш, ҳамма нарсадан норози бўлиш каби маъноларга эга. Замонавий дунёда вайннер деган отга эга чиқиш ўта жўн. Бунинг учун қўл учида қисқа-қисқа видеолар олиб, уларни интернетга жойлаштиришнинг ўзи кифоя.

Аслида вайн бўладими ёки скетчми, аҳамияти йўқ. Фақат уларни суратга олиш учун барбири, тирноқча бўлса-да, дид ва савия керак. Иши йўқ эшак ҳуркитар қабилида ёндашиш нотўғри. Ҳар бир одам қўлидан келган ишни қилгани, билган амалида собит бўлгани дуруст. Илло, қисқа-қисқа видеолар олиб кун кўраётган йигит-қизларимизнинг кўпчилиги қош қўяман деб кўз чиқариш билан овора. Улар гўё қўлидан келганча миллатнинг обрўсини тўкишга, ёшларимизнинг онгини заҳарлашга бел боғлагандай. Шу кунларда элимиз орасида ўзидан драматург, режиссёр ёки оператор ясаб олганлар-

нинг ақли етгани ҳам, етмагани ҳам ўзи-ча алламбало видеолар олиб, қўлидан келганча интернетдаги ўзбек контентини бачканалик, саводсизлик, савиясизлик ботқоғига ботирмоқда.

Галдаги мисол фикримиз нечоғли асосли эканига заррача шубҳа қолдирмайди.

«Замонавий устоз» номли видеодаги воқеаларга, қаҳрамонларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўзларга эътибор беринг:

«Айни замонда урф бўлган автомашина ёнида йигирма беш-үттиз ёшлардаги қиз мобил телефонини ойна ўрнида тутганча ўзига оро бериб турибди. Эгнидаги кийими ўқитувчи аёлларга хос бўлса-да, соч турмаги муаллимларга мос эмас. Кишига бошқа соҳа одамини кўпроқ эслатади. Бурнига қўндирилган қўзойнагини демаса, ўзини тутиши ҳам ғалати: дengiz тўлқини

мисол мавжланиб турган бир қулоч қора-сариқ сочини бир ўёнга, бир бу ўнга ташлаб қўяди. Шу маҳал патақ сочи орасидан қулоқ-бурни аранг кўриниб турган йигирма ёшлардаги йигит кўриниш берди. У ўзини димоғдор, катта боладай кўрсатиш пайида бурнини ёлғондакам бир-икки артиб қўйди:

“Кетдик!”.

Қиз кўрсаткич бармоғи билан имоқилди:

“Менми?”.

Йигит сочини силкиллатиб, сохта жилмайди.

Қиз индамай машинага ўтирди. Йигит югуриб келиб, унинг ёнидан жой олди.

– Қалайсиз, устоз? – йигит бошини қашлаб сўрашди.

– Яхши, – қиз қўлидаги электрон сигаретни йигитнинг қўлига тутқазди. – Буни рус тили устозинг берди. Янаги сафар беркитиб чек.



– Ҳи-ҳи-ҳи, – йигит беўхшов кулди. – Раҳмат, устоз! – Етмаганига овоз чиқариб унга ҳаводан ўпич йўллади.

– Кетдуми?

– Кетту...

Кейинги саҳнада булар иккови компьютерда мириқиб онлайн ўйин ўйнаётган бўлади. Шогирдининг ақли етмаган жойига устоз беминнат ёрдам бериб турди. Муаллимнинг эпчиллигини кўриб, ўқувчининг оғзи очилиб қолар, анграйиб бир муаллимга, бир мониторга боқарди.

Иккови компютерхонадан чиқиб, шаҳарнинг сўлим гўшасидаги бир ўриндиққа бориб ўтирди. Муаллим қутидан бир дона сигарет олиб лабига қистирмоқчи бўлди.

– Устоз, чекасизми? – ўқувчи кўзларини катта-катта очиб сўради.

– Нима? – муаллим жавоб берди. – Устозлар одам эмасми?

– Вой, – ўқувчи ҳайратини яширмади. – Мангаям битта беринг!

Сигаретни тутатган йигит тамаки ҳидига маст бўлди шекилли, ўриндиқдан туриб, у ёқдан бу ёққа юриб, ўзича ниманидир гапирган, тушунтирган бўлди. Гал муаллимга келганда у ҳам ўрнидан туриб, ўриндиқда ялпайиб ўтирган ўқувчига қўлинни қўксига қўйиб, бошини лик-лик ўйнатиб сўзлади.



*Аслида вайн бўладими ёки скетчми, аҳамияти йўқ. Фақат уларни суратга олиш учун барибир, тирнокча бўлса-да, дид ва савия керак.*



– Валс тушишни биласанми? – муаллим қўзойнагини тўғрилаб қўйиб сўради.

– Йўқ, – ўқувчи ҳайрон бўлиб оғзидан паға-паға тутун чиқарди.

– Кел, – муаллим ўқувчининг қўлинни белига қўйди. Ўзи эса қўлларини йигитчанинг елкасига оширди. – Ўзим ўргатиб қўяман.

Европанинг машҳур валсбоп мусиқаси янгради. Кутилмаган баҳтдан йигитчанинг оғзи қулоғида, борлиққа ҳаяжон ила боқади. Ўзини худди бўй йигитдай тутмоққа тиришади».

Интернетга #azajony номли аккаунт жойлаган ушбу видео жуда кам вақт ичida бир юз тўқсон икки минг кишига ёқкан.

Ажабки, бирор кимса ёқмади деган белгини танламаган. Салкам уч миллионга яқин юртдошимиз турли мазмунда муносабат билдириган. Ранг-баранг фикрлар орасида енгил-елпи, олди-қочди видеони қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп. Жумладан, «Шунақа устозлар кўпайсин деганлар, битта лайқ», «Шунақа устозларни яхши кўрадиганлар, битта лайқ», «Менинг инглиз тили ўқитувчим худди шундай. Бирга



овқатлангани, айлангани борамиз. Проста дўст сифатида», «Бунақа устозим бўлса, синфа қолиб ўқирдим», «Бизга ҳам шунақа устозлар насиб этсин» сингари гап-сўзларни ўқиб, одамнинг дили оғрийди.



**Ўқитувчиларни эрмак қиласидиган кунларга етиб келганимиз хавотир уйғотади. Халқимиз орасида ўқитувчиларни масхара қиласидиган кишиларни олқишлиайдиган кимсаларнинг борлиги эса ғоят қайгули.**

Шу билан бирга жамоатчилик орасидаги «Шундай видеоларни кўрган ёшлардан нимани кутиш мумкин? Яна ҳамма ёшларнинг тарбияси бузилиб кетган деб нолишни билади. Муаллимлар учун оғир ҳақорат бу», «Мана шунақа бетарбия, бемаъни, қаланғи-қасанғиларнинг отонаси қаерга қарайапти?», «Устозларнинг ҳам қадри қолмаяпти» каби танқидий фикрлар қалбимизда умид чироғини ёққандай бўлади.

«Замонавий устоз» видеосини кўриб, дунё айвонида инсоният янги-янги ихтиролар, кашфиётлар устида бош қотираётган бир замонда бизнинг одамлар бировга фойдасидан зарари кўп тегадиган бачкана юмушларга ўралашиб кун ўтказаётганига одамнинг ичи куяди. Ўқитувчиларни эрмак қиласидиган кунларга етиб келганимиз хавотир уйғотади. Халқимиз орасида ўқитувчиларни масхара қиласидиган кишиларни олқишлиайдиган кимсаларнинг борлиги эса ғоят қайгули.

Сохта машҳурлик иштиёқи, бир-икки сўм пул топиш дарди одамларнинг кўзини кўр қилиб қўйганга ўхшайди. «Ғалчани иззат қилсанг, чориғи билан тўрга чиқади» деганларида индамаган сари тутуруқсиз видеолар кўпайиб кетаяпти. Уларнинг аксариятида кўтарилаётган мавзуларни тилга олишга ҳаё қиласан. Галдаги мисолда худди шундай ҳолатга гувоҳ бўламиз:

«Кутилмаганда қўнғироғи чалинган эшикни қирқ беш ёшлардаги аёл очди. Узоқ вақтдан бери касалхонада хушсиз ётган ўғлининг оstonонада тиржайиб турганини кўриб, унинг ранги-кути учиб, юзи докадай оқариб кетди.

– Ўғлим, – тўладан келган, ўрта бўйли аёл талмовсиради. – Бу ерда нима қиласидиган?

– Ойижон, – шифотопган бўз йигит жилмайди. Унинг қийиқ қўзлари қувончдан порлаб турарди. – Касалхонадан жавоб берив юборишди. Соғайиб кетдим.

*Сохта машхурлик  
ишиёқи, бир-икки сўм  
пул топиш дарди одамларнинг  
кўзини кўр қилиб қўйганга  
ўҳшайди.*

Она ҳамон довдирар эди. Эшитган хабаридан хурсанд бўлишни ҳам, қайғуга ботишни ҳам билмасди. Тилига калима келмай, узуқ-юлуқ гапиради.

– Э дўстим! – йигит онасининг ортидан кўринган тенгдошига юзланди. – Чин дўстлигинг аён эди. Раҳмат сенга! Онамни ҳеч қачон ёлғизлатиб қўймаслигинги билардим.

Дўстини кўриб ҳалиги йигитнинг ҳам капалаги учиб кетди. Ўзини ўнғайсиз тутар, гапиришга оғиз жуфтларди-ю, ботиниб бир сўз айтишга куч тополмасди.

– Дадажон, – беш-олти ёшлардаги қизалоқ ҳалиги йигитнинг оёгини қучоқлади. – Ким келди?

– Уйландингми, дўстим?! – ҳали онаси ва дўстининг қилган ишларидан хабар топмаган йигит чин дилдан суюнди. – Табриклайман! Бахтли бўлинглар! Эсиз, тўйингда қатнаша олмадим.

– Ойижон, – қизалоқ оstonада гангиги турган аёлга яқин келди. – Бу одам ким? Нега келди? Нега уйга кирмаяпти?

– Нима? – бу кунларни кўргунча қасалхонада яна юз йил қолиб кетишга ҳам рози йигит бақрайиб қолди. – Бу қизча нима деяпти?».



Одамларнинг эътиборини жалб этиш учун суратга олинган мазкур видео ҳақида, очиғи, бирор сўз айтмоқ мушкул. Чунки бу ҳақда гапириш тугул, кўришга ҳам одамнинг юзи чидамайди. Онадай азиз зот ҳақида бундай хаёлга боришнинг ўзиёқ гуноҳ. Оналар ҳақида на менталитетимиз, на эътиқодимизга мос келадиган видеоларни суратга олиб, вайн ишлаш эса гумроҳликдир. Етмаганига қилган ишини кўз-кўз қилиб, интернетга жойлаштириш орсизлик, даюслиқдан бўлак нарса эмас. Шу ўринда беихтиёр ҳазрат Алишер Науойининг қуидаги сатрлари эсга тушади:

Оғзига келганни демок –  
нодоннинг иши,  
Олдига қўйганни емоқ –  
хайвоннинг иши.

Бугун интернетнинг ўзбек сегментига жойлаштирилаётган видеоларнинг ҳисоб-китоби йўқ. Уларнинг атиги учтасини қўлимиздан келганча таҳлил қилишга уриниб кўрдик, холос. Бундай тутуруқсиз, савиясиз, бузғунчи вайнларнинг барчаси ҳақида фикр билдиришга ожизмиз. Улар бир неча ўн жилдлик китобларга ҳам сифлас-ов. Фақат бир фикрни дангал айтиш мумкин: ўзбекча вайн ва ўзбек вайнери деганда кишининг хаёлида энг аввало дидсиз, фаҳмсиз, калтабин, она тилини билмайдиган бир авлод гавдаланиши керакми? Ҳар ҳолда, турли ижтимоий тармоқлардаги аксарият видеоларда ақли заиф кишиларнинг устидан кулиш, аёл ва эркакнинг хиёнати, тўшак ва уятсизлик тарғиботи, ўзидан мафиячи ясад олган ёш болалар, тилимизни масҳаралайдиган одамлар сухбати асосий мавзу экани кишини шундай хулоса қилишга ундейди. Бундай бемаъниликлар минглаб ёшларнинг онгини заҳарлашини унутмаслигимиз керак.

БОНГ

# Онсан

КАЛБИ БИЛАН  
ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Феруза РАЙМЖОН қизи

**Д**унёдаги тадқиқот институтларининг илмий хуносаларида тожли вирус чилласи (пандемияси) одамларнинг руҳий саломатлигига катта зиён етказгани бот-бот таъкидланмоқда. 2020 йилдан сўнг юртимизда ҳам аҳолининг, айниқса, аёлларнинг руҳияти, яқинлари билан муносабатида муаммоси кўпайган. Руҳий бузилиш, ваҳима ва хавотирлар сони ортиб, психологларга эҳтиёж кучайган. Инсон шифо истаб мутахассисга мурожаат қиласа-ю даво топса, нур устига нур. Аммо соҳта мутахассисга йўлиқиб, аҳволи баттар бўлса, бундан ортиқ кўргулик йўқ.

Охирги пайтлар йўзбекистонда соҳта психологлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайга-

ни хавотирли. Улар ҳам аслида ойдан тушмаган. Уларга уч йил бурунги чилла ва эркакларга нисбатан аёлларнинг руҳий ёрдамга мойиллиги кўпроқ қўл келмоқда. Натижада ижтимоий тармоқларда ўзини психолог деб танишираётган фирибгарлар минглаб аёлларни осонгина чув туширайти. Психологик ёрдам кўрсатишни иддао қилаётган шахсларнинг аксарияти уқувсиз, тажрибасиз, билимсиз, зўрга уч ойлик курсни ўқиб чиқкан. Соҳта психологларнинг найрангларини билиб қолган одамлар «Бизга психология керакми?» деган саволни ҳам ўртага ташламоқда. Аслида психология деганда ништани тушуниш керак? Келинг, соҳа мутахассисларининг бу ҳақдаги фикрларини ўрганамиз.



**Наргиза  
СУЛТОНОВА  
(30 ёш), ҳисобчи:**

— Оилавий муаммоларим сабабли интернетда машҳур бўлган бир психологнинг қабулига ёзилдим. Ўзини психолог атаган кимса аввалига муаммоларимни эшитди, ҳаммасига ўзимни айлади. Сизни ўзгартирамиз деди. Эр ва хотин муносабатимиз четда қолиб, атрофимда бўлаётган барча дилхираликлар, хотиралар тубида сақланиб ётган ота-онам билан алоқаларим, болалигимдаги масалалар кўтарилиб кетди. Хуллас, ҳаммасига келиб чиқишим, геним ва ҳоказолар айбдор эмиш. Ўша куни юрагим оғриб, руҳан эзилдим.

Ўша психолог билан уч дарс ишлашим керак эди. Икки марта қабулига бордим. Маслаҳатларининг кўпига тушунмадим. Бошида тақдирга тан берид яшаш ҳақида роса уқтириди. Кейин ҳаммасини ўзгартириш ўз қўлимда эканини тушунтириди. Савол берай десам, «Мени эшитишни истамаяпсиз, қарши чиқаяпсиз, муаммоларингиз шунинг учун ҳам кўпайиб кетган, яна кўпаяверади» дея оғзимга урди. Индамай эшитиб ўтиришдан бошқа иложим қолмади. Бир ярим соат вақтни бир амаллаб ўтказдим. Бир миллион тўрт юз минг сўм тўладим. Тағин бу чегирмали нарх экан. Аслида одамлар унинг қабулига бир соатга бир миллион сўм тўлаб киаркан. Учинчи дарсига бориб ўтиришдим. Муаммоларим ўзим билан қолаверди. Ҳозир пулим ва вақтим бекор кетганига ачиниб ўтирибман.





### **Матлуба ТОШЕВА, (64 ёш):**

— Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад бугунғи кунда күп психологиялар фойдаланади, ҳатто иқтибослар келтиради. Шу китобни құлингизга олиб, бир марта эътибор билан үқиб чиқинг, азизлар. Нажотни психологдан излашга әхтиёж қолмайды. Чин мусулмон кишида аслида психологга әхтиёж сезилмайды. Ҳозир дин ақомларини биладиганлар күп, амал қиласынан оз. Нажот иймонда, сабр ва қалб ҳаловатида. Тушунаман, агар сизда қандайдир наслий ёки рухий касаллик бўлса, бу ёрдам бермайди. Бундай ҳолларда психиатр ёки психотерапевтга мурожаат қилинг, ижтимоий тармоқларда улкан ўзгаришларни ваъда қилаётган лўтибозларга эмас.



### **Зарифбой ИБОДУЛЛАЕВ, Тошкент тиббиёт ака- демияси профессори, «Тиббиёт психология- си» дарслиги муалли- фи, тиббий психолог:**

— Психология ўта мураккаб ва масъулиятли фан. Психолог доимий изланишга, ўз устида ишлашга мажбур. Бугун асл психолог билан эзотерик, парapsихолог каби тушунчалар қоришиб кетди. Буддизм, насронийлик таълимлари асосига қурилган ғоялар, веда маданияти гурухлари ақидалари оммавий сингдиріла бошланди. Унисидан бир чимдим, бунисидан бир чимдим олиб, бўтқа пишириб ётган кишилар ўзларини бехи-

жолат психолог деб аташмоқда. Ҳар хил мавзудаги маъruzalарини интернетга жойлаб, аудиторияга таъсир ўтказишга уринмоқда. Ҳозирги ахборот асрида инсонларнинг информациядан таъсирланиши жуда юқори. Кўпчилик кўрган ва эшитган ахбороти таъсирида узоқ вақт қарама-қарши фикрлар гирдобида қолиб кетаяпти. Бир фикрга келолмай, боши берк қўчага кириб қолмоқда. Инсон рухияти жуда нозик масала. Беқарор инсон турли фикрлар гирдобида қолиб кетса, уни уйқусизлик, безовталиқ, ваҳима қуршаб олади. Ҳатто айрим инсонлар ўша маъruzalарга боғланиб, зомбига айланниб улгурган. Бора-бора рухиятни шунаقا ёпишқоқ ғоялар ва фикрлар ўраб олади. Инсон турли бемаъни ахборотни доимий эшитавергач, унга кўр-кўронга амал қилишга одатланиб қолади.

Ўзбекистонда парапсихология, эзотерика, психогенетика каби йўналишлар жуда оммалашиб кетди. Ижтимоий тармоқларда бир нечта шундай гурухни кузатиш мумкин. Уларда пулга миннатдорчилик билдириш, коинотга юзланиш, қуёш, ой каби осмон жисмларидан сўраш каби маслаҳатлар берилмоқда. Ўзи уч ойлик курсда үқиб чиққан-чиқмагани номаълум «психолог»лар хизмат кўрсатиш билан бирга шогирд тайёрлаш курсларини бошлаб юборган. Бу курсларда ҳар ойда ўндан ортиқ аёл «профессионал» бўлиб етишаётган экан. Ваҳоланки, оддий бир касбни мукаммал эгаллаш учун йиллар давомида үқиши ва малака ошириш керак. Қарангки, бу ерда инсон рухияти билан боғлиқ соҳага уч ой вақт етарли деб қаралмоқда. Айниқса, психологияда энг камида фундаментал билимлар учун университетларда профессорлар тўрт йил давомида талабаларга таълим беради. Ислом динига мос келмайдиган турли назариялар, машқлар, сеанслар ўтказиш шунчалар осон иш бўлиб қолдики, «Instagram» ёки «Telegram» каналларида обуначи йигиб олса бўлди.



**Дилдора  
АМИРЖНОНОВА,  
Тошкент тиббиёт ака-  
демияси докторанти,  
тиббий психолог:**

— Кўпгина одамлар психологиярга мурожаат қилиб ёрдам топмаганини айтишади. Айримлар маълум вақт ўзгардим деб юриб, орадан бир йил ўтиб-ўтмай яна баттар тушкунликка тушиб қолади. Бу одамлар психологлар ёки психотерапевтларга эмас, балки сохта эзотерикларга дуч келган. Психология инсон руҳий жароҳатлари ва хафагарчиликдан холос бўлишида ёрдам берса, эзотеризм ҳар қандай муаммога ечим топишни ваъда қиласи.

Одатда bemорлар ички дунёсини таҳлил қилишни кутади, бироқ сохта эзотериклар уларни буткул бошқа кўчаларга киритиб юборади. Кўпинча эзотеризм бўйича китоблар ва тренинглар психология номи остида яширинади. Чунки инсон онгида фан ва тасаввур уйғунлигидаги формула-лар тез ишонч қозонади ва яхши даромад келтиради. Одамлар илоҳиёт, мўъжиза каби сирли билимларга бир томондан қизиқса, бошқа томондан чўчиб туради.

*Мунажжимлар башорати, қуёш, ой, коинот ва бошқа энергияларга мурожаат қиласи. Коинот қонунларига риоя қилишни ва табиатга қайтишни сўрайди. Ўтган аждодлар, ота-оналар руҳи билан ишлайди. Шу йўл билан ўзбек аёлларининг соддалигидан фойдаланиб пул топади.*

Бу ерда уларга сирли жумбоқларни фан билан боғлаб, муаммоларни ҳал қилиш таклиф этилади. Бу онга таъсир қилиш, ишонч қозонишнинг самарали усули.

Эзотеризм ҳаётнинг сирли моҳияти ҳақидаги қарашлар тизими. Сеҳр ва мўъжизаларга ишонтиришга уста. Бундай foяларга мойил ва ҳаётнинг энг катта маъносини излаётган одамлар қўпинча эзотерикларга айланади. Сохта эзотериклар инсоннинг заиф томонларини қандай топишни яхши билади. Сеҳрни ўргатади, ҳаётга фикрлар билан таъсир қилиш, пулни жалб қилиш, тана қувватини бошқариш кабилар ҳақида гапиради. Мунажжимлар башорати, қуёш, ой, коинот ва бошқа энергияларга мурожаат қиласи. Коинот қонунларига риоя қилишни ва табиатга қайтишни сўрайди. Ўтган аждодлар, ота-оналар руҳи билан ишлайди. Шу йўл билан ўзбек аёлларининг соддалигидан фойдаланиб пул топади.

Бугун психологияга отилаётган тошлар ва ишончсизлик кайфиятининг асл сабаби соҳада назорат йўқлигидир. Масалан, кардиолог шифокор дейилса, университетда таълим олган, олий маълумотли, дипломи, билими ва малакаси бор мутахассисни тушунамиз. Психолог ҳам худди шундай мутахассис. У ҳам олий таълим масканида ўқиши, психологиянинг асосий илмидан хабардор бўлиши керак. Бу ерда умумий психология ҳақида гап бораяпти. Одатда умумий психологияда инсоннинг руҳияти қандай ишлаши, руҳий тизими, идрок этиши, сезги, тафакур, тасаввур каби ҳолатлари бўйича тушунтиришлар берилади. Жамият психологияси, оила психологияси, болалар психологияси, инсоннинг характеристи, темпераменти деган тушунчалар бор.



**Мадина ЖҮРАЕВА,**  
«Muslimaat.uz» сайти  
психологи:

— Дин арбоби илмни яхши ўрганиб, маълум бир ижозаларни қўлга киритгач, одамларга шариатни ўргатиши мумкин. Шу маънода психолог ҳам аввал инсоннинг руҳиятини яхши билиши зарур. Яъни, инсоннинг руҳий саломатлиги ва руҳий бузилишларини илмий жиҳатдан пухта ўрганмагунча ҳеч кимнинг психологикка даъво қилишга ҳаққи йўқ. Одам қалбини янглиш йўлларга буриб юборишнинг жавоби жуда оғир. Шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидай, инсон қалби билан ҳазиллашиб бўлмайди.

Қабулига келган кишига психолог маслаҳат бермайди. Тўғри йўлни топишига йўналиш беради, холос. Беморга ташхис қўйиш учун уни тинглайди, муаммоларини аниқлайди ва руҳий ёрдам беради. Психологлардан бир соатда катта ўзгариш ёки мўъжиза кутиш — бемаънилик. Афсуски, буни ҳамма ҳам билавермайди.



*Бугун психологияга  
отилаётган тошлар ва  
ишончсизлик кайфиятининг  
асл сабаби соҳада назорат  
йўқлигидир.*

Ҳозир кўпчилик психолог деганда, «коинотга ўзидан қандайдир энергия йўллаш», «ҳар куни ойнага қараб, “мен баҳтлиман” деб тинмай такрорлаш», «пул билан сұхбатлашиш» каби тутуруқсиз маслаҳатлар берадиган маҳмадоналарни кўз олдига келтиради. Табиийки, бу дунёбехабарлик сохта психологларга қўл келади. Улар ҳеч бир жавобгарлик ҳис қилмай, оммавий сеанслар, турли терапияларни босиб ўтказаверади. Очиғи, бунақа ишлар замонавий фирибагликнинг бир кўринишидир. Ўзгаларнинг ташвишидан фойдаланиб, жарақ-жарақ пул қилаётганлар ҳеч кимдан қўрқмаётгани хавотир уйғотади кишида. Нима, одамларни турли ёлғонлар — «наслни тозалаш», «генетикани ўзгартириш», «пул чақириш санъати»га ўхшаш юзлаб аҳмоқона мавзулар билан жалб қилаётганларга шаҳар бедарвозами? Уларнинг фаолиятини мутасадди ташкилотлар қатъий назоратга олиши керак.

“

*Бу соҳа инсоннинг руҳини,  
онгини нафақат яхши  
томонга, балки ёмон  
тарафга ўзгаририб  
юбориши ҳам ҳеч гап эмас.*



**Шоира ИСОҚОВА,**  
**оила ва болалар**  
**психологи:**

— Юртимизда олий ўқув юртларида психолог мутахассисларни ўқитиш бўйича талай ишлар қилинмоқда. Қисқа вақтда мазкур муаммоларнинг ижобий ечими бўлади, албатта. Шу кунларда аҳолининг психологияга муносабатини оладиган бўлсақ, аввало психологиянинг ҳеч қандай йўналиш ёки оқимга тааллуқли эмаслигини айтиб ўтмоқчиман. Бу фалсафадан ажralиб чиқсан бир йўналиш ва инсон руҳиятини ўрганувчи фан. Буни билган билмаган, ўқиган-ўқимаган одамлар ҳам омма олдига чиқиб, ўзидан бир халоскор ясай бошлади. Бунинг ҳисобига илмсиз, сохта психологлар қатлами вужудга келди. Яъни, улар пул эвазига бизнес бошлаб, инсон руҳиятини объект қилиб олишди. Аслида психолог бўлиш учун олий таълим муассасасида ўқиш, энг камида бакалавр, бўлмаса магистр даражаси талаб этилади. Амалиётда эса ҳеч қаерда ўқимаган ёки кимларнингдир икки ё уч ойлик курсида, семинарида қатнашиб «сертификат» олган чаламуллалар ўзини психолог сифатида таништираяпти. Ўзларини психолог, эзотерик, мотиватор ёки бошқа ном билан атаб, бемор қабул қилишаяпти. Оқибатда



руҳий беморларнинг аҳволини баттар оғирлаштириб қўйишаяпти. Пихологиянинг барча услублари илмий асосга эга, унда кўп йиллик тақдиқотлар натижасида йўлга қўйилган методлар қўлланади. Умуман, шахсни ўрганмай, унинг индивидуал хусусиятларини, ижтимоийлашув жараёнларини билмай бу соҳага киришиш мумкин эмас. Чунки бу соҳа инсоннинг руҳини, онгини нафақат яхши томонга, балки ёмон тарафга ўзгаририб юбориши ҳам ҳеч гап эмас. Илмдан бехабар, ўзларининг ўйхаёллари ва фантазиялари асосида bemorlarни даволамоқчи бўлаётганлар катта хато қиладилар.

\*\*\*

Ўзбекистон психологлар асоциацияси аъзоси Шоира Исокованинг билдиришича, ҳозир Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда бу борада ҳужжат тайёрланган. Шу кунларда психологлар фаолиятини назорат қилувчи меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилиши кутилмоқда. Агар ҳужжат қонуний кучга кирса, ижтимоий тармоқлардаги сохта психологлар фаолияти ўрганилади ва лицензия масаласи ўртага чиқади. Яъни, соҳа қонун билан қатъий тартибга солинади.

# УН АСР НАРИДАН, УН АСР БЕРИДАН

Шомирза ТУРДИМОВ

## 1. БУТОГЛАР БАЛАНД ТОГЛАР...

Юнонлар Олимп тоғини худолар мако-  
ни, Зевснинг қароргоҳи деб улуғлагани  
сабаб Олимп бутун Европа адабиёти,  
санъати, тилида энг улкан тимсолға ай-  
ланган. Будда роҳиблари Қайлас чўқ-  
қисини муқаддас санаб, одам наслини  
чўққига яқинлаштиrmайди, бу табу ҳануз

амалда. Японлар эса Фудзияма чўққиси-  
ни илоҳий деб қадрлашади. Япон санъа-  
ти, айниқса миниатюралари, фолклори ва  
адабиётида Фудзияма миллат тимсоли-  
га айланган. Япон ёзувчиси, санъаткори  
борки, орзу-умидларини «Фудзияма»да  
изхор этиб келади.

**О**дам боласи ҳамиша худони яқиндан билгиси, тасаввурини моддий шаклда күргиси, тиник ифодалагиси, бошқаларга англатгиси келади. Хусусан, ўзини ҳам Японнинг Фудзия-маси, юоннинг Олимп тоғи, буддавийларнинг Қайлас чўққисида бу англаб бўлмас туйғу, кечинма, тасаввурларнинг ифодаси, шакли турибди. Бу образларни бир мажоз, имуқуқ сифатида қабул қилиш керак. Бахши боболар ибтидода Гўрўғлини – қуёш ўғли, ёзу қишлоғини алмашинувида ёз томоннинг тимсоли деб англагани, сўнгра бу тушунча бадиий тус олиб ўзгаргани каби жараёнлар борлигини ҳам унутмаслик керак.

Биз туркийлар – ўзбеклар бу масалада, яъни, тангрини, ўзини англашиб, тасвирилашда қандай ечимга келганмиз?

Турк ҳамиша тилсимили айтади, айтганини айни чоғда яшириб кўмади. Бошқа ҳалқлар моддийлаштиrsa, туркнинг табиатида абстрактлаштириш ҳукмрон. Моддий ҳолатлар асоснинг сифати бўлиб келади ва тушунчани тиниқлаштирув ўрнига, кўпинча ўзақдан узоқ-узоққа олиб кетади.

Турк илк даврларда худони Кўк тангри дейди. Кўк ранг аслида осмон ранги. Кўк – гардишсиз, уфқисиз, чеку чегарасиз ранг. Туркнинг тасаввури шундай чегара билмайди, худди унинг қурдати ва ожизлиги, тузган ва бузган салтанатларига уйғун, англамлар қолипига сиғмагани каби қолипсиз. Турк кишиси ҳам шундай бир тилсим...

Баъзида ўйга ботаман – агар моддийлаштириш шарт бўлганда турк Кўк тангрини, турк кишисини қандай моддийлаштирган бўларди? Шунда кўз олдимга бир образ, бир обида келади – у ҳам бўлса Юсуф Ҳос Ҳожиб XI асрда битган, ҳали ҳануз дунёга турқдай сирини очмаган «Қутадғу билиг» асари. Бу ўринда гап яна бир сирга тегишли бўлган, шу асар сирига калит излаётган киши ҳақида. Бу киши – домла Боқижон Тўхлиев (дўстимиз Акиф Азалп домила Бақийжа-а-ан Тухлий-



еф дер эди. Боқижон Тўхлиевга «домла» унвони шу мурожатдан мерос, нақд қолипга тушгандай).

## 2. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»...

Адабиёт ҳикматдан бошланиб, ҳикматда яқунланади. Бу ҳақиқат «Қутадғу билиг»да исботини топган.

Биздан ўн аср нарида, бийдай даштда бошини туман чалган, оқ сочли ёлғиз, буюқ бир чўққи турибди. Туман кетмаётганиданми, масофа олислигиданми, кўпчилик туманни кўради, улкан чўққини тўлиқ идрок этолмайди.

Бу ёлғиз улкан чўққи – «Қутадғу билиг» оти билан танилган.



“

«Бугуннинг ўқувчисини ўн аср нарига олиб бориб бўлмайди. Узоқдаги хазина экилмаган уруғ ҳосилидай гап. Табдиллар зарурат. Фақат хазинани замон чарх-палағига оғдириш, авлодлар кўнглига пайванҷлаб, бугуннинг маънавий мулкига – фаол қувватга эвириш лозим»

---

тузган икки минг саҳифалик луғатни чоп этиш ниятида. Домла Тўхлиевнинг тилидан “Қутадғу билиг” тушмайди. Куни-туни, хуши-туши “Қутадғу билиг” билан кечади (гувоҳ бўлганимдан айтаман...)».

Табдиллар, ўғирмалар «чайналган» ҳолат. Чайнаб берсанг таъми кетади, қутидаги баҳмалга бир тартибда игна билан санчиб терилган жонсиз капалакларга менгзайди. Лекин гапнинг ўроли воқеликни борича қабул этиш ҳам керак. «Бугуннинг ўқувчисини ўн аср нарига олиб бориб бўлмайди. Узоқдаги хазина экилмаган уруғ ҳосилидай гап. Табдиллар зарурат. Фақат хазинани замон чарх-

Кун ёруғ вақти Тошкент елкасида Чотқол бўй-басти билан намоён бўлиб, қўл узатса етадигандек манзара кўнгилга ўзгача завқ берганидек, ҳар замон-ҳар замон олисдаги ёлғиз оқ сочли чўққи ҳам бир-бир хос кишиларга кўриниб, ўз маҳобати билан ўзга ақлларни ҳам шоштиради, кўнгилларни тоштиради. Чўққининг улканлигидан, ҳайбатидан кишини суст босади, сеҳри каловлатиб қўяди. Чўққи бизга қанчалар яқин турса, биз шунча узоқлашаётгандаймиз. Эҳтимол шунданми, сирларини очгиси келмас. Баъзан ўйларчувалашади.

Кўнгилга бир гап келади: «Биз “Қутадғу билиг”га муносиб ворисмизми ўзи? Тилшунос Қаюм Каримов бутун умрини шу китобга бағишилади. “Қутадғу билиг” тилини ўрганди, ҳозирги ўзбек адабий тилига табдил этди. Яна айтадиларки, луғат ҳам тузган. Лекин бу луғатнинг тақдири но маълум. Боқижон Тўхлиев тадқиқотлар чоп этди. Болалар учун асарнинг бир қисмини шеър йўлида бугунга мослаб чоп эттириди, яқинда шеърий табдилни тўлиқ яқунлади,

палагига оғдириш, авлодлар құнглига пайвандлаб, бугуннинг маънавий мулкига – фаол қувватга эвириш лозим», – деб уқтиради домла Тұхлиев.

Күпчилик «Қутадғу билиг»ни дидактик асар дейди. Бу сифат хийла четанли фикр. Асарда бутун борлық тузилиши, тартиби, унда одамзот, салтанат, жамиятнинг ҳаёт тарзи, асл мезонлари, тирикликтининг мағзи хусусидаги халқнинг қомусий билимлари ҳикмат шақлида айтилған деб таҳмин қиласынан. «Қутадғу билиг» үхашши йүқ достон. Унда ибтидо ва интиҳо бирлашади. Ҳикмат ҳикматда ҳикмат топади. Табдилдан үқиймиз:

«Жұмлаи жаҳон бунёд бўлғандан сўнг, у кун ва ой билан ёритилди.

Бунёд бўлған бу олам тинимсиз айланади, у билан қўшилиб тақдир чархи ҳам гир айланади.

Яшил осмон авжидаги юлдузлар бунёд бўлди, қоронғу кеча билан ёруғ кун воқе бўлди...».

Бир он тўхттаймиз. Бу космогоник тасифни шарҳлаш учун «Қутадғу билиг» ҳажмидан ўн карра катта китоб керак. Яна үқиймиз:

«Шулардан: Ўн икки ўқак (бурж) юлдузлари булардан бўлакдир, уларнинг айримлари жуфт-жуфт, айримлари тоқдир.

Қўзи (Ҳамал) – баҳорги юлдуз, кейин Уз (Савр) юлдози келади, Эрандиз (Жавзо) билан Қучик (Саратон) яқин юради.

»

«Қутадғу билиг» шундай, йўқ жойдан пайдо бўлиб қолган эмас. У сув ичган булоқлар, қўшилиб оққан дарёлар, жўшиб қуйилған уммон бор. Ҳозирнинг атамаси билан айтсан, асар унган катта адабий муҳит, адаб дунёқарашини шакллантирган илмий-фалсафий мактаблар бор.

Арслон (Асад) билан Бугдойбоши (Сунбула) қўшинидир, кетидан Улгу (Мезон), Чазан (Ақраб) ва Ёй (Қавс) бир-бирига эш бўлиб келади.

Улардан кейин Үфлақ (Жаддий), Кўнак (Далв) ва Балиқ (Хут) юлдузлари келади, мана шу ёритқичлар чиққач, олам ёргулек касб этади.

Буларнинг учтаси баҳорги, учтаси ёзги, учтаси кузги ва учтаси қишки юлдузлардир.

Буларнинг учтаси олов, учтаси сув, учтаси шамол ва яна учтаси тупроқ бўлиб, борлық жонли ва жонсиз мавжудот шулардан бунёд бўлған...».

Нафақат тизим, сўз, атамаларга диққат қиласангиз, тилнинг тотлилиги, тозалиги юрагингизга жаз этиб ёпишади. Инсоннинг ўзлик сари интилуви – руҳнинг Яратганга, таннинг «оби гил»га қайтиши билан қарор топади. Яратган ҳикматидан бу кенг оламда ўзининг арши аълосидан-гина аниқ қўринувчи, ҳамма-ҳамма нарсалар ўртасида ақл бовар қилмас даражада уйғунлик, бирлик мавжуд. Ўн икки ой – бир йил... Ўн икки йил – бир мучал... Ҳар бир ойнинг ўз ўқаки бор... Ҳар бир одам



//

«Хикмат» шундай уқтиради...  
Үзини қадрламаганни ўзгалар ҳам  
хурмат қилмайди. Нимаики бор  
баҳосиз қолса, хор бўлади. Хорлик  
зорликни, зорлик қарамликни  
етаклаб келади.

қайси бурж остида туғилган бўлса, феъл-  
авторининг бурж табиатига мос келуви...  
ва инсон аъзоларининг ўн икки буржга  
рост бўлуви... ушбу уйғунлик, мукаммал-  
ликнинг далил-исботи, ибратлариданdir.  
Инсон эзгу амал билан яшаса, кўк тоқидаги  
юлдузнинг ботартиб айланувига қўлқанот  
бўлади. Аксинча иш юритса, ўзи ва юлду-  
зи, алал оқибат табиату жамият ўртасида  
номутаносиблик туғилиб, «ўн саккиз минг  
олам» мувозанати бузилади. Қилдай хато  
мукаммал тартиба, уйғунликка шикаст ет-  
казади. Ана шунда турли офат, ҳалокатлар  
юз беради. «Бирники – мингга, мингники –  
туманга», «Неки кўнгилда кечар – табиатга  
ҳам кўчар» деганлари шунга айтилган.

«Хикмат» шундай уқтиради... Үзини  
қадрламаганни ўзгалар ҳам хурмат  
қилмайди. Нимаики бор баҳосиз қолса,  
хор бўлади. Хорлик зорликни, зорлик  
қарамликни етаклаб келади.

Билга Юсуф Ҳожиб ёзади:

«Китобга “Қутадғу билиг” деб ном бер-  
дим, ўқувчини баҳтга элтсин, уни яхши  
ишларга йўлласин деб умид қилдим.

Ўз айтмоқчи бўлган сўзларимни ки-  
тоб қилиб ёздим, шоядки, унинг шуҳрати  
жумла жаҳонга ёйилгай.

Одам олам жаҳон баҳтларга эришса,  
баҳтиёр бўлади, сўзларим чиндир.

Киссамни Кунтуғди элиг номи билан  
бошлаганимнинг сабабларини айтайнин,  
эй яхшилар.

Кейин Ойтўлди ҳақида ҳикоя қилдим,  
муқаддас баҳтларга ва баҳтиёрлик кунла-  
ри у туфайли ёрийди.

Кунтуғди дегани чинadolатdir, Ойтўлди дегани эса баҳт-саодатdir.

Улардан кейин Ўгдулмиш ҳақида сўз-  
лаганман, унинг оти заковат, у одамни  
улуглайди.

Ундан сўнг Ўзғурмиш ҳақида сўзладим,  
унинг маъноси оғият демакдир.

Киссам мана шу тўрт нарса ҳақидадир,  
уқиб ўқиганлар бу сўзларнинг маънисига  
етадилар».

Адиб бераётган калит, йўриғлар бизни  
улкан хазинага элтиши аниқ, фақат биз  
чинакам эгага айланишимиз лозим.

«Қутадғу билиг» шундай, йўқ жойдан  
пайдо бўлиб қолган эмас. У сув ичган  
булоқлар, қўшилиб оқсан дарёлар, жў-  
шиб қуйилган уммон бор. Ҳозирнинг ата-  
маси билан айтсак, асар унган катта ада-  
бий муҳит, адиб дунёқарашини шакллан-  
тирган илмий-фалсафий мактаблар бор.



Фақат тақдир тақозоси билан бизга биргина «Қутадғу билиг» етиб келди, холос. Биз бирдан туманга бора олсак, «Қутадғу билиг»ни теранроқ англаймиз. Ҳикмат топамиз.

Домла Боқижон Тұхлиев ана шундай ҳикматтаға йүлиққан замондошимиз, «Қутадғу билиг»дай улкан уммонаңдан қабатимизда туриб қониқиб сув ичаёттган, қулоч ёзиб бемалол сузаёттган киши. Кимки эркін сұзса, гүнг сүзлашга орзуманд бўлғандай ҳавас билан қарайман. Сузиши билмайман-да, тиззамдан баланд келган сувдан чўкиб кетаман деб қўрқаман. «Қутадғу билиг» эса тубсиз, сарҳадсиз уммон, тасаввурни, хаёлларни ютиб юборувчи уммон. Мен уммон қирғоғида туриб фикрга чўмаман. Худди япон Фудзиямада, юнон Олимпда, буддий Қайласда яшаётгани каби...

бу нарсани ўша жойнинг ўзи юзага келтиради. Эсланаётган ҳолатда яна бир нарса борки, бу ёш билан ҳам боғлиқ. Айниқса, ўсмирлик ёшида айни ҳолат бутун одамзотга тегишли бўлади десак адашилмайди. Ўзи одамзот ҳеч қачон ютқазишни истамайди. Беллашувларда, қайси тури бўлмасин, жисмонийми, маънавийми, фавқулодда ютқазишлар кишига ҳамиша катта сабоқ бўлади. Бизнинг халқимизга хос бўлган хусусиятлардан биттаси фикрий (маънавий) мусобақалар бор-ку, киши танлайди. Сўз ўйини қилиш қобилияти ҳаммага ҳам берилган хислат эмас-ку. Сўз ўйинларини ким қиласди? Биринчидан одам сўзни ҳис қилиши, тушуниши, энг муҳими, ундан ўзи завқ ола билиши керак ва бераётган жавоби бор-ку, ҳарфига муносиб бўлиши шарт.

У замон колхоз даври эди. Мактабга қатнаймиз, бизлар бошқа-бошқа қишлоқлардан йигилиб катта синфга борамиз, колхоз мошин ҳам ажратган, бу мошин ҳар доим ҳам қатнамайди. Кўпинча пиёда кетардик. Учинчи вариант – велосипедда қатнаймиз. Қайтишда ўрмон хўжалигининг олдида ажраламиз. Бизнинг ёнимизда ким? Тўртта йигит, яна тўртта қиз. Қизларни ҳам биз велосипедда олиб бориб, олиб қайтардик. Шунда ажрашаётган пайтимиз Тошпўлат – янги синфдош “Отангга салом айт” деб менга айтди. Бу гапни беписандлик билан бир айтди, индамадим, икки

### 3. ОГИЗ ДУОСИ БОР...

Бизнинг Қўрғон шевамиизда «огиз дуоси бор» деган гап юради. Адабий тилда англатилса «сўзнинг магияси бор» деб ифодалаш мумкин. Боқижон Тұхлиев оғиз дуоси бор киши. Онам «Туғсам ўзини туғибман-да, феълини ҳам туғибманми?» деганидай эл орасида камдан-кам одам оғиз дуоси бор бўлиб туғилади. Эл буни худо берган хислат деб билади, бу хил кишилар алоҳида ҳурматда бўлади. Даврагилар бу кишининг гап-сўзини жон қулоғи билан тинглайди, яна гапирсин деб бир меҳмонхона одам оғзига қарайди. Боқижон домла ана шундай хислатли одам. Закийлик, ҳозиржавоблик, донолик унга туғма хусусият. Домла ўсмирлик даврида кечган бир воқени хотирлайди:

«Сўз, фикрнинг қўйма бир ҳолати бор-ку, уни ўйлаб, истаб топиб бўлмайди-да,

||

Онам «Туғсам ўзини туғибман-да, феълини ҳам туғибманми?» деганидай эл орасида камдан-кам одам оғиз дуоси бор бўлиб туғилади. Эл буни худо берган хислат деб билади, бу хил кишилар алоҳида ҳурматда бўлади.

айтди, жавоб қилмадим. Учинчи айтганда “Отам онангга салом айтди” дедим.

Одамзотда, айниқса ўсмирлик вақтида қизларнинг олдида ўзини кўрсатишга майл-рағбат кучли бўлади. Тошпўлатда бу ортиғича эди. Яна ор-номус деган нарсалар ҳам бор. Ўзини кўрсатишда, ҳимоя қилишда ҳам ҳолат бир хил. Менинг жавобим ҳимоя эди, ҳужум эмас...».

Ўсмир Боқижон Тўхлиев бу жавоби билан бадиҳа айтган. Бадиҳагўйлик қобилиятнинг қуввати. Муносиб қўйма жавоб сонияда кўнгилда туғилади. Темир қизигида босилмаса, дам ўтади. Қиймат совийди. Энг муҳими, «офиз дуоси бор» одамда бу қобилият «бир отарлик» ҳолат эмас. Доимий равишда анъанавий тусга киради. Домладаги бу қувват уни «Қутадғу билиг»га ошно қилди. Кўнгил дарчаларининг Юсуф Хос Ҳожиб куйлаган қувват дарчасига рост бўлишига шароит яратди. Чунки мавзу тасодифан, ўз-ўзидан танланмайди. Тасодифлар ҳам умум қонуниятга бўйсунади. Минг йил наридаги сўзларнинг тирилиши, Юсуф Хос Ҳожиб туйган туйғу, фикрларнинг асрлар оша қайта тикланиб, қад ростлаши ана шу «офиз дуоси бор» кишигагина муносиб кўрилиб танланади, гал келганда «турли-турли сўзлаш» шароитини яратади. Сўзлаш, саннаш бўлмайди, «Қутадғу билиг»га мос жаранг топади.

## 4

### ● «УЗАНГИДОШ...»

Узангидош – даврадош, бир авлод вакили дегани. Бугунги кунда етмиш ёшга етиб, ошиб турган оғаларни ҳам узангидош атаемиз. Узангидошлик моҳиятда ҳам табиат, жамиятнинг умумий олтин қонуниятлари: иссиғу совуқ, оқу қора, туну кун, ёзу қиши, эру аёл, катта-кичик, пасту баланд, яхши-ёмон, қўйингки, барчаси ола ўзанда биргалиқда оқади (бу хусусда сўзлаш кўп вақтни олади, қайд билан чекланамиз). Домла Тўхлиевнинг узангидошлари деганда адабиётшунослигимиз, тилшунослигу фолклоршуносларнинг бутун бир ҳалқаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Булар: Насимхон Раҳмон, Акиф Бағир, Қурдош Қаҳрамон, Султонмурод Олим, Раҳматулла Барака, Зухриддин Исомиддин, Нишонбой Ҳусанлар. Ҳар бир ижодкор ҳаётида узангидошларнинг ўрни алоҳида. Қовун қовундан ранг олгани, чиллаки чиллакини кўриб чумак ургани каби ҳар бир авлод ижодини узангидошларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

...«кишида фикрлаш иштиёқи, кашфиёт завқи бор. Бу жуда муҳим. Олим ҳамма вақт ўқийвермайди, ҳамма вақт ёзвермайди. Оддий бир сұхбатда ажойиб туртқилар



“

Олим олимнинг қайроғи! Лекин ҳар қандай олим ҳам қайроқ дегани эмас-да. Баъзи бир қайроқман деганлар ўткирламайди, ўта силлиқлашиб кетган, ишдан чиқиб бўлган... ишдан чиқаради...

пайдо бўлади. Ўша бир турткени берадиган сұхбатдош ҳам муҳим. Шундай, бошқа жойларда сиз ахборот берувчига айланасиз. Информацияни қабул қилиш жараёни ҳам олим учун катта имконият. Сиз айтдингизми ёки бошқа бирорвми айтган эди «Олим олимнинг қайроғи» деб. Ҳа, олим олимнинг қайроғи! Лекин ҳар қандай олим ҳам қайроқ дегани эмас-да. Баъзи бир қайроқман деганлар ўткирламайди, ўта силлиқлашиб кетган, ишдан чиқиб бўлган... ишдан чиқаради... (Тўхлиев сұхбатидан – Ш.Т.)».

Нақшбанд ҳазратларининг сұхбатни камолот асосларидан бири сифатида санагани бежиз эмас. Ҳар бир ижодкорнинг хос сұхбатдошлари бўлади. Режиссёр Баҳодир Йўлдош бир даврада айтган эди: «Биз Усмон Азим билан уч ой, беш ойда бир кўришиб қоламиз. Сұхбатимиз қаерда тўхтаган бўлса, қайта кўришганда шу жойдан давом қиласди. Асло узилмайди, изоҳ сўралмайди...». Худди шунингдек, домланинг уйчилик қадрдонлари Жаъфаров Абдусаттор (1940 йил туғилган – бутун умр жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаб келган) ва Обилжон Сидиков (1936 йилда туғилган, миришкор пахтакор) билан сұхбатларига гувоҳ бўлганман. Айниқса, Обилжон бува билан Боқижон домланинг қадрдонлигига ҳавас қиласа арзийди. Бу сұхбатлар ҳам танаффуларни тан олмайди. Қанча вақт ўтмасин, ҳар кўришганда бошқа гап-сўзлар унут бўлса ҳам, сұхбат аввалги келган жойидан давом этаверади... Бу ҳолат «ҳикмат»нинг эл орасига сингишгани, бардавомлигига гувоҳ ўтади...

5.

## «БИЛИГ» БОҒИДАН ОЛМА...

Боқижон Тўхлиев. Қўқони латиф қаботида, Сирдарё ёқасидаги Оқжар қишлоғида 1954 йил 11 марта туғилди.

1983 йили «”Қутадғу билиг” поэтикаси» мавзусида номзодлик ишини, 1992 йили «Юсуф Хос Ҳожиб ва туркӣ ҳалқлар фолклори» мавзусида докторлик ишини ёқлади.

1993 йилдан профессор.

Ўнлаб китоб ва йигирмадан ортиқ дарслик, 500 дан ортиқ илмий-оммавий мақоланинг муаллифи.

12 нафар фан номзоди, 4 нафар фан докторига устоз.

6.

## ҲИКМАТ...

Айтди:  
Тоғ баланд экан.  
Жавоб қайтди:  
Сен пастдасан.

\*\*\*

«Қутадғу билиг» улкан чўққи, маҳобатли тоғ.

7.

## ҲИССА:

Тоққа чиқсан тоғдай юксалади.

Юксак чўққидаги кишини таниб-танимай ўтаётганлар худди «Қутадғу билиг»ни билиб-бilmай, англаб-англамай қолаётганларга ўхшайди.

# ОНАДАН ОЛИСЛАЁТГАН

## *одамлар*

Нурбек ТОШНИЁЗ

**2020**

йил баҳорида «covid» чилласи жорий қилингани эсингиздами? Үшанды ер аҳлини тожли ўлат ларзага соглан эди. Биз ҳам эл қатори ишни уйда давом эттирадиган бўлдик. Уч кундаёқ ҳаммамиз зерикдик. Шунда қишлоққа, ота уйимизга, она жонимизнинг олдига кетсакмикан деган фикр хаёлимизга келди. Бу орада укам қўнғироқ қилиб, қишлоққа чақириб қолди. Минг бир истиҳола билан йўлга чиқдик. Чунки бизга қишлоқдошларимиз касаллик тарқатувчи деб қарашидан чўчиб турадик. Тошкентдай катта шаҳардан бораяпмиз, қишлоқ одамлари сал бўлса ҳам ўзини олиб қочса керак деб ўйлардик. Йўқ, аксинча, биз ўзимизни тортганимиз сари улар бизга кўпроқ интилар, амакилар, хола-ю бўлалар, қўшнилар кетма-кет суҳбатга келар эди. Ҳа, дунёни остин-устун қилган ўлат бу ерга етиб келмаганди. Биз бундан ҳайратда эдик...

Ана шундай кунларнинг бирида ҳаётимиз буткул ўзгариб кетишига сабаб бўлган Ёнгоқли қишлоғига меҳмонга бордик.



## ҲАР БИР ГИЁХ БИР ДОРИ

Аввал ҳам тўй-маъракаларда Ёнғоқлида меҳмон бўлганмиз. Аммо тоғ сайрига ҳеч фурсат бўлмаган эди. Чор атрофи арчазор билан қопланган бу қишлоққа келишнинг ўзи ҳеч бир саёҳатдан кам бўлмаса-да, бу сафар атай тоққа чиқишига аҳд қилдик. Бизга ёши олтмишдан ошиб, етмишга эниб бораётган, қотмадан келган Асад бобо йўлдошлик қилди. Мўйсафид билан гурунгимиз жуда қизиди. Асад бобонинг айтишича, бир замонлар тоғ ахолиси чўлни ўзлаштиришга сафарбар этилганда улар ҳам биринчилар қаторида кўчиб кетишган экан. Аммо у ерларнинг об-ҳавосига сира кўнига олишмабди. Кўп ўтмай тоби қочиб, шифокорлар даволай олмагач, тағин Ёнғоқлига қайтиб келибди.

«Уйдагиларнинг ҳайҳайлашига қарамай ўзимни ўзим даволай бошладим, – деди Асад бобо. – Ақлим етганча ота-боболаримдан эшитиб ўргангандан усулларни қўлладим. Тиббиётга оид китобларда айтилганларни эринмасдан, бирор кам-кўстсиз қилдим. Кундан-кун соғлиғим яхшиланиб борди. Вақт ўтиб бутқул тузалиб кетдим. Шу-шу, тоғимиздан ҳеч қаерга жилмайман. Қўлимдан келганича оиласамга, таниш-билишларга турли гиёҳлар топиб бераман. Улардан фойдаланиш йўлларини ўргатаман. Тоғнинг камина юрмаган сўқмоғи ийқ ҳисоби. Ёзда кампирим билан уч-тўртта сигир, беш-олти қўй-қўзини ҳайдаб, дара бўйидаги кулбамизга кетамиз».

Мўйсафиднинг гапларига қулоқ тутиб, йўл мاشаққатини унутдик. Асад бобо йўл-йўлакай ҳар бир камар, сой, ҳатто каттароқ харсанг тарихини сўзлаб берарди. Гиёҳларни бир-бир таништириб, уларнинг шифобахшлиги

“

Ақлим етганча ота-боболаримдан эшитиб ўргангандан усулларни қўлладим. Тиббиётга оид китобларда айтилганларни эринмасдан, бирор кам-кўстсиз қилдим. Кундан-кун соғлиғим яхшиланиб борди. Вақт ўтиб бутқул тузалиб кетдим. Шу-шу, тоғимиздан ҳеч қаерга жилмайман. Қўлимдан келганича оиласамга, таниш-билишларга турли гиёҳлар топиб бераман. Улардан фойдаланиш йўлларини ўргатаман. Тоғнинг камина юрмаган сўқмоғи ийқ ҳисоби. Ёзда кампирим билан уч-тўртта сигир, беш-олти қўй-қўзини ҳайдаб, дара бўйидаги кулбамизга кетамиз».



хақида гапиради. Унинг сўзларини тинглаб, «демак, тоғларимизда шифосиз гиёх йўқ экан-да» деб ўйлайди одам. Асад бобо худди кўнглимини ўқигандек «Шунча гиёҳ турганда одамлар оддий иситма қилса ҳам дорихонага югурди. Кошки ўша дорилар бутунлай тузатиб юборса» деди.

## ТУШЛИКДА ТУФИЛГАН РЕЖА

Ўша кезлар одамлар ҳаёт ва ўлим орагалиги бир қадам эканини ҳис этиб, уйида жон ҳовучлаб ўтирганида биз табиат қўйнида саёҳатда эдик. Асад бобо ойнадай тиниқ сойни, шифтидан ёмғирдай сув томчилаётган тош камарни ва исми жисмига монанд Сувпуркар булоғини кўрсатди. Бу манзилларнинг ҳар бири алоҳида китоб бўладиган жойлар экан. Ниҳоят, мезбон ҳар тарафи 100 метр чамаси текисликка олиб чиқди. Тепасидан ариқ ўтган, яланг бу жой илгари қўра ёки ўтов бўлган эрса ажабмас.

«Шу жойга сиҳатгоҳ қуриш керак, – деди Асад бобо уловдаги тўшакларни ерга тушираётиб. – Жуда шифобахш жой. Қон босими бор меҳмонлар шу ерда шифотопиб кетган. Ҳавоси зўр. Бир томо-

ни булоқقا яқин, бояги кўрган ёмғирли камаримиз ҳам узоқ эмас. Тошкандаги катталарга бу жой ҳақида айтиш керак».

«Уларга айтишдан аввал шифобахшлигига ўзимиз амин бўлишимиз керакда, – дейман ярми ҳазил, ярми чин қилиб. – Бир ўтов қуриб беринг, ўн-ўн беш кун яшаб кўрайлик. Фойдаси сезилса, кейин одамларга етказамиз...».

«Гап бўлиши мумкин эмас, эртагаёқ ўтов қуриб бераман», – Асад бобо бирданига жиддий тортади.

Шомга яқин бобога таътил олиб, яна келишимизни айтиб ортга қайтдик. Бу гапимизга у рози бўлди-ю, егулик фамлаб келишимизга қўшилмади: «Бир қўзининг пулини олиб келсангиз бўлди. Қолган егуликлар, сут-қатиқ ўзимизда бор. Тово-тошда ўзим нон ёпиб бераман».

## ЎТОВ УЧУН ҚАЙТИБ КЕЛДИК...

Орадан кўп ўтмай чилла сал юмшагандай бўлди. Тошкентга қайтдик. Сўнгра кутилмаганда тақиқлар яна кучаяди деган хабарлар тарқалди. Шунинг учун йўллар ёпилмасидан тағин тоқقا жўнаб кетдик. Асад бобо ўтовда дам олмоқчи бўлганимизни эшишиб, ёш боладек суюнди.

– Ўтовни ҳалиги жойга қурмадим-ей,  
– деди юкларимиз ортилган эшакка хала  
бераётиб Асад бобо.–Ўйлаб кўрсам, ужой  
жуда овлоқ экан. Айик, бўри дегандай.  
Билиб бўладими?! Шунга кулбамизнинг  
шаппатига ўтов қурдим. Қўшнилардай  
яшаймиз худо хоҳласа...

Ўтов бизга манзур бўлди. Асад бобо-  
нинг кулбаси, қўраси шундоққина қўри-  
ниб тураркан. Ўтов билан кулбанинг  
орасида каттагина сой ҳам бор. Мухими,  
Асад бобонинг кўз ўнги, ҳов десак эшити-  
лади. Аёлим, кенжатоим ва камина ўтов-  
да яшай бошладик.

## ТОҒДА ТАРҚАГАН «ЎЛАТ»

Бир-биридан қизиқ гурунглар асно-  
сида кўз ўнгимда Асад бобонинг тийна-  
ти тиниқлашиб, сийрати яққол кўрина  
бошлади. Унга қараб табиатнинг ҳақиқий  
жонкуяри шундай бўлса керак деб ўйла-  
дим. Қуриб бораётган арчазорлару, йўқ  
бўлиб кетаётган гиёхлар ҳақида афсус би-  
лан гапириб сира чарчамасди. Бир куни у  
каминани бир тепаликка етаклади. Ман-  
зилга етгач, рўпарадаги тоғ биқинида бир  
чизиқ бўлиб ажралиб турган, узоқдаги  
қалин арчазорга ишора қилди.

– Яқин йилларгача шу атрофдаги  
ҳамма жой худди шундай қалин арчазор  
эди, – деди йиғламоқдан бери бўлиб. – Аёвсиз қирқишајапти иймонсиз одамлар.  
Ўша қалин жой нега қуюқ арчазор, би-  
ласизми? У ерга одамлар қадами етмаяп-  
ти – икки томони чуқур жар, арчани суд-  
раб ўтиб бўлмайди!

– Ўрмон қоровуллари индамайдими?


– Бир хил қоровулнинг ўзи ҳам ше-  
рик бўлса керак. Аммо шерик бўлмаган  
тақдирда ҳам жуда катта ҳудудга битта  
қоровул қўйилади, эплай олмайди. Ноин-  
софлар арчани кесиб, кўздан пана жойга  
яшириб қўяди. Вақт ўтиб арча эскира-  
ди. Ўрмондан қуруқ оғоч олиб чиқишига  
қонунда тўсиқ йўқ. Шу тоғдан битта чўп  
ҳам олиб кетмайсан дейдиган қонун, ўр-

монни ўйидай қўрийдиган одамлар ке-  
рак.

Улар арчани ўтин, иморатига ёғоч  
қилиб ишлатади. Ёғочни сотиб ол деса-  
ку одамлар кўнар, лекин бола-чақаси  
совуқда қолса, пешонасига милтиқ тира-  
сангиз ҳам арчани кесаверади. Кўп айта-  
ман, арчаларга яқин яшайдиган аҳолига  
текин, ҳеч бўлмаса арzon кўмир тарқатиш  
шарт. Пишир-куйдирга суюлтирилган  
газни арzon нарҳда қўпайтириб ташлаш  
керак. Шунда арча кесмасликни талаб  
қилса бўлади. Балки терак экадиганлар-  
ни рағбатлантириш керақдир.

“

Бир-биридан қизиқ гурунглар  
асносида кўз ўнгимда Асад  
бобонинг тийнати тиниқлашиб,  
сийрати яққол кўрина бошлади.  
Унга қараб табиатнинг ҳақиқий  
жонкуяри шундай бўлса керак  
деб ўйладим.



“

*Шу баҳона меш учун тери ошлаш,  
қоринмой учун қорин ошлаш,  
ёғочдан уй анжомлари ясаш,  
арқон эшиш, кийиз пишитиш,  
товарошда нон пишириш каби  
унутилаёзган маҳаллий касб-  
корлар билан танишдик.*

Бу ичида дарди бор одамгина айта оладиган ўринли мулҳазалар эди. Ўша вақтда биз тождор ўлат сабаб инсоният тақдири ҳақида қайғурганимиз каби Асад бобо арчалар ҳақида күйиб пишарди. Тоғда тарқаган «ўлат»га барҳам бериш ҳақида қайғурарди.

### **ЎТОВДА ТОПИЛГАН ҲАҚИҚАТ...**

Зерикб қолмаслигимиз учун Асад бобо ора-сира миллий таомлар пишириш баҳонасида кулбасига чақириб, удумларимизни кўрсатиш учун атай турли «томушалар» ташкил қиласарди. Шу баҳона меш учун тери ошлаш, қоринмой учун қорин ошлаш, ёғочдан уй анжомлари ясаш, арқон эшиш, кийиз пишитиш, товарошда нон пишириш каби унутилаёзган маҳаллий касб-корлар билан танишдик.

Бу ерларда фикрлашга, хотиржам мулҳаза юритишга вақт бемалол эди. Арчалар оралаб бирон тепаликка чиқасиз. Уч томон қалин ўрмон. Даранинг қўйи қисмидан қишлоқ аҳлининг томорқаларида ўсган теракларнинг уни кўзга ташланади. Узоқдаги уйлар гугурт қутисидай кўринади. Аҳён-аҳёнда чўпонларнинг қийқириғи, қишлоқ аҳлининг алоқа воситаларисиз узоқдан сўзлашиши қулоққа чалинади. Шамол тескари эсган пайтда даранинг шовуллашидан бошқа

товуш эшитилмайди. Шундай хотиржам пайтда фикрлар ҳам тиниқлашади. Ҳаёлимни эса ҳамон ўша савол банд этган эди: «covid» деганлари ростан ҳам бор баломи? Чиндан ҳам юзлаб-минглаб одамлар ўлаётгани, тез тарқалаётгани, ўта юқумли экани ҳақиқатми? Нега бу қишлоқларда унинг дараги йўқ? Ахир ҳафтада бир кун бўладиган бозорга шаҳардан савдогарлар келади. Маҳаллий аҳоли умуман ҳимояланмаган, бир оила учун битта ниқоб – ким бозорга борадиган бўлса, чўнтағига солиб кетаверади. Мақсад ҳимоя эмас, жарима тўламаслик! Ҳатто бир сафар жуда кулгили ҳолатга гувоҳ бўлдик – бозордан қайтиб кетаётган одамдан қўшниси ниқобини сўраб олиб қолди.

Тиббий нуқтаи назардан, шу куннинг вахимали талабларидан келиб чиқиб қараладиган бўлса, бу асли кулгили эмас, балки ўта аянчли ҳолат. Аммо натижага қаралса, саросимага туширадиган ҳеч нарса йўқ. Бу яқин атрофдаги қишлоқларда касаллик юқтириб шифохонага тушган одам ҳақида эшиитмадик. Аксинча, улар «шу касал келганидан бери қишлоғимизда ҳеч ким оғримай қўйди-я» деб қўйишади. Балки бу гапда ҳам жон бордир. «Катта хавф бўй кўрсатса, кичиклари унтилади» дейишади-ку.

Хуллас, ўтовдаги ҳаётимиз давомида ана шу саволларга ечим топгандай бўлдим. Яъни, бу касаллик борлиги аниқ бўлса, демак, у бу қишлоқларга келмай қолмаган. Фақат бу ерда ўзини намоён қила олмаяпти. Сабаби – аввало бу ердаги одамлар унинг соясидан, ўзидан олдин келадиган вахимасидан қўрқмаяпти, саросимага тушмаяпти. Бунга уларнинг вақти ҳам йўқ. Иккинчидан, одамларга юққан тақдирда ҳам уни писанд қилиб ётиб қолишмаяпти. Кундалик ишлари билан бўлиб, оёқда ўтказиб юборишмаяпти. Чунки бурнини тортиб, қисқа-қисқа йўталаётгандар учраб турибди. Қизиги, улар буни бошқалардан яшириб, паналаб

олаётгани йўқ, аксинча, давранинг ўртасида туриб, «covid» бўлиб қолдимов деб кулиб қўяди. Бошқалар ҳам бундан заррача сесканмайди. Бунинг устига доим доривор гиёхлару сут-қатиқ тановул қилиб юрган одамларда иммунитет кучли.

Шуларни ўйлар эканман, шоир Холмуҳаммад Ҳасаннинг «дарвешона» тадбири тарихи ҳақидаги гапи ёдимга тушади. Унинг айтишича, қадимда қишдан заифгина бўлиб чиққан аҳоли устига баҳорда турли юқумли касалликлар тарқалиши хавфи ошган. Бу касалликлар кимларгadir ёпишиб олиб кучайиб кетмаслиги учун оммавий юқтириш маросими ўтказилар экан. Яъни, қишлоқдан бир неча киши дарвеш кўринишида кийиниб олиб, ҳамма хонадонларга кириб чиқар, одамлар дастурхонларидан уларга егулик берар экан. Шу тариқа хонадонлардан олинган таомлар бир жойга тўплангач, ҳамма йиғилиб келиб, уни ўртада баҳам кўрган. Натижада янги уйғонган касалликлар ҳаммага тарқалиб, кучсизланар ва халқقا жиддий жабр етказа олмас экан.

Бу гаплар кимгадир эриш туюлиши мумкин. Аммо аслида табобатда ҳам, замонавий тиббиётда ҳам унинг асослари тан олинган. Агар хабарингиз бўлса, «covid» авж олган пайтда айрим мамлакатлар «оммавий иммунитет» усулини қўллагани ҳақида хабарлар тарқалган ва буни кимлардир танқид ҳам қилганди.

Шулардан хулоса қиладиган бўлсак, қишлоқларда ўзлари билиб-бilmagan ҳолда ана шу усул иш берган бўлса ажаб эмас...

Оммавий юқтириш усули самарали ишлаши учун аҳоли шунга тайёр бўлиши, яъни одамларда енгил касалликларни енга олиш учун иммунитет етарли бўлиши керак. Иммунитет – инсоннинг (ҳатто ҳайвонлару ўсимликларнинг ҳам) ташқи таъсирларга қарши курашувчанлик қобилияти. Табиатга қанча яқин бўлсангиз бундай қобилият шунча кучли бўлар экан!

## **ОҚПАШШАНИ ҚУВГАН ЎСИМЛИК...**

Узоқ мулоҳаза, таниш табиб ва шифокорлар билан фикр алмашиб келган ху-





лосамиз шу бўлди: инсон табиатга қанча яқин ва серҳаракат бўлса, кайфияти юқори, ишchan, руҳи тетик бўлади. Бундай одам унча-мунча касалликни ўзи ҳам сезмаган ҳолда енгиб кетаверади!

Бу масала ҳаёт учун қанчалик муҳимлигига эса, орадан бир йил ўтиб, оддий ўсимлик мисолида гувоҳ бўлдик. Гап шундаки, Қибройнинг Маданият маҳалласида гўрков бўлиб ишлайдиган Фазлиддин ака ҳовлисига иссиқхона қуриб, бодринг ва қизилчани алмашиб экишни бошлайди.

«Қўшниларим қўшимча даромад бўлади деганига қизиқиб ишлай бошладик, – дейди Фазлиддин ака. – Ўзимда тажриба бўлмагани учун ҳар бир қадамни қўшнилардан сўрайман. Аммо энг қизиги, ниҳол жойидан кўтарилиши билан асосий ишимиздори сепиш бўлиб қолди: ниҳол кўтариilmаяпти, бу дорини беринг, барги сарғайибди, у дорини беринг, касаллик пайдо бўлибди, бунисини, қурт пайдо бўлибди, унисини... Хуллас, кайфиятим тушди. Қўшниларга норозилигимни айтсан, «ҳамма шундай қилади, бошқа йўли йўқ» дейишиди. Қизилчада ҳам, бодрингда ҳам шу гап экан. Тўғриси, болалар, неваралар еб қўймасин дея саросимага тушиб, эртароқ бозорга чиқариб сотиб юбориш ҳаракатини қилардим.

Тўртингчи марта хирмон кўтаргач, сабрим чидамади. Айниқса, гўрков эмасманми, ҳар майит келганида одамлар орасида нимадан ўлгани ҳақида суҳбат бўлади. Биласизми, кейинги пайтда ўсимста сабаб вафот этганлар ҳақида тез-тез эшигадиган бўлдим. Бир сафар нега бу касаллик кўпайиб кетди десам, «еган-ичганимиз заҳар бўлиб қолди-ку» дейишса дент. Миямда чақмоқ чаққандай бўлди. Ҳаёлимдан «наҳотки ўзим қабрини ковлаган шу майитларнинг ўлимига ҳам ўзим сабабчи бўлсам» деган ўй ўтди-ю, қўрқиб кетдим. «Бўлди, бошқа экин экмайман» деб ўзимга ўзим ваъда бердим...

Бир куни суҳбатда маҳалладошларга бўлган воқеани айтиб бериб, энди ҳеч нарса эмкоқчи эмаслигимни айтдим. Шунда бир ёш йигит маслаҳат берди: «Ака, дорисиз етиширишга уриниб кўрмайсизми, бўлмаса, мен бир олим йигитни биламан, ўзининг тажрибахонасида кимёвий дориларсиз қизилча етишириётган экан».

Шу тариқа микробиолог, биология фанлари доктори Бахтиёр Расуловнинг маслаҳати билан деҳқончиликни давом эттирдим. У киши берган битта бактериали суюқликдан бошқа на ўғит, на заҳар ишлатдим. Қизиги нима, биласизми, авваллари оқпашша деган балога қарши де-

ярли ҳар куни заҳар сепардим. Барибир йўқолмасди. Ҳозир эса худонинг қудрати билан оқпашша ҳар шомда ҳовлига келади, аммо худди рухсатномаси йўқдек иссиқхонага киролмасдан қайтиб кетади... Шунисига жуда қойил қолдим...».

66

*Бир сафар нега бу касаллик  
кўпайиб кетди десам, «еган-  
ичганимиз заҳар бўлиб қолди-ку»  
дейишса денг. Миямда чақмоқ  
чакқандай бўлди. Хаёлимдан  
«наҳотки ўзим қабрини ковлаган  
шу майитларнинг ўлимиға ҳам  
ўзим сабабчи бўлсан» деган ўй  
ўтди-ю, қўрқиб кетдим.*

Ўшанда биз Фазлиддин аканинг олдиға айнан Бахтиёр Расуловнинг (ижтимоий тармоқда Бахтиёр Абдуғафур тахаллуси билан таниқли) хабарига асосан тоза маҳсулотга харидор бўлиб борган эдик. Фазлиддин аканинг оқпашша ҳақидаги гапи бизни лол қолдирди. Зеро, Бахтиёр оғанинг биоазоти билан яхши таниш эдик, бактерияли суюқлик ҳаводан азот ўзлаштириб, ердаги эримай ётган озуқаларни сўриб бериши ва ўсимликнинг курашувчанлик қобилиятини кучайтиришини билардик. Лекин зараркундаларга ҳам қарши кураша олишидан хабаримиз йўқ эди. Шу сабаб ўша ерда туриб олимга қўнғироқ қилдик:

– Биоазотни кучайтириб юборибсиз-ку, оға, Фазлиддин аканинг айтишича, оқпашшани ичкарига киритмаяпти экан...

– Ака, оқпашшани ичкарига киритмаётган биоазот эмас, ўсимликнинг ўзи! – деди Бахтиёр укамиз. – Ҳар бир тирик жонда та-

биий курашувчанлик қобилияти бор. Сода қилиб тушунтирай, баргига оқпашша қўнган ўсимликнинг «мия»сида савол-жавоб бошланади: «Бу нарса авваллари ҳам бўлганми-йўқми?». «Ха, бўлган». «Унинг бизга зарари борми-йўқми?». «Бор». «Аждодларимиз унга қарши курашиб енга олганми?». «Ха, енга олган». «Қандай курашган?». «Унга ёқмайдиган ҳид чиқарган, заҳар чиқарган, у қўна олмайдиган тук чиқарган» (олимнинг айтишича, ҳозирча фанга асосан шу учта усул кўпроқ маълум, аслида курашиш усуллари кўпроқ бўлиши мумкин экан). «Қайси бири самаралироқ кечган?». «Фалончиси». «Биз ҳам шу усулни қўллай оламизми?». «Ха». Мен сизга бадиийлаштириб тушунтирдим. Лекин шунга яқин ҳодиса ўсимликларда кечади.

Соғлом ва заиф ўсимликнинг фарқи шунда. Биз тупроққа уруғ қадабоқ ўсишини тезлаштириб, ҳосил кўпайтирадиган ўғитлар берамиз. Бу ўсимликнинг табиий ўсиш меъёрини бузади. Бунинг устига, ерда илдизнинг яшаши учун табиий шароит йўқ (аслида тоза тупроқда кичик ҳаёт мажмуси яшаши керак, жумладан, озуқаларни ўзлаштиришга қулай қилиб илдизга ташувчи бактериялар ҳам). Биз эса, аксинча, уруғни тап-тақир тупроққа, тасаввур қилингки, оддий майдаланганд тошга экамиз ва ўғитни оғзига қўйиб қўямиз гўё. Оқибатда ўсимлик жуда заиф ҳолда ўса бошлайди. Буни ҳам ташқаридан дори билан тузатмоқчи бўламиз. Бу ўсимликнинг табиий ҳолатига яна салбий таъсир қиласди. Бундай ўсимлик юқоридаги каби ҳолатга дуч келса, «Биз қайси усулни қўллай оламиз?» деган жойда ҳаммаси тўхтайди: «Афсуски, без ҳеч бирига қодир эмасмиз...».

Ака, сиз айтган ўсимликнинг табиий курашувчанлик қобилияти кўтарилиган. Натижада у оқпашшага қарши ўзи курашиб, ечим топган. Агар оқпашша ичкарига кира олмаётган бўлса, ҳойнаҳой, унга ёқмайдиган ҳид ё заҳар чиқараяпти.

Ана сизга табиийликнинг кучи!



“

Аслида танамизда ташқи душманга қарши курашиш учун яратилган қүшин бор. Аммо биз палапартиш овқатланишимиз туфайли шу қүшинни банд қилиб құямыз.

## ТАНАМИЗГА ХАЛАҚИТ БЕРМАСАК БҮЛДИ...

Қанд қасалига чалинган яқинимиз кундан-кунга оғирлашиб, озиб-түзіб борар, аммо шифокорлар тавсиясига күра инсулин олишга хоҳиш бермаётган эди. Унинг бу ўжарлиги қимматга тушмаса эди деган хавотирда әдик. Имкон қадар бошқа шундай қасали борлардан маслаҳат сүраб, пархез қылған бүлади, аммо нағижа йүқ. Шундай кунларнинг бирида у жуда ҳолдан тойганини айтиб, таҳлил топшириб келди. Натижа вахимали. Қанд миқдори жуда баланд, ҳатто пешобга ҳам үтиб кетган. Шифокорнинг айтишича, зудлик билан жонлантириш бўлимига ётқизиб, инсулинли муолажа бошлаш керак. Акс ҳолда кутилмаган пайтда ҳушдан кетиб қолиши мумкин экан...

Ўша кунларда булунғурлик шифокор ҳақида әшитиб қолдик. Масковда ўқиб, тажриба ошириб келиб, қанд қасаллигини дори-дармонсиз даволаётган эмиш. Қизиги, пархез учун айнан табиий тоза маҳсулотлар тавсия қилас экан. Дарҳол шифокорни топиб, телефонда маслаҳатлашдик. Беморни Самарқандга олиб бориш учун камида икки-уч кун вақт керак эди. Шифокор шу муддат ичиде қандай пархез қилишни ипидан-игнасигача ўргатди. Ана шу пархез сабаб кейинги таҳлилда кутилмаган натижа га гувоҳ бўлдик. Қондаги қанд миқдори қарийб икки ойдан бери 16 кўрсаткичдан тушмай келаётган bemорда тўрт кунлик мустақил пархездан кейин 13 га тушибди. Ваҳоланки, ҳали ҳеч қандай тиббий муолажа бошлангани йўқ. Бироз даволаш ишларидан сўнг уйда давом этган қирқ кунлик пархездан сўнг кўрсаткич меъёрга – 6 га тушган экан. Бу гапдан муддао шуки, «кетопархез» деган бу пархез асосида табиий тоза маҳсулотлар турар экан.

Аслида танамизда ташқи душманга қарши курашиш учун яратилган қүшин бор. Аммо биз палапартиш овқатланишимиз туфайли шу қүшинни банд қилиб құямыз. Яъни, улар танамизга тушган оғир овқатлар ва заҳарлар билан овора бўлади. Оқибатда турли сунъий қасалликлар кўпайиб кетаяпти. Жумладан, қанд қасаллигига жуҳуд олими Шамоил Лебед «тананинг сунъий заҳарланиши» деб таъриф беради. Аслида нафақат қанд қасаллиги, балки барча тизимли қасалликлар (ёмон сифатли ўсимталар, қон қасалликлари) ҳам шу таърифга тушади.

Пархез танадаги заҳарларни тозалашга банд бўлиб қолган қўшин кучини тўғри томонга йўналтиради. Қисқаси, кетопархезни илгари суроётган олимларнинг талаби шундай: биз танамизни ўзини ўзи даволаши учун қўйиб бериб, унга халақит бермасак бўлди. Шунда у ўзини ўзи тозалаб олади.

## **ОРАМИЗНИ БУЗГАН УЧИНЧИ ТОМОН**

Арчалар орасида яшаётганимизда ҳали бу маълумотлардан бехабар эдик. Аммо ожиз ақлимиз ва ички туйғу билан ҳис қилдикки, инсониятнинг касалликлар гирдобига тушиб қолишининг асосий сабаби она табиатдан узоклашиб кетишида!

Агар инсон табиат билан ҳамнафас яшаса, еган-ичгани табиий маҳсулот бўлса, уни унча-мунча касаллик бевозта қилолмайди. Асад бобо билан гурнгларимиз асносида билдикки, ҳатто ўша олис тоғдаги дехқонлар ҳам полиз экинларига оз-моз азотли ўғит (асосан селитра) беришни ўрганибди. Еролмага қўнғиз, симқурт зарар бермасин деб заҳар сепаётган экан. Табиат ва инсон ўртасидаги соғ муносабатга учинчи томон – заҳарли дориларнинг қўшилиши табиий жараён бузилишига сабаб бўлади. Боз устига, биз шаҳарда ҳам, тоғда ҳам табиат ўпкаси бўлган дарахтларни аёвсиз кесаяпмиз. Етмаганига табиатга тинимсиз заҳар, заводлар, машиналар-

дан чиқаётган заарли газларни пурка-япмиз. Бу худди одамга заарли таом едиришдай гап. Инсоният табиат мувозанатига салбий таъсир қўрсатиши билан бирга заҳарланган маҳсулотлар истеъмол қилмоқда. Оқибатда у инсон соғлигини аста-секин емирувчи заҳар вазифасини бажармоқда.


Тожли ўлат сабаб шундай ўйлар гирдобида қолдим. Кейин ўзим ва атрофимдагиларнинг еб-ичишига жиддий эътибор бериб, имкон қадар табиий тоза маҳсулотлар истеъмолига ўтдим, тарғиб эта бошладим. Агар бу қоидага зид иш қилсан Асад бобо арча кесган ўғрига қарагандай менга олисдан кўз тикиб турганини ҳис этаман. Айни пайтда қибрailик Фазлиддин aka ҳис этган айбдорлик ҳисси юрагимни эзади. Сўнг ота-боболаримиз ҳалол, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайдиган инсонларни «луқмаси тоза» деб эътироф этишини эслайман. Луқма тозалиги доим ҳам биз ўйлаган рамзий маъно билан боғлиқ эмас-дир деган ўй ўтади кўнгилдан.



# ДҮНГПЕШОНА ДҮНГ ЎЗБЕГИМ

Эшқобил ШУКУР

*Менинг армонларимдан бири  
буюк Миртемирни күролмай  
қолганимда. Домланинг  
вафотидан бир йил кейин,  
1979 йилда Тошкентга ўқишга  
келганман. Доимо ич-ичимда  
Миртемир соғинчи бор.*



**Ш**оирнинг юраги чақнаб кўри-ниб турган шеърларини ўз-ўзимга шивирлаб такрор-лаганимда бу соғинчни янада теранроқ ҳис этаман. Мен кейинроқ устозларнинг узоқ гурунгларини эшишиб, ўзбек шоири қандай бўлиши керак дейилганда, Мите-мирдай бўлиши керак деган хulosага келдим. Нега? Чунки Миртемир ҳар қандай

вазиятда халқидан айро тушмаган. Баъзи казо-казо совриндорлару унвондорлар баланд шоҳсупаларда кекириб ўтирган пайтда у жабру ситамни ҳам, азобу фуссани ҳам халқи билан бирга тортди. Шу боис 1910 йилдан 1978 йилгача Ўзбекистонда кечган алғов-далғов тарих қайсиdir маънода Митемирнинг ҳам тарихи эди. У жиндаккина ноилож сийлов баробарида сургуну қамоқларни, ҳақорату хўрликларни ҳам кўрган. Чингиз Айтматов «Биз Миртемир сиймосида ўзбек адабиётини қадрлар эдик» деганида кўп нарсани ҳисобга олган. Улуғ адид улуғ мезонкаш ҳам эди. Тарозини тенг тортиб кўрмасдан гапирмасди.

Одатда шоирларнинг иқтидори ва маҳорати ҳақида гап кетганда уларнинг сўз бойлиги тарозига қўйилади. Халқларнинг бойлиги ҳақида гапирилганда ҳам бу халқлар тилида қанча сўз бойлиги борлиги уларнинг тафаккур даржасини белгилашда муҳим омил саналади. Миртемир шеърларида ўзбек тилининг ноёб бир луғати яшириниб ётиди. Агар ёш олимларимиздан бири Миртемир шеърларида ишлатилган сўзлар луғатини тушиб чиқса, ўзбек тили учун, ўзбек халқи учун катта бир ишни қилган бўларди.


Мана бу сатрларга эътибор қилинг:

*Иўл-йўлакай бепоён ангиз,  
Гала-гала кезар тувалок,  
Салт гўононда бораман ёлгиз.*



Шу учтагина сатрга түртта қадимий, унтуилаётган сўз маҳорат билан олиб кирилган. Анғиз нима, тувалоқ нима, салт нима-ю фўонон нима? Бундай сўзларни билмасдан ҳам яллачилик қилиб юравериш мумкин. Ўша даврда, 1930-йилларда кўплаб қаламкашлар янги интернационал сўзлар изидан, «социалистик сўзлар» изидан чопиб юрганда, севгилисига қараб «Сенинг соchlаринг завод трубасидан чиқаётган тутундан ҳам узун бўлиб кетди» каби тутуриқсиз «изҳорлар»ни тизаётганда, Миртемир қадимий сўзлар изидан, туркий руҳ изидан борди. Замона зайли билан эмас, замона зулми билан ўлаётган туркий сўзларни шеъриятга олиб кирди.

Гап келганда мен сизга Миртемир домланинг ўғли Мирза ака билан бўлган бир гурунгни айтиб берай. Шоир «Манас»ни таржима қилаётганда битта қадимий сўзга дуч келиб қолади. Роса ҳаракат қиласи, лекин шу сўзнинг асл маъносини топол-



майди. Олимлардан сўрайди, шоирлардан сўрайди, натижа чиқмайди. Шундан сўнг Миртемир кичик ўғли Мирза акани етаклаб йўлга чиқади, Қирғизистоннинг пойтахти Фрунзега, ҳозирги Бишкекка учиб боради. Ўз ҳисобидан албатта. У ерда домла илмий текшириш институтларига бориб, тилшунослардан, олимлардан шу сўзнинг маъносини суриштиради. Лекин улар ҳам туркий сўзлар масаласида Миртемирдан устун бўлолмаса керакки, аниқ бир жавобни айттолмайдилар. Институтлардан бир гап чиқмагач, шоир ўғли билан етаклашиб, қирғиз овулларига чиқиб кетади ва ўша овулларда юриб, кекса чоллар, кампирлардан сўраб шу сўзнинг асл маъносини топади. Энди бир тасаввур қилинг, биттагина сўзни таржима қилиш учун шунча ҳаракат, шунча меҳнат. Сўзга садоқат, адабиётга садоқат ҳақида кўп гапирамиз, лекин сўз ва адабиёт учун шундай ишламаймиз.

Шоир сўзни теран англаған. Масалан у «яйлов»ни «яйлоқ» деб ишлатган ва яйлоқ ёзлоқ эканини яхши билган.

Мен ҳам кўкка кўз ташлаб,  
Баралла гурунг бошлиб:  
– Чакмогингни чақ, – дейман.  
– Бу олис яйлогимга,  
Бу олис аймогимга  
Сел-сел бўлиб оқ дейман.

Миртемир шеърларидаги руҳ бутунлай ўзбекона. Сатр қурилишидан тортиб

“

Миртемир шеърларида ўзбек  
тилининг ноёб бир лугати  
яшириниб ётибди.



оҳангларгача, ифода-ю хуласагача, рамзларгача, хуллас, ҳаммаси ўзбекона.

- Янгажон, – дедим,
- Қайнимов, – деди.
- Берроқ кел, – дедим,
- Айнимо! – деди.

Миртемирнинг шахс сифатидаги тимсолида ҳақиқий дўнг ўзбек мисоли кўринади. «Дўнг ўзбек» деган ибора бор. Бу баланд ўзбек дегани. Дўнг сўзида мардлик, тантилик, ҳалоллик, улуғлик хислатлари жам бўлган. Шу ўринда биргина мисол. Миртемир домланинг Ишчилар шаҳарчасидаги уйига Ойбекнинг уйи жойлашган кўчадан ўтиб борилади. Миртемир ишга бориб келишда ҳар куни шу кўчадан ўтган. Ойбек вафот этгандан кейин ҳар гал Ойбекнинг уйи ёнидан ўтаётганда Миртемир машинани тўхтатиб, пастга тушиб, қўлини кўксига



қўйиб, «Ассаломалайкум!» деб Ойбекнинг уйига салом бериб ўтар экан. Бир гал Қозоғистондан келган меҳмонлар билан уйига қайтаётган Миртемир гурнуга берилиб кетиб, Ойбекнинг уйи ёнидан саломсиз ўтиб кетади. Уйига бориб, хатосини билиб қолади ва айб иш қилиб қўйгандай қаттиқ ўкинади. Бундай меҳр ва оқибат яна қайда бор? Афуски, бугунги кунда устозининг уйига тош отиб қочиб кетадиган шогирдлар ҳам йўқ эмас.



Миртемирнинг соддалигида буюклик бўлган. Дўрмонда Абдулла Орипов билан гурунглашиб ўтирганимизда, гап устозлар ҳақида кетиб, Миртемир домлага тақалганда Абдулла aka «Миртемир aka масаласида ўзимни кечиролмайдиган пайтларим бўлган» деб қолди. Мен «Абдулла aka, сизда бундай бўлмаган бўлса керак. Ё бирон жойда домлани хафа қилганмидингиз?» деб сўрадим. «Йўқ, – деди Абдулла aka. – Мен Миртемир акани ҳамиша яхши қўрганман. Ойбек, Шайхзода, Миртемир... Булар пуфлаб шиширилган, қўлда ясалган шоирлар эмас эди. Пуфлаб шиширилган шоирлар кўп эди, ҳалқ шоири, қаҳрамон эди баъзилари, бирорвга сўз беришмасди, минбарлар уларники, ҳайъатларнинг эгалари улар эди. Бу



“

Баъзида ўйлаб қоламан:  
Миртемирнинг устидан  
кулган ўша одамлардан  
нима қолди? Баъзиларидан  
битта сатр ҳам қолмади.  
Бир қоп хашак ҳам йўқ.

калондимоғлар Шайхзода, Миртемир каби шоирларни учинчи ё тўртинчи даражали қаламкашлар санаб оёқ учида кўрсатардилар, ўзларича даҳо эдилар. Шунинг учун Миртемир акалар нафаси ичида, дарди ичида, алам ва армон билан бу дунёдан ўтиб кетишиди. Лекин гап бошқа ёқда. Ўша замонларда нозу неъматларга тўлиқ катта-катта давралар бўларди. Давраларнинг тўрида коммунистик партияни шарафлаб, советни улуғлаб от чоптириб, байроқ кўтариб юрган ёзувчи-шоирлар ўтиради. Улар Миртемир домланинг устидан кулиб, мазах қилиб, обқочишиб, гумбурлаб қаҳқаҳ отганларини кўрганман. Менга алам қиладигани ўша пайтларда шартта ўрнимдан туриб, “Эй муттаҳамлар, сизлар ўзи Миртемир аканинг олдида кимсизлар, унинг тирноғига ҳам арзимайсизларку, унинг устидан кулишга нима ҳаққингиз бор?” деб исён кўтаролмаганман. Шунга ўзимни кечиролмайман» деган эди. Ҳа, Абдулла аканинг алами ўшанда ичида қолган.

Кейин улар Миртемир ҳақидаги гўзал шеърларга айланди. «Шу гапларимни айтсам



бўлмасмиди сиз тирик чоғда» каби. Ёки Абдулла аканинг кейинги йилларда ёзган бир шеъри ҳозир мен айтиётган гапларнинг давоми. Бу шеърда шоиримиз кўпчиган давраларда сохта шоирлар бир-бирларини сен Пушкинсан, бу эса Навоий, бу эса даҳодир, бу эса буюк деб бир-бирларини шардай пуфлаб мақтаб ётишганини ва ҳақиқий шоирларни йўқотиш пайида бўлганларини тасвирлайди ва шеърни шундай якунлайди:

Уч-турт шоир тўпланиб олиб,  
Бир-бирларин мақташар байрон:

– Мен Пушкинман, сен – Мирзо Голиб,  
У – Навоий, бу эса – Байрон.

Алаҳлашар битта ниятда:

Унисин от, бунисин емир.

То тонггача адабиётда

Тер тўқади ёлгиз Миртемир.

Баъзида ўйлаб қоламан: Миртемирнинг устидан кулган ўша одамлардан нима қолди? Баъзиларидан битта сатр ҳам қолмади. Бир қоп хашак ҳам йўқ. Тарих шамоли кўпларини супуриндидаид супуриб ташлади.

Миртемирнинг шундай сатрлари бор:  
Дарё эдим, замонларнинг зайди билан сой бўлганман,

Расо эдим, нодонларнинг майли билан ёй бўлганман.

Шу икки сатр ҳам Миртемир қайғусини намоён қилади. Замон шундай замон эди-ки, у айқириб оққан дарёни сойга, истаса кўлмакка айлантиришга, ҳатто катта денгизни ҳам қуритиб Саҳроий тузга айлантиришга қодир эди. Бундай замоннинг шотирлари – миллат хоинлари ўзларининг қўғирчоқбоз хўжалари билан биргалашиб ҳар қандай расони ёй, ҳар қандай тоғни тупроқ қила оларди.

Миртемир ҳам нечоғли катта истеъдод соҳиби бўлмасин, нима қилсинки, ўз даврининг таъсирига тушган вақтлари ҳам бўлган. Ленин, партиявийлик, Октябр инқилоби мавзулари уни-да гирдобига тортган. Шоирнинг 1926 йилда, 16 ёшида ёзган «Сўнгги хат» номли сочмасида шундай гаплар бор:

«Хатингизни олдим, бобожоним.

“Турма ўша томонларда. Согиндим. Кел, қўзичогим” дебсиз. Согиндингиз, биламан. Тоқатсизларча кутасиз, интизорлик билан кутасиз...

Биламан.

Менинг жойнамоз ёзиб, бандалик қилишимни кутасиз...

Сўнгги хат – сўнгги сўзим бу:

Мен қайтиб бормайман!.. Айтами, бобожон?.. Мен комсомол бўлдим. Ленин ўғли бўлдим».

Сочма бундан-да оғир гаплар билан давом этади. Бу хатда ўз-ўзи билан курашаётган икки Миртемирни кўрасиз. Бири бобожонининг соғинчини ич-ичдан ҳис этиб турган ёш Миртемир, иккинчиси замон мафкураси таъсирида қолган бебош Миртемир. Яна бир томонда набирасига меҳрини бериб турган бобожон ва бир томонда шу бобожондан набирасини тортиб олаётган қаттол тузум.

«Миртемир ҳам шунақа нарсаларни кўп ва хўп ёзган-ку» деб маломат қилишдан олдин авлодни аждодга қарши қайраган давр машинасининг куч-


қудратини, ёшлар онгига мислсиз таъсирини мулоҳаза қилиб кўриш керак. Бундай тантана либосига ўранган фожиани пионер, комсомол бўлиб кўрган авлод яхши ҳис қилади. Шафқатсиз замон не-не истеъдодларнинг танасини уларнинг ўз гўрига айлантиришга қодир эди. Лекин шундай вазиятда ҳам Миртемир аслини сақлаб қололди.


Хуршид Даврон бир суҳбатида Миртемирдан «Агарда» деб номланган шеърининг якуни ҳақида сўраганини айтганди. Шеърда «Агарда мен ўлсам, нимани олиб кетардим?» деган саволга шоир «Юртимнинг бир кафт тупроғини, Темур мақбарасидан бир гиштни, онамдан қолган болишни ва шу болиш остида туриши учун партбилетимни олиб кетардим» деб жавоб берган. Хуршид Даврон Миртемирдан шеър охирига «партбилет» сўзи ёпишмаганлиги ҳақида сўраганда, домла «Аслида “партбилет” эмас, “бир даста раён” деб ёзгандим, кейин ўзгарган» деб жавоб берган.

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,

Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим.

Миртемир домла умрининг сўнгги йилларида ёзган шу шеърида жуда кўп нарса-





## “

*У таржима соҳасида ҳам жуда  
маҳоратли эди. Ҳар қандай  
бошқа тил шоирини ўзбек тилида  
куйлатиб юборарди.*

ни англасак бўлади. Шу икки сатрда бутун бир ўзбек халқининг 70 йиллик дардини кўриш мумкин. Яъни, мустабид тузум даврида ўзбек халқи бошидан кечирган таҳлика ва талотумларни Миртемир ҳам бошидан кечирди. Наим Каримов «Миртемир aka кексайиб, умри охирлаб қолган чоғларда ҳам “Булар (КГБ назарда тутилаяпти) мени бир куни олиб кетиб қолишади” деб хавотирда яшарди» дерди.

У таржима соҳасида ҳам жуда маҳоратли эди. Ҳар қандай бошқа тил шоирини ўзбек тилида куйлатиб юборарди. Абдулла Орипов Миртемирнинг нафақат шеърларини, таржималарини ҳам жуда яхши кўрарди. Абдулла aka Пётр Ершовнинг «Букри тойчоқ» достонини Миртемир таржимасида ёддан айтганини кўрганман.

Бир куни машҳур шарқшунос Шоислом Шомуҳаммадов билан Миртемир домла ҳақида гаплашиб қолдим. Шоислом aka Умар Хайём рубоийларини таржима қилганда, дастлаб Faфур Fуломга кўрсатган экан. Устоз Faфур Fулом таржималар-

ни маъқуллаган. «Кейин дўстларимдан бири Миртемир акага ҳам бир кўрсатиб олинг деб маслаҳат берди, – деб эслаганди Шоислом aka ўшанда, – нашриётга, Миртемир аканинг олдига бордим ва Хайёмдан қилган таржималаримни кўриб беришларини сўрадим. Миртемир aka дарров уйига телефон қилди ва келинойимизга кечқурун меҳмон боришини, тайёргарлик қилиб қўйиши тайинлади. Сўнг кечроқ ишдан чиқиб, Миртемир аканинг уйига йўл олдик. Миртемир aka йўлда “Шоислом, энди Хайёмни шунчаки кўриб бўлмайди, хайёмона кўриш керак” деб дўконга кириб коняк олиб чиқди. Ошдан сўнг таржималарни бирга кўра бошладик. Мен шунда Миртемирнинг сўз билан ишлашига қойил қолганман. Ҳар бир сўз, ҳар бир сатр устида эринмай заргардай ишларди. Мен мукаммал деб ўйлаган кўплаб сатрларни чизиб, бутунлай ўзгартириб ташлаган».

Миртемир ҳақида «шеърнинг танти дехқони» деган ибора топиб айтилган. Ҳар бир шеърида Миртемир аканинг манглай терини, юрак қўрини, дардини сезса бўлади. Асл дехқон ҳам шундай-да. Миртемирнинг қизи Юлдуз Мансурова отасининг қўли билан ҳавога шеърлар ёзганини, баъзан ҳатто оёқда ҳам ҳавога нималарнидир ёзганини айтиб берганда, шоирининг фақат шеър билан яшаганини ҳис қилдим ва Шавкат Раҳмоннинг ўлим тўшагида ётганида «Шеърни ҳавога ҳам, деворларга ҳам ёзса бўлар экан» деган гапи эсимга тушди.

«Кўрмаганнинг кўргани қурсин» деганларида шуҳрат таъмасидаги баъзи шоиrlар тўртта шеърни ёзиб, кейин у халқидан эмас, гўё халқи ундан қарздордай кибрга берилиб, тўйган хўроздай қичқириб юрадилар. Шундай пайтларда бундай олғирларга хокисордонгдор Миртемир дарс бериб қўяди: «Бошимга синовли кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч тинма-

ганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астайдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтотганим йўқ. Мендан нон ва туз аямаган, ҳам шараф багишилаган халқимдан ҳали мен кўп қарздорман».

«Она тилим», «Бетоблигимда», «Саратонда соябонинг бўлайин», «Битта ўзим биламан» каби ўлмас шеъларни, ўзбек шеъриятида катта воқеа бўлган «Сурат»дай мумтоз достонни ёзиб-яратиб қўйган шоир тағин кун келиб, «Баъзан кўзларимда томчи-томчи ёш, Ҳануз шеър ёзишни билмайман» деса... У худонинг қандай бандаси эдики, ҳорғин руҳида шундай улуғлик ва шундай хокисорликни бирлаштиrolса...

\* \* \*

Кўпчилик Миртемирнинг отини атаганда «домла» сўзини қўшиб айтади. Бу бежиз эмас. Чунки Миртемир чин маънодаги миллат муаллимларидан бири эди.

Мен Миртемир домлани кўролмаганман. Учрашмаганман. Лекин менга шундай туюладики, у киши билан кўп учрашгандай, кўп кўришгандайман. Ҳар бир шеъридан Миртемир домла бизга қараб тургандай туюлаверади.

Бугунги ёш ижодкорлар Миртемирни ўқишадими? Бу савол ҳам мени қийнайди. Негалигини айтиб ўтирамай. Негалигини ёшларнинг ўзи билади. Фақат уларга Миртемирнинг бир



шеърини келтириб ўтай. Бу шеър уларга багишиланган, яъни ўзбек шеъриятига кириб келаётган ҳар бир янги авлод вакилларига багишиланган. Таъбир жоиз бўлса, бу шеърни ўзбекнинг янги авлодига Миртемир домланинг васияти деган бўлардим.

## КИПРИКЛАРИМ

(Ёш қаламкашларга атаганим)

Киприкларим қўнгирмикин ё қора?  
Киприкларим юзтамикин ёки минг?  
Киприкларим мунча азиз ва сара,  
Кўзгинамнинг киприклари...  
Қуюнларда қолганимда, чангга ўралганимда,  
Оҳангарон тўзонидан занжи қоралганимда,  
Ёки яхши тимсол излаб, чангдай таралганимда,  
Ёки бир шеър армонида юз бир кўралганимда,  
Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим,  
Тенгсиз тонглар фалсафасин ташна ютган кўзларим.  
Кўзларимга чегарада шай аскардай қўриқчи,  
Кўзларимга олис Бобур гуссасидай йўриқчи,  
Эй азиз киприкларим.  
Сергакликда тирикларнинг сиз-ку энг тириклари,  
Кипригимдай азизларим, нечоғлиқ ҳам суюксиз.  
Армонимдай буюксиз.

# Оғриқли ТОМОША

Сафарали ҚУРБОН,  
адабиётшунос

*Гапни спектакл интиҳосидаги ҳолатдан бошласак, беадабликка йүй-массиз. Мени ҳаяжонга солған ўринлардан бири спектакл тугаганидан кейинги ҳолат бўлди. Одатдаги дек ижодкорларни таништириш, гул билан тақдирлаш маросимлари бўлди. Бу жараённи томошабинлар тинимсиз қарсаклар билан олқишилаб турди. Спектакл ижодкорлари қайта-қайта саҳна четига келиб, таъзим қилишса ҳам қарсаклар тинмади. Спектакл якунига етар-етмас томошабинларнинг ташқарига ошиқишига кўнишиб қолган театр ижодкорлари бунчалик олқишини «ҳазм қилолмасдан» сенин-аста ўзлари чиқиб кета бошлиди.*

*Шу ўринда ҳақли савол тугилади: «Ишлагандай бўлаильик» томошабинларга нега бунчалик манзур бўлди?*

*Бу ҳақида кейинроқ гаплашамиз, ҳозир эса...*



ланжиiddий мавзуда «мулоқот» қилиш учун режиссёрга фарс жанри энг мақбул вариант бўлиб кўринган. Чунки, истаймизми-йўқми, ҳозирги томошабин дидини «Дизайн-Браво-Миллион», ютуб ва тик-такдаги қисқа ҳикоялар, саҳна кўринишлари ўзгартириб бўлди, энди у билан жиiddий мавзуда жиiddий комедия воситасида мулоқот қилиш қишин. Томошабин юқорида саналганлар таъсирида шаклланган кутувлари билан театрга кириб келади: «Қани, шубир ярим соат давомида мени нима деб кулдирар экансиз? Мени завқлантиринг, мени кулдиринг!».

Машхура Шералиева,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори

## АНТРАКТ

Эркин Аъзамнинг «Фаррош кампирнинг туши» пьесаси режиссёр Олимжон Салимов томонидан фарс жанрида талқин қилинибди («Ишлагандек бўлаильик» ёки «Снос»). Назаримда, ҳозирги томошабин би-

**К**изиқ ҳолат! Драматургия адабиёти-мизга кириб келганига ҳам бир асрдан ошди, лекин ҳамон бизга сингишмаяпты чоғи... Мана дейдиган, дунё билан бўйлашадиган, миллийликдан умуминсонийликка кўтарила олган драматик асарларимиз камёб... Ё бизниkilар рол ўйнашни хоҳламайди, ё рол ўйнаш учун саҳна шарт эмас деб ўйлашади...

Жўн комедия кўравериб миясида «трагедия» содир бўлган томошаталабнинг эҳтиёжини қондириш билан шуғулланаётган театрларимиз «оломонни халқа айлантириш»дек улкан қудратга эга эканлигини ҳам унутмасликлари керак!

Зоро, спектаклни бевосита театрда кузатиш, актёрларнинг нафасигача ҳис этиш хилватда китоб ўқишдан кескин фарқ қиласди. Сиз китоб қатларидаги тасвирларда ўз ҳисларингиз тажассумини кўриб, улар билан ёлғиз қолсангиз, томошада ўзингизга ҳамфир ва ҳамроз инсонларни топасиз. Таассуротларингиз ўзингиз мансуб бўлган халқнинг улкан билимларига тулашиб ке-таётганини ҳис этасиз. Шундай лаҳзаларда

фақат онг ва шуурда эмас, балки қон ва суяқда ҳам ёрқин хотиралар яшаб келганини, ўша хотираларда минг асрлик асл қадриятлар акс этишини англайсиз.

Катта гуруҳга бирлашган жонзотлар узоқ ва машақкатли йўлда адашмасдан юриб, ҳали ўзлари кўрмаган манзилга етиб бориши, ўша ерда аждодларининг маконини топа олиши жамоавий фикрлаш нақадар муҳимлигининг яна бир исботидир. Халқ вакилларининг ўй-кечинмалари юксалиши, энг муҳими, ўзаро уйғунлиқда ривожланиши, бошқача айтганда, хаосдан космосга эврилиши учун юксак савиядаги саҳна асарлари кўп ва хўб бўлиши зарур.



*Спектаклни бевосита театрда кузатиш,  
актёрларнинг нафасигача ҳис этиш  
хилватда китоб ўқишдан кескин фарқ  
қиласди.*





## АНТРАКТ

Ёқмаса ҳам айтай: ўзим бир кунда неча бор Раҳбар Раҳбарович қиёфасига киарканман, худо билади. Ўзи, умуман, бундай қиёфага кирмай ҳам раҳбар бўлиш мумкинми? Тобеин борки, бари раҳбаридан нолиб юриши ҳам шундан эмасмикан? «Шу опамга шу поччам» дегандай тобеин қургур ҳам фаришта эмасда. Муовин бува, Ҳисобчихон, Бўлим бошлиги, ҳатто шугина фаррошининг ҳам муддаоси – тама, ош бўлса-ю иш бўлмас! Кўраяпсизми, мана шундай тафаккур, ҳаёт тарзи бизни асрлар мобайнинда тарк этгани йўқ. Миллат, ҳалқ ўлароқ заволимиз қаердалигини ҳис қиласяпсизми? Биз қачон курсоқ гамидан баландроқ кўтариламиз, тафаккуримиз ошқозондан тепароққа қачон юксалади? Нафсимиз ором, қарор топадиган кун борми ўзи? Дарвоке, қарор дегандай бу спектакл номининг «Снос» деган думи ҳам бор экан. Яъни, воқеага кўра «бошига „кулфат“ тушган бекорчихона» бир манзилдан иккинчи манзилга кўчирилмоқчи. Буни зоҳиран азим шаҳримиз ахолиси-ю корхонаси турли-туман баҳоналар билан «снос»га тушиб, кўчиб юришининг бадиий ифодаси дессангиз ҳам бўлади. Инчунин, асар муаллифи бош бўлган маҷалланинг бошидан бу «кулфат» қарийб ўттиз йилдан бери аримайди. Лекин мен бундаги «снос» – бекарорлик, беоромликни нафсимизда, дунёқарашимизда деб била-ман. Бундан юз йил аввал жадид боболаримиз кун тартибига қўйган масала ҳамон дол зарблигини йўқотгани йўқ.

Аллома Фитрат ёзади: «Кимки ўз инсонлик даражасини асл ҳолатидан тарақкий қилдирса, бу унинг инсонийлик оламига киришидир. Ҳакимлар уни инсон атаганлар».

Менда «Фаррош кампирнинг туши» пъесаси, у асосида яратилган «Ишлагандай бўлайлик...» спектакли бизнинг одам деган биологик турдан инсон деган илоҳий-руҳий хилқатга кўчиб ўтишимиз кераклиги ҳақидаги асар сифатида таассурот қолдириду.

**Икром Чориев,  
«Махалла» телерадиоканали  
директори**

Спектаклда бугунги кунимизга хос бўлган кўп иплатлар – бутун кадрлар тизимини ҳал қиласидиган «акахонлар», курсисини ҳимоя қилишдан бошқа нарсани ўйламайдиган раҳбарлар, танишибилишчилик орқали ишга жойлаштирилган котибалар, лавозим йўриқномасида белгиланган вазифаларидан бошқа ҳар қандай иш билан машғул бўладиган ходимлар, хориж сериаллари билан яшаётган аёллар, шоубизнес оламига маҳлиёхонимлар, на иш, на ишхонаси тақдирини ўйлайдиган бир гала бефарқлар ҳақида жиддий гаплар айтилган.

Спектаклнинг ош билан боғлиқ саҳнаси ҳам одамни ўйга толдиради. Пъесага эътибор берадиган бўлсак, у икки



*Биз қачон курсоқ  
ғамидан баландроқ  
кўтариламиз,  
тафаккуримиз  
ошқозондан  
тепароққа қачон  
юксалади?*



кинчи қисм «Ошдан сўнг» тарзида. Мана шунинг ўзиёқ бекорчихона вакилларининг буду нобудини кўрсатиб берган.

Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг бот-бот такрорланадиган «Агар ўзбеклар бошқа ишларга ҳам ошга келгандек бирлашиб йифилгандарида эди, бундан қудратли миллат бўлмас эди» тарзидаги аламли иқори «Ишлагандай бўлайлик» жамоасига жуда мос тушади. Бирор-бир масалада якдил фикрга келмайдиган, арзимаган нарса учун бир-бирини еб битиришга тайёр турганлар ош масаласи юзага чиқиши билан тезда бирлашади. Спектаклда ош саҳнасиға алоҳида ургу берилиб, ош нафснинг тимсоли ўлароқ талқин этилган. «Ишлагандай бўлайлик» жамоасининг ҳеч бирида ҳафсала йўқ. Бўлим бошлиғи билан бош мутахассис шахмат ўйнаш билан, аёллар турк сериалларини муҳокама қилиш билан, Ҳисобчихон солик идорасига ҳужжатларни топшириш баҳонасида хазмат машинасидан фойдаланиб қариндошлариникига қатнаш билан, Раҳбар Раҳбаровичнинг ҳайдовчиси эса диванда думалаб ухлаш билан овора. Буларнинг ҳеч бирини на ўзларининг, на ишхонасининг тақдиди қизиқтиради. Бутун бошли идора кўчиб кетаяпти, лекин унинг нега ва қаерга кўчаётганини «фактчекинг» қилишга ҳеч бирида ҳафсала йўқ. Бутун

## “

*Буларнинг барига мустақил фикр билдириш қўниқмасининг йўқлиги сабаб.*

бошли жамоа нима сабабдан бундай ҳолга тушиб қолди?!

Буларнинг барига мустақил фикр билдириш қўниқмасининг йўқлиги сабаб. Таълимдаги соҳтагарчилик, ура-урачилик, баландпарвоз, бироқ туви пуч шиорларни оммалаштиришга уриниш орқали одамларни фикрлашдан узоқ, қорин ғамидан бошқа нарсани ўйламайдиган, ҳашамга ўч оломонга айлантирдик. Оломонни эса фақат шакл қизиқтиради.

Спектаклнинг бир ўрнида ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам креслосидан айрилгани учун ўзига келолмаётган аламзада Муовин бува (Ўзбекистон халқ артисти Элёр Носиров маромига етказиб ўйнаган) билан гапнинг рашишини яхши англамайдиган Раҳбар Раҳбарович ўртасида қисқа сухбат бўлиб ўтади.

Муовин бува:

— «Кулли ёвмин – баттар» дебмишлар машойихлар. Бугунгисидан баттар бўлса бўладики, беҳтар бўлмайди ҳеч.

Раҳбар Раҳбарович:

— Йўғ-эй! Келажак, ёруғ келажагимиз... Наҳотки...

Муовин бува:

— Манови газетнинг гапларини қўйиб туринг-да сиз!..

Суҳбатдан англашилаяптики, узоқ йиллар давомида биз ҳаёт ҳақиқатларига эмас, тасаввуримиз сарҳадларига таяниб қарорлар қабул қилдик, ўзимиз ҳам ишонишимиз маҳол бўлган баландпарвоз гапларга халқни ишонтироқчи бўлдик. Натижада эса ишлашни эмас, «ишлагандай бўлиш»ни муҳим деб биладиган тоифалар пайдо бўлди.

Спектакл ижодкорларини ҳам ўйлантирган нарса мана шу бўлса керак. Қаҳрамонларнинг деярли барчаси бир хил кулранг костюмда юради. Бу ранг жуда

ғалати табиатга эга. Оқ рангнинг олдида қора бўлиб, қораларнинг олдида эса оқ бўлиб кўринади. Мустақил ҳолда таассурот қолдириши қийин. Кулранг култепанинг, ишхонасига қўшилиб ичи, қалби, орзуистаклари ҳам култепага айланиб бораётган бир жамоа қиёфасининг тимсоли...

## АНТРАКТ

Юқорида спектаклда нега фарс жанридан фойдаланилгани ҳақида мулоҳаза қилдик. Пъесанинг жiddий мавзуси эса абсурд воқелик ичида қамалиб қолган (ёки ўзини ўзи қамаб яшаётган) одамларнинг ҳаётидан иборат. Муаллиф нега бу ишхона шундайлигининг ташқи сабабларига ишора билан чекланади (масалан, Акахон образи), асосан нега бу одамлар шундай ҳаёт кечираётгани ҳақида ўйлаб кўришга қодир эмаслигига диққатимизни тортади. Факат бир ўриндагина Боз мутахассис ўзи ишлаётган ишхонанинг асл моҳияти ҳақида мулоҳаза юри-





“

Бирор масалани мустақил ҳал  
қила олмайди, лекин ўзининг  
журъатсизлигини тан олиб  
майдонни ҳам бўшатмайди.

тиб қолади, лекин унинг фикрий фаоллиги ҳам шу жойда тўхтайди – ишхонани ислоҳ қилиш ёки ўзига муносиб бошқа иш қидириши босқичига ўтмайди. Зотан, барча ходимлар сингари у ҳам ишлагандек бўлиб кўрингани учун маош олишга ўрганиб қолган.

**Машхура Шералиева,  
филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори**

Энг даҳшатли томони, идорада бир гала раҳбарлар, уларнинг муовинлари, ходимлар, уларга бириктирилган хизмат машинаси, хуллас, бир дунё одам «ишлайди». Улар ҳар куни эрталаб шошиб ишга келади. Куни бўйи ғимирлаб, нималардир билан машғул бўлади. Гўё уларсиз бутун жамият ҳаёти тўхтаб қоладигандек ўзларини муҳим ҳисоблайди. Лекин бутун бошли ташкилот нима билан шугууланашини билмайсиз! Ўзлари ҳам яхши билмайдигандек таассурот уйғотади.

Раҳбарнинг олдига деярли барча ходимлар киради. Турли майда-чуйда гаплар: тўشاқда ётиб қўшиқ айтадиган Дурдана Фаёзнинг малайзиялик учинчи эридан тортиб турк сериалларигача муҳокама қилишади, лекин бирортаси иш билан боғлиқ, хизмат вазифасига алоқадор масала ҳақида гапирмайди...

Айниқса спектаклнинг қўғирчоқлар (манекенлар) билан боғлиқ саҳнаси жуда оғрикли. Бирор ходим ўзининг шахсий юмуши билан ишхонадан кетмоқчи бўлса, ўрнига манекен қўйиб кетади. Ҳатто корхона директори Раҳбар Раҳбаровичнинг

ҳам ўзига ўхшаган манекени бор. Креслода ўзи ўтиргани билан ўрнига қўғирчоқни қўйиб кетгани ўртасида деярли фарқ йўқ. Ходим ишхонада ўтиргани билан бирор вазифа бажармайди. Ҳамма гап шунда – онгсиз манекенлардан фарқимиз қолмаяпти! Уялмасдан, bemalol ўрни мизга манекенни ўтиргизиб кетсан ҳеч ким сезмайди. Ҳамкасбимизнинг ишига лоқайдлиги, қўл учида ишлаётганини кўрсан ҳам кўрмаганга оламиз, чунки ўзимиз ҳам ишимизга у қадар масъулият билан ёндашмай қўйганмиз.

Раҳбар Раҳбарович образи ҳам зўр гавдалантирилган. Ҳаддан зиёд жонсарак, шу билан бирга, креслосига ва Акахонига садоқатли. Бирор масалани мустақил ҳал қила олмайди, лекин ўзининг журъатсизлигини тан олиб майдонни ҳам бўшатмайди. Мудом тепадан келадиган топшириқни кутиб, жамоанинг умрини совуради.

Саҳнанинг бир бурчагида А ва Э ҳарофлари битилган хоналар бор. Ҳар иккисига ҳам «Не работает» деб ёзилган қофоз ёпиширилган. Лекин ҳар икки хонадан ҳам тинимсиз шовуллаган овоз эшитилиб турди. Демак, ҳар иккисидан ҳам увол бўлиб сув оқиб ётибди. Биз негадир жамоат манфаатлари билан ҳисоблашмай қўйганмиз. Бу ҳолатни кўплаб жамоат жойларида учратишимиз мумкин. Арзимасдек кўринган бу ҳолат жамиятнинг инсонга бўлган муносабатини кўрсатади аслида. Жамоат мулки деганда bemalol, хоҳлагандай форат қилиш мумкин бўлган, эгасиз нарсани тушунадиган бўлиб қолдик. Бир ўринда Акахон

Раҳбар Раҳбаровиҷга шундай маслаҳат беради: «Рўйхатнинг бошида албатта шахсий масалалар турсин. Давлат ишлари ўз-ўзидан бўлаверади». Акахон тилидан айтилган бу фикр қанчалик аччиқ бўлмасин, биздаги умумий манзарага бегона эмас...



## АНТРАКТ

Режиссер Олимжон Салимов спектаклнинг номига «снос» деган сўзни ҳам қўшиб қўйган. Агар пъеса муаллифи – Эркин Аъзам кўч-кўчлардан чарчагани сабабли шу асарни ёзган бўлса, Олимжон Салимов унга «снос» сўзини қўшиши билан яна бир бошика маъно багишлайди. Яъни, энди асарнинг моҳияти бир қадар ўзгарамади. Натижада фақат кўчишлардан чарчаган одамнинг дийдиёлари эмас, жамиятимиздаги эскирган, фойдасиз бўлиб қотиб қолган барча нарсани таг-туғи билан йўқ қилиш шарт деган маъно пайдо бўлади. Режиссер айнан шу фикрни асарида таъкидлайди, уқтиради. Икки ижодкор – ҳам адаб, ҳам режиссер фаррош аёлни асарда ягона ишлайдиган, ишлагандা ҳам айнан фаррош бўлиб, барчажойни саранжом-саришта қиладиган образ сифатида кўради. Уларнинг умиди ана шундай покиза инсонлардан.

**Гулмира Мусажонова,  
Ўзбекистонда хизмат  
курсатган маданият ходими**

102

МАЛНВАЙИ ҲҮЁТ №1, 2024

Гулмира Мусажонова айтганидек, асардаги ягона тоза одам, ягона ишлайдиган одам Кумри хола (Фаррош кампир) эканига ишонгингиз келади. Бутун бошли ташкилотда фақат шу кампиргини ишлайдигандай кўринади. Лекин унинг

ҳаракатларида ҳам тاما сезилиб туради. Раҳбарларни кўрганда ўзини ишлайдигандай кўрсатишига уринади. Бу жуда ёмон аломат. Одам ёши ўтгани сари оқу қорани қўравериб, бир оз тийилиши керак. Қумри холанинг эса янада «тажрибаси ошган». Носоғлом муҳит ҳеч кимни омон қўймайди.

Қумри хола ҳам муҳитнинг қурбони. Раҳбар Раҳбаровиҷни кўрганда «Сиз келдингизу, худога шукур, бу ордона идорага сон кирди, файзу барака кирди. Мартабангиз бундан-да зиёда бўлсин!..» дейя ялтоқланади. Эски раҳбари Муовин бувани учратганда ҳам ўзини тийиб туролмайди: «Сизнинг даврларингиз қандоқ эди-я, Муовин бувади! Ҳаммаёқда файзу барака!».

«Лолазор»да бир яхши гап бор: «Ҳар қандай раҳбар курсига ўтирганда яхши ният билан иш бошлайди». Ростан ҳам Раҳбар Раҳбаровиҷларни ўзимиз ясаймиз. Ўзида йўқ сифатларни тиркамиз, кароматли шахс эканига уни ҳам, ўзимизни ҳам ишонтиришга ҳаракат қиласиз! Кейин эса ўзимиз ясаган тандирни санъат асари сифатида таърифлай бошлаймиз...



“

## АНТРАКТ

Спектаклда кўплаб ишора, рамзлар борки, фикрловчи томошабин учун уларни англаш у қадар қийин эмас. Умуман, спектаклдаги тагмаънолар сизни доимий равишда ўйлашга, мушоҳада юритишга мажбур қилаверади. Айтилган ҳар бир сўз, ишора, декорация, кийимларнинг шакли, ранги, актёрларнинг ҳолати...

Хуллас, бугун фақат буюртма асосида ишлаётган киномиздан кўра ҳақиқатнинг кўзига тик боқишдан чўчимаётган, кўрқмаётган театр санъатимиздан кўнглимиз тўйкроқ. «Ишлагандай бўлайлик» («Снос») асари ишлаётгандек бўлишдан, ижод қилаётгандек бўлишдан, ўқиётгандек бўлишдан, яшаётгандек бўлишдан чарчаган, ундаи бўлишини ортиқ истамаётган одамларнинг фарёди. Исёни. Уларнинг овози ёлгизланиб қолмаслигига ишонаман.

**Гулмира Мусажонова,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими**

Ҳар биримизнинг ичимиизда  
мудраб ётган жадид  
уйғонаяпти.


**Ю**корида спектаклни томошабинлар катта хурсандчилик билан кутиб олгани ҳақида айтгандик. Бунинг асосий сабаби – асарда бугунимизнинг умумий оғриқлари бор. Ҳаёт тарзимиз, тутумларимиз, ишга, жамиятга ва умуман инсонларга бўлган қарашларимиздаги, салбий бўлишига қарамасдан, одатга айланиб бораётган кўнилмаларимиз кичик корхона мисолида кўрсатиб берилган. Дунёга очила борганимиз сари мана шу оғриқларимиз бўртиброқ кўрина бошлади. Ичимиизда мана шу муаммоларга нисбатан нимжонроқ бўлса ҳам иммунитет пайдо бўла бошлади. Ҳар биримизнинг ичимиизда мудраб ётган жадид уйғонаяпти. Асар якунидан кейинги ҳолат ҳақида менда пайдо бўлган некбин хулоса мана шу.

**Расмчи: Баҳодир ЭРГАШОВ**



# НОБЕЛ

ҚҮМИТАСИДАН  
ХАТ  
ОЛГАН  
ЎЗБЕК  
ОЛИМИ



Ўшанда тугилган куним эди. Почтадан хат келди. Ичида Пиер Огюст Ренуар қаламига мансуб сурат бор экан. Унда меҳр билан пианино чалаётган қиз тасвирланган. Орқасини ўғирсам, хат отамдан. Энтикиб, хурсанд бўлиб ўқий бошладим. Отам «Тошкентга қайтишим билан оқ тугилган кунингни оиласви нишонлаймиз, суратдаги қиз каби пианино чалишини қунт билан ўрганишинг керак» деб ёзганди. Ишонасизми, «Сени ўпид қолувчи отанг. Париж, 1963 йил 26 январ» деб туттилган суратли хат кўнглимни тогдай юксалтириди... Бу хатни ҳануз шахсий буюмларим орасида сақлаиман. Шу кунгача миллион марта ўқиган бўлсам керак...

Олимнинг қизи  
Феруза ФУЛОМОВАning хотираларини  
Гулжаҳон НАМОЗОВА оқча кўчирди.

## «АБДУЛАЗИЗ»НИНГ «ЁЛҚИН»ГА АЙЛАНИШИ

Инсон хотираси жуда ҳайратланарли. Атрофдан келаётган сон-саноқсиз сигналлар мия ҳужайраларида из қолдиради, хотирада сақланади ва энг муҳим лаҳзаларда тирилади. Тўғриси, ҳамма ҳодисалар ҳам эсга тушавермайди: баъзилари иззиз ўчиб кетса, бошқалари абадий яшайди. Абадиятга муҳрланган хотиралар ҳар эслангандага ҳисларингизга, кези келса ҳаётингизга таъсир қиласи. Адоқсиз соғинч исканжага олганда отам Ёлқин Тўрақулов ҳақидаги хотираларим қайта ва қайта жонланади, кино тасмасидай кўз ўнгимдан ўтади. Яхшиям хотиралар бор, яхшиям улар севимили инсонларимизни ёдга солиб туради.

Гапни отамнинг болалигидан бошласам. Отамнинг асл исми Абдулазиз бўлган. Аланга, машъал маъноларини англатувчи Ёлқин исмини кейин устози қўйган. Отам ўз хотираларида бу ҳақда шундай ёзган: «Ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган устозим, «Қопчиғай» достони муаллифи шоир Рафиқ Мўминов шеъриятга меҳрим бўлаккалигини кўриб, мени Ёлқин деб атай бошлаган. Бошқа ўқувчиларга ҳам ноодатий — Учқун, Аланга исмларини берган. Улар бу исмларни сақлаб қолганмийўқми билмайман, лекин мени ҳамма шу исм билан танирди, чақирапди. Кўпгина шеърларим ва мақолаларим матбуотда шу тахаллус билан босилди».


Отамнинг болалиги Қозоғистоннинг Меркесида ўтган. Мерке — бугунги Қозоғистон жанубидаги Тяншан тоғолди худудида жойлашган, анча машҳур тарихий шаҳар. У ердан бир пайтлар Буюк ипак йўли ўтган ва XX аср бошларида ҳам бу жойлар савдо йўлининг чорраҳаси бўлган. Меркеда гавжум бозор бўлиб, узоқузоқлардан савдогару харидорлар оқиб келган. Отамнинг буваси мулла Тўрақул



*Отамнинг асл исми Абдулазиз бўлган. Аланга, машъал маъноларини англатувчи Ёлқин исмини кейин устози қўйган.*

ишбилармон бўлгани боис муқим яшаш учун оиласи билан Тошкентдан кўчиб борган. Замонасининг маърифатли кишиси, диний ва дунёвий билимлар соҳиби бўлган. Тўрақул бувам фарзандларининг илм олишига алоҳида эътибор қаратади. У кишининг тўнғичи, бобом Холмуҳаммад Тўрақулий (Холмат домла номи билан машҳур бўлган) замонасининг ниҳоятда маърифатли кишиларидан бири бўлиб, ахлоқ-одоб бобида унинг олдига тушадигани бўлмаган дейишади. Қариндошур угларнинг хотирлашича, Холмат домланинг каттагина уйи бўлиб, ичи тўла китоб экан. Ҳолбуки, кимнинг уйидан араб имлосидаги китоб чиқса қатағон қилинган замонлар...

Шоҳидларнинг ҳикоя қилишларича, одамлар жазодан қўрқиб, уйларида сақланаётган қўлёзма асарлар, бебаҳо китобларни ариқларга оқизиб юборишган. Ўша кезлар Тошкентни иккига бўлиб оқадиган Анҳорда китоб саҳифалари оқиб кетаётган манзарани тез-тез учратиш мумкин экан. Холмат домла ҳам араб имло-





&lt;&lt;

*Мени ҳаваслантирган ўша талабалар орасида амаким, бўлажак ёзувчи ва таржимон Маннон Ройик, шоир Уйғун, драматург Умаржон Исмоилов ҳам бор эди. Айнан уларнинг сұхбатидан кейин Тошкентга кетишга қаттиқ аҳд қилганман.*

сидаги қўлёзма китобларни ҳалокатдан асраб қолиш мақсадида бир қисмини қабристондаги эски қудуққа беркитиб, энг нодир китобларни ҳовлига тўплаб, девор кўринишида тахлаган ва ғишт териб устидан суваб ташлаган. Бу бебаҳо китобларнинг тақдири кейинчалик нима бўлгани менга қоронғи.

Холмуҳаммад Тўрақулий қаламига мансуб мақолалар XX асрнинг бошларида нашр қилинган «Садои Туркистон» газетаси, «ал-Ислоҳ», «Ислоҳот» журнали саҳифаларида сақланиб қолган.

Академик Ёлқин Тўрақулов китобга, илмга, адабиётга меҳрли домла Холмуҳаммад Тўрақулий оиласида туғилиб катта бўлди. Отам болалик хотираларини эслар экан, олти ёшидан амакилари Абдуқаюм ва Абдумалик уни физика ва математиканинг сирли дунёсига олиб кирганини бот-бот такрорларди: «Қиздирилганда жисмлар-

нинг кенгайишини амаким тажриба қилиб кўрсатган. Жуда кичик эмасманми, тажрибалар менга ҳайратланарли туюлган. Масалан, колбага сув тўлдириб, оловга қўйган. Сув кўпая бошлаган ва ҳатто тошиб ҳам кетган». Отамнинг болалиги ҳақидаги шу каби ҳикояларни эшитар эканман, уни мана шу қизиқарли тажрибалар илм оламига олиб кирганига амин бўламан. Отам туғма олим эди. Билим олишга шу қадар чанқоқ бўлганки, у кишининг хотира дафтаридаги қуидаги битикларда бу сезилади:

«Меркедаги ҳаёт жонли, қизиқарли ва муҳим воқеаларга тўла бўлса-да, трамвайу кутубхоналар, театр ва турли билим юртларига бой Тошкенти азимда ўқиш иштиёқи менга тинчлик бермасди. Балки Тошкентда таҳсил олаётган танишлар, қариндош талабаларнинг ҳар таътилда келганда айтадиган ҳикояларини эшитиб ё бўлмаса уларнинг кийиниш, муомала маданиятини кўриб, азбаройи уларга ўхшашни истаганимдан шу фикрга келгандирман... Мени ҳаваслантирган ўша талабалар орасида амаким, бўлажак ёзувчи ва таржимон Маннон Ройик, шоир Уйғун, драматург Умаржон Исмоилов ҳам бор эди. Айнан уларнинг сұхбатидан кейин Тошкентга кетишга қаттиқ аҳд қилганман. Ота-онамнинг қаршилигига қарамай, тўқиз ёшимда биринчи марта поездга ўтириб орзуларимда яшаётган шаҳарга келдим. Амакимнинг саъй-ҳаракати билан Карл Либкнехтномидаги мактабда ўқий бошладим».



## МИКРОНИНГ МАКРО ШИЖОАТИ

Отам ўғилларидан кўра мени кўпроқ яхши кўрарди. Икковимиз бир-бirimизни яхши тушунардик. Онам укаларимга сұянарди. Мен эса отамга ўхшашга ҳаракат қиласадим. У кишидай тиришқоқ, меҳнаткаш, илмли бўлишга интилардим. Отам ўн тўрт ёшида Ўрта Осиё тиббиёт институтининг тайёрлов курсига қабул қилинганини кўп айтарди. Аслида муҳандис бўлишни орзу қилган экан. Лекин иқтидорли ўсмирларни ўқишга жалб қилишга келганлар отамнинг илмга чанқоқлигини кўриб, тиббиёт институтидаги ҳам муҳандислик бўлими бор деб ишонтирган. Табиийки, отам тайёрлов курсида ўқишга розилик бериб юборади. Аммо иқтисодий жиҳатдан жуда қийналган. Тахтапулдан Хадрагача пиёда келиб, шу ерда трамвайга ўтириб, институтга қатнаган. Ҳатто ялангоёқ қатнаган бўлса-да, ўқишга иштиёқи сўнмаган. Курсдаги энг ёши кичик, тиришқоқ ва билимли талаба бўлганидан бошқалар у кишини ҳазиллашиб Микро деб чақирапкан. Ўқишга ялангоёқ қатнаётганини кўрган кимё кафедрасининг мудири Саттор Жаббор (Ёлқин Тўрақуловга илк тажрибаларни мустақил ўтказишни ўргатган ва немис тилига меҳр уйғотган) ва олмон олимни Энгланд (рус тилини яхши билган отам олимнинг маъruzаларини талабаларга ўзбек тилига таржима қилиб турган) бир куни дўкондан оёқкийим ва костюм олиб беради.

Отам институтни тугатиб, шу ерда кимё, органик кимё ва биокимёдан дарс ўта бошлайди. Айни вақтда чет тили институтидаги немис тили факултетида сиртдан ўқииди. Хуллас, тиришқоқ Микро йигирма икки ёшида, яъни 1939 йили фармацевтика институти ректори этиб тайинланади.



Отам бир вақтнинг ўзида бир нечта ишни бажара оладиган кучли инсон эди. Баъзида унинг бу шижоати, ҳаракатига қойил қолардим. Атрофдагилар ҳам қандай қилиб шунча ишга улгуриш мумкин деб ҳайрон бўлишарди. Отам вақтини доим тўғри тақсимлар, ўзига жуда талабчан эди. Соатлаб гаплашиб ўтиришлар, байрамларни у қадар хушламас, буларнинг ҳаммасини вақтни ҳавога совуриш деб ҳисобларди. Ишдан доим бир вақтда қайтиб, бир вақтда овқатланиб, вақтида ухлаб, вақтида турарди. Бир умр овқатланишга қаттиқ эътибор қаратди — ҳамма нарсанинг меъёрида ва сифатли бўлишини истар ва бошқалардан ҳам шуни талаб қиласади. Ҳатто «бетоб бўлишга-да рухсат йўқ, замонасанинг зиёли кишиси албатта соғлом бўлиши керак» дерди ҳар доим. Отам ўзини руҳан ва жисмонан жуда қаттиқ тарбия қилган эди.

## ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР

Отамнинг эслашича, уруш бошланган куни учувчи ўртоғи Темир аканинг уйида меҳмонда бўлган. Трамвайда уйга қайтар экан, радиодан уrush бошлангани ҳақидаги эълонни эшитади. Ўша куниёқ ҳамма қатори урушга чақирув қофози олади. Фақат тайёр диссертациясини ҳимоя қилиб олиш учун уч кунга рухсат сўрайди.

Диссертация ҳимоясидан сўнг урушга отланади. Жанглардан бирида қаттиқ яраланади ва ҳарбий касалхонага жўнатилади. Тузалиб чиққач, фронтда шифокор бўлиб ишлай бошлайди. Ўша кунларни эслар экан, бош қашишга вақти бўлмагани, кунлаб ухламасдан ишлагани ҳақида айтарди. Тиббий ёрдамга, зудлик билан жарроҳлик амалиёти ўтказишга муҳтож аскарлар... Ўзимча у кунларни тасаввур қилардим. Отам ўша машъум кунларни кино тасмасидай бир ипга тизиб гапириб берарди. 1943 йили бир манзилда ишини битириб, барча керакли анжомларни машинага юклаб, йўлга отланаётганда мина портлаб кетади. Қаттиқ жароҳат олган отам мўъжиза туфайли тирик қолади.

Уrush йиллари отам Ҳамид амаким билан хат ёзишиб турган. 1944 йилнинг апрелида Пензадан укасига даволанишни Тошкентда давом эттириш мақсадида ҳоспиталнинг қайдномаси бириктирилган хатни йўллайди. Телеграмма етиб келмайди, уйдагилар хавотирга тушади. Бобом акасидан хабар олиб келишга ама-



*Ўша куниёқ ҳамма қатори урушга чақирув қофози олади. Фақат тайёр диссертациясини ҳимоя қилиб олиш учун уч кунга рухсат сўрайди.*

>>

кимни Пензага юбориш тадоригини кўра бошлайди. Бу орада отам поездда уйга қайтади. Йўл-йўлакай отам йўлдошлирига уrushга кетгунига қадар фармацевтика институтида ректор бўлиб ишлагани, диссертация ёқлагани, кутиб олгани қариндошлари, жўралари, яқинлари, талабалари чиқишини тўлқинланиб гапириб беради. Ҳеч ким отамга ишонмайди. «Эсиз-а, ректор пайтим ходимлар билан тушган суратимни олмабман, кўрсатардим-да» деб астойдил пушаймон бўлади. «Ха, майли, етиб олайлик, кўзлари билан кўриб албатта ишонишади» деб ўзига ўзи тасалли беради.

Бу воқеанинг энг кулгили жойи шуки, поезд манзилга етиб келиб, отам қўлтиқтаёқда перонга тушса, уни кутиб олгани ҳеч ким чиқмаган экан. Табиийки, бу ҳолни қўриб поездда бирга келган ҳамроҳларининг ҳафсаласи пир бўлган. Вокзалда ёлғиз ўзи қолиб кетган отам қаёққа боришини билмай, ўйлаб-ўйлаб, шу яқинда яшайдиган курсдошининг уйига боради. Курсдоши ва унинг ота-онаси яхши кутиб олади. Бир кеча ўша ерда тунаб қолади.

Эртаси куни Ҳамид амаким отамни олиб кетади. Ҳарбий касалхонада даволаниб тузалиб чиққач, фармацевтика институтига яна ректор этиб тайинланади.



## МЕХР-ОҚИБАТНИНГ ОҚИБАТИ

Отамнинг бекор ўтирганини эслолмайман. Иши кўплигидан ҳатто нонуштаниям тезгина еб, ишга жўнарди. Эсимда, бир куни онам тонгсаҳардан туриб сомса пиширса, отам бир донасинигина еган. Онамнинг хуноби чиқиб, ортидан «Хой, яна икки-учта еб кетинг» деганча қолаверган. Хуллас, академик Ёлқин Тўрақуловнинг ҳар бир куни ана шундай тезкорлик билан бошланган.

Отам жуда ҳазилкаш, самимий ва ўта содда одам эди. Рўзгорбоп киши эмасди. Ҳамма иш ҳам қўлидан келавермасди. Битта эплаган иши помидор, бодринг ва пиёзни ингичка тўғраб, аччиқ-чучук тайёрлаш эди.

Бир куни онам аммамга бозордан қази олиб келишни илтимос қилди. Дам олиш куни эди чамамда. Отам ҳам аммам билан бозорга отланди. Биласиз, Тошкент бозорларида одам кўп бўлади. Бозорга киргач, отам одамларни кўриб ҳайронлигидан «Вой-вуй, бунча одам бу ерда нима қилаяпти?» деб сўрайди. Аммам уйга келиб, бу воқеани қулиб-қулиб айтиб берган.

Отам оиласида катта фарзанд бўлгани боис асосий масъулият у кишининг зиммасида бўлган. Ука ва сингилларини қўллаб-қувватлаган. Рауф (Абдураф) амаким ҳам инженер бўлишни орзу қилган бўлса-да, акасининг маслаҳатига амал қилиб, шифокорликка ўқийди. Умр бўйи шу соҳада ишлади. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор» унвонига сазовор бўлди. Ҳамид амаким ҳам отамнинг қистови билан фармацевтика институтини тамомлайди ва илм йўлидан кетади. Фармацевтика фанлари доктори, профессор, 270 дан ортиқ илмий мақола, 15 дан ортиқ монография муаллифи Ҳамид

Холматович Тўрақулов йиллар давомида фармацевтика институтини бошқарди, умрини илмга бағишлади. Отам ҳам, амакиларим ҳам аммаларимга жуда меҳрибон, ҳар доим ҳолидан хабар олиб турарди. Ака-

## КУШ УЯСИДА ҚЎРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Ота-онам бизга ҳар ишда ўрнак эди. Отам ишдан келгач, албатта ҳар биримиздан дарсларимиз ва қандай китоблар ўқиётганимизни сўрарди. Одатда отамни кечки таом пайти кўрардик. Қолган вақтларда хонасига кириб, ўқиб-ёзарди. Безовта қилишга ийманардик. Телевизордан фақат янгиликларни кўрарди. Ахён-аҳёнда футбол ёки ҳоккей томоша қиласарди. Баъзида бирга кино қўришни илтимос қилсан ҳам ўн дақиқадан кейин хонасига кириб кетарди. Лекин дарс бўйича ниманидир тушунмадим деб олдига кирсам, алоҳида вақт ажратарди. Асосан математика, физика, кимёдан қийин масалаларни ишлашга қийналардим. Шундай пайтлари энг катта халоскорим отам бўларди. Эринмай тушунтириб, қандай ишлашни кўрсатиб берарди. Биргина мусиқий муаммоларни ҳал қилолмасди. Отам бирор-бир мусиқий чолғу





*Отамнинг каттагина кутубхонаси бор эди. Қайси китобни ўқисак, албатта жойига қўйишимиз керак эди.*

чалишимизни жуда истаган ва талаб қилган. Мен маҳсус мусиқа мактабида ўқиган бўлсанм, укам Зафар виолончел, Санжар эса скрипка чалишни ўрганган.

Мусиқа мактабида ўқиб юрганимда отам Япониядан шарикли ручка олиб келган. Ҳамма сиёҳли ручкадан фойдаланаидиган замонлар эмасми, синфдошларим ва мен учун бу жуда катта янгилик бўлган. Баъзи ўртоқларим ҳалигача ўша шарикли ручкамни эслашади.

Отамнинг каттагина кутубхонаси бор эди. Қайси китобни ўқисак, албатта жойига қўйишимиз керак эди. Кейинчалик набираларидан ҳам шуни талаб қилди. Шу йўл билан отам бизни тартибга ўргатган.

Ўзи ўта талабчан бўлгани сабабли болалари ҳам вақтини бўш ўтказишига қарши эди. Сал бекор бўлсанк, жаҳли чиқарди. Эсимда, 10-синф эдим. Отамнинг билдирилмай сочимни кестириб келдим. Онамнинг роса жаҳли чиқди. Отам пинагини ҳам бузмай «тўғри қилибсан, энди ойнанинг олдида камроқ вақт ўтказасан» деган.

Отам талабчан бўлса-да, бизни эркин фикрлашга ўргатган. Ҳаммамиз танлаган йўлимииздан кетдик. Катта укам физик-математик, кичиги арабшунос бўлди. Камина отамга ўхшаб биохимик бўлдим.

Оиламизнинг меҳрибони, отамнинг суюнчиғи онам ҳақида гапириб ўтмасам бўлмас. Онам врач, шу билан бирга, жуда фидойи аёл эди. Рўзгорнинг ҳамма юмушлари унинг зиммасида, ҳам ишга борарди, ҳам уйни эпларди. Пулни иқтисод қилишни хуш кўрарди. Қора кунга аталган пуллари доим бўлган. Отам бир марта «Хоним, бу пулларни қайси қора кунимизга сақлаяпсиз?» деб ҳазиллашган.




## ЯЛТАДА БОШЛАНГАН ЎЙИН ТОШКЕНТДА ДАВОМ ЭТГАН

Онам йилда бир марта отамни таътилга чиқишига мажбурлар эди. Ҳар йили бир марта оиласиий Ялта ёки Кисловодска боарардик. Таътилга отамнинг жўралари — Содик Азимов, Саъди Сирожиддинов ва яна бошқа олимларнинг оиласиари ҳам борарди. Саъди Сирожиддинов отамни қирол, онамни қиролича, ўзини вазир, қолганларни халқ деб ҳазиллашарди. Онам вафот этганида Сирожиддиновнинг аёли Муносиб ая қўлимга битта конверт тутқазган. Очсан онамнинг сурати. Орқасига қиролича деб ёзиб қўйилганди.

Таътилда болалар мазза қиласардик. Турли ўйинлар ўйнардик. Катталар шахмат ўйнарди. Баъзан таътилда бошланган шахмат ўйинлари Тошкентда — уйимизда давом этарди.

## КЕЧИКТИРИЛГАН ХАТЛАР



1991 йилнинг баҳорида ғалати воқеалар бўлди. Отам ўша пайтлари эндо-кринология институтида раҳбар бўлиб ишларди. Унинг қабулхонаси иккинчи қаватда жойлашган бўлиб, котибаси Нелли Грантовна худди постдаги аскар каби ўтирас эди. Бир куни отам столи устида Стокхолмдан — Нобел қўмитасидан хат келганини кўриб қолади. Хат қалингина конвертга ўралган, устига 1991 йилнинг 31 январигача ўзи тавсия қила оладиган одамларнинг ҳужжатларини жўнатиш сўралган эди. Аммо 1990 йилнинг 17 сентябрида жўнатилган хат тавсия муддати ўтгач, яъни 1991 йилнинг баҳорида «қайсиdir йўллар билан» отамнинг столида пайдо бўлган. Хатга жавоб бериш учун энди жуда кеч эди. 1998 йилнинг ўртасида ҳам яна шундай воқеа бўлади.

Афсуски, баъзи кимсаларнинг қўли билан хатлар атай кечикириб олиб келинади. Бу ғаламисликни кимлар уюштирганини ва бундай ишларнинг бошида кимлар турганини отам сезмаган бўлиши мумкин эмас. Лекин начора? Бу хатлар ҳамон уйимизда сақланади. Отамнинг бу воқеалардан қаттиқ жаҳли чиққани тайин. Лекин тушкунликка тушмасдан ишлашда давом этган.

## СЎНГИ ЛАҲЗАЛАР

Отам қанақадир тери касаллиги билан оғирди. Куз ва баҳорда оёклари, баъзида қўллари ҳам қичитувчи қизил доғлар билан қопланарди. Лекин у ҳеч қачон бунга эътибор бермасди. Қўлларини дока билан ўраб, баъзан шиппақда ишга кетаверарди. У киши ҳеч қачон касалликни тан олмасди, иситмаси кўтарилса ҳам албатта ишга чиқарди. Умуман дори ичмасди, кичиклигимизда бизга ҳам дори беришни тақиқлаб қўйган эди. Отам касаллик билан курашиш учун организмнинг ўз ҳимоя механизми бор дерди. Ҳатто витаминларни ҳам тан олмасди. «Табиий ва витаминларга бой овқатлансанг бўлди, ана шунинг ўзи организмга куч беради» деб уқтиради.

Шифокорлар отамни тўлиқ текшириб, ҳатто саратонга ҳам шубҳа қилишган. Аммо онам таҳлил натижасини кўриб, бу шубҳани рад қилган ва отамда ичаклар тўсилиши бор деб ташхис қўйган. Жарроҳлик амалиётидан сўнг отам яна ишга шўнғиб кетди. Кўп йиллар ишлади. У киши илмсиз, ишсиз турга олмасди. Сўнгги йилларда уйда туриб ҳам ишлади. Зерикди шекилли, ишига, ходимларига яқин бўлиш учун ўзининг институтидаги «шахсий» палатасига бориб ётмоқчи бўлди. Қаршилик қилолмадик. Бир муддат ўтгач, отам грипп вирусини юқтириб, яна уйга қайтди. Ўша кунлар отамнинг институт ва ходимлари билан хайрлашув онлари бўлган экан.

2005 йилнинг 1 марта. Баҳорнинг илк куни. Отам бу кунни сабрсизлик билан кутди. Шогирдлари, ходимлари, ҳамшираларини хурсанд қилиш истагида каминани совфа олиб келишга дўконга юборди. Отамни овқатлантириб, дўконга отландим. Қайтиб келиб, чой олиб кирдим. Шу билан кечки овқатга уннаб кетдим. Кечки соат олти... Ўғлим «онажон, бобомга қаранг, ухляяптими?» деди. Юрагим шувуллаб кетди.

Кабинет... Академик Ёлқин Тўрақулов севимли креслосида сокин, виқор-ла ўтирган ҳолда абадий уйқуга кетган эди...

# SUMMARY

The first edition of 2024 of "Ma'naviy hayot" has been published. This time many interesting articles on modern and significant topics appeared on the pages of the magazine. In particular, in the article "Yangi kunning eski tarixi", the author shared his interesting thoughts about Navruz – the traditional holiday of Turkic people which is known as the start of the year and the ambassador of spring. He brought personal life sources, facts and evidence from the life and culture of our people, especially those who lived in Central Asia.

This time in the column of "Uch avlod uchrashuvi", well-known scientists — doctor of pedagogical sciences Qozoqboy Yo'ldoshev and doctor of philological sciences Uzoq Juraqulov, sought answers to a number of questions on the issue of training of qualified personnel which is a problem of all times. Suggestions and comments have been shared and the attention is paid to the problems facing us in the matter of personnel training.

From the 1st edition of 2024 of our magazine, a new column called "Tavsiya" has been created. In this column, the opinions of specialists, scientists, literary experts, writers and poets are regularly published on the issue of finding an alternative to the new words entering our mother tongue or accepting them as they are in this global era. And for the first time, the opinions of scientist Baxtiyor Abdushukurov and writer Zuhiddin Isomiddinov were brought to the attention of readers.

This time, the articles about Turkic people, which are published regularly on the pages of our magazine are dedicated to the Karachayli nation. In the article, the author Anvar Bo'ron pointed important and interesting information about the origin history, lifestyle, customs, folklore and language of Karachayli nation.

In the interview with famous scientist of Uzbekistan, director of the Institute of Bioorganic Chemistry, doctor of chemical sciences, academician Abbosxon To'rayev discussed the changes, achievements and problems of Uzbek science in the 21st century and glanced at the lives of dedicated and passionate teachers who are walking through the difficult but honorable path of knowledge.

Nowadays you can find countless famous nonsense videos with a minute duration on the uzbek segment of the internet. Unfortunately, many people don't realise the promotion of indecency, illiteracy and obscenity of such "creative" videos. In the article "Layk gadolari" the author paid special attention to these aspects of the topic.

Also, the pages of our magazine include a number of articles titled "O'n asr naridan, o'n asr beridan", "Onadan olislayotgan odamlar", "Do'ng peshona o'zbegim", "Og'riqli tomosha", "Nobel qo'mitasidan xat olgan o'zbek olimi" which are highly appreciated by our magazine readers.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,  
МА'НАВИЙ-МА'РИФИЙ,  
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ  
№1 (41), 2024

**Муассис:**  
Республика Маънавият  
ва маърифат маркази

**Бош муҳаррир:**  
Эшқобил ШУКУР

**Ижодий гурӯҳ:**  
Азим РЎЗИЕВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Шодмонкул САЛОМ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Мусулмон НАМОЗ  
Ҳасан КАРВОНЛИ  
Шахноза РОФИЕВА  
Бобо РАВШАН  
Гулжаҳон НОМОЗОВА

**Масъул котиб:**  
Орзу АЪЗАМ

**Фотограф:**  
Султонбой ДЕҲЖОНОВ

**Муқова фотоси муаллифи:**  
Эрнест КУРТВЕЛИЕВ

**Манзил:**  
Тошкент шаҳри,  
Бобур кўчаси, 6-йй.  
e-mail: manaviyahayot@inbox.ru  
Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);  
90 319 11 41 (маркетинг ва  
реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва аҳборот агентлигидан  
30.06.2015 йилда 0828-рақам  
билин руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.  
Журналдан кўчириб босилгандан  
манба қайд этилиши шарт.

Босишга 27.04.2024 да руҳсат  
берилиди. Бичими 60x84 1/8.  
Офсет усулида босилди.  
Босма табори 14.0.  
Буюртма № 4/132  
Адади 5035 нусха.  
Обуна индекси: 919  
ISSN 2181-7766

Журнал «SMARTPACK PRINT»  
МЧЖК КК нашриётида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш,  
Тараққиёт кўчаси, 2-йй.  
Тел.: 99 929 77 79

# МАЬНАВИЙ ХАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

Обуна  
индекси:  
**919**

«Маънавий хаёт» журнали бу йўлда сизнинг  
кўмакчингиздир.  
Журналга обуна бўлинг!



